

81. 2

Н.А.ТУХТАХОДЖАЕВА

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ  
ИФОДАЛАНИШИ**



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

Н.А.ТУХТАХОДЖАЕВА

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ  
ИФТОДАЛАНИШИ

(инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик-фразеологик бирликлар  
мисолида)

ТОШКЕНТ – 2013

ALISHER NAVOIY NOMI  
ЎЗБЕКИСТОН Республикаси  
АХБОРОТ-РЕСУРС МА...



УЎК: 664 (075)

КБК 81.2Ў36-3

T-80

**T-80** Тухтаходжаева Н.А. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик-фразеологик бирликлар мисолида). –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 132 бет.

ISBN 978-9943-10-940-7

Монографияда замонавий тилшуносликнинг янги йўналишларидан бири лингвокультурологиянинг таржима назарияси билан боғлиқ масалалари ёритилган бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий асарлар ва улар таржималарида лингвокультуремаларни акс эттириш йўллари тадқиқ этилган. Ундан стилистика, таржимашунослик, лингвокультурология фанларидан маъруза ва семинарлар олиб боришда, магистрлик диссертациялари ва малакавий битирув ишлари ёзишда, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда фойдаланиш мумкин.

УЎК: 664 (075)

КБК 81.2Ў36-3

**Тақризчилар:**

Р. Расулов – филология фанлари доктори, профессор;

Д. Тешабаева – филология фанлари доктори, доцент.

ISBN 978-9943-10-940-7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

## КИРИШ

Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири – тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этишга қаратилганлиги сабабли сўнгги йилларда лингвокультурология фани соҳасидаги тадқиқотлар жадаллашмоқда (Н.Н. Болдырев, И.И. Телия, Е.С. Кубрякова, И.А.Стернин, Н. Д. Арутюнова, А. Вежбицкая, С.Г. Воркачев, В. И. Карасик, С.Х. Ляпин, Д.С. Лихачев, Ю.С. Степанов ва б.).

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган лингвокультуремаларни ўрганишга бағишланган ишлар сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ривожланмоқда. Ўзбекистондаги бир қатор олимлар, хусусан, А.Абдуазизов, Ш.Сафаров, Д.Ашурова, Ў.Юсупов, А.Маматов, Ж.Ёқубов, Г.Махкамова, Н.Джусупов, Х.Самигова, И.Тухтасинов ва бошқалар лингво-культурология соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Таржима назариясига лингвокультурологик ёндашув доирасида лингвокультуремаларни таржимада акс эттириш муаммоси долзарб ва ўрганилмаган масалалардандир.

Мазкур монография учун танланган *happiness/baxt* лингвокультуремалари инглиз ва рус тиллари мисолида кам ўрганилган, ўзбек тилида эса тадқиқ этилмаган. *Happiness/baxt* лингвокультуремалари универсал лингвокультуремалардан бўлса-да, ҳар бир халқда ўз миллий-маданий хусусиятларига эга. Азалдан барча халқлар «*бaxt* нима?» деган саволга жавоб излаганлар. Ҳар бир халқ ўз маданияти, дунёқараши, замон руҳига қўра унга таъриф беришга уринган. “Бахт” – маънавий-ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолиятлари натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнулик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг

ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади [Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000:652].

Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатдики, *happiness/baxt* лингвокультуремалари ўзбек ва инглиз маданиятидаги умумий, шу билан бирга, миллий-маданий хусусиятларга эга. Ушбу фарқли хусусиятлар таржима жараёнида бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, танланган мавзунинг долзарблиги таржима назариясига замонавий ёндашишнинг зарурлиги, лингвокультурологик нуқтаи назардан лингвокультуремалар, хусусан таянч лингвокультуремалардан бири бўлган *happiness/baxt* лингвокультуремаларини таржимада акс эттириш муаммосининг ўрганилмаганлиги билан изоҳланади.

---

## 1 боб. ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ

### 1.1. Тил, маданият, таржима муаммолари

Тил билан маданият ўртасидаги муаммолар олимларнинг нингокида доим долзарб масала бўлиб келган (В.Гумбольдт, Э.Сепир, В.Уорф, Дж. Лакофф, Р. Джэкендофф, Р. Ч.Филмор, А.Потебня, В.Телия, Е.Верещагин, В.Костомаров ва б.). Э.Сепирнинг фикрига кўра, тил маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда ривожланади, уни ифода этади ва маданиятнинг бутунлигича равнақ топишида асос бўлиб хизмат қилади [Сепир, 1993:223]. Тил фақатгина мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, миллат, халқ маданиятининг асосий қисмини ҳам ташкил этади. Бу ўринда В.А.Маслова қуйидаги фикрни билдиради: “Язык – специфический способ существования культуры, фактор формирования культурных кодов” [Маслова, 2001:27]. Тил – маданиятнинг барқарорлигидаги махсус йўл ҳамда маданий кодларнинг шаклланишида асосий омилдир.

Шунингдек, В.Н.Телия тил ва маданият муносабатларининг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонларини қуйидагиларда кўради:

○ маданият, худди тил каби инсон дунёқарашини акс эттирувчи оғ шаклидир;

○ тил ва маданият ўзаро муносабатда, мулоқотда бўлади;

○ тил ва маданиятнинг субъекти доимо –индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа, шахс ёки жамият;

○ тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир [Сафаров, 2006:63].

Дарҳақиқат, тил ва маданиятни яқинлаштирувчи умумий хусусиятлар талайгина ва кўпчилик олимлар тилни миллий



маданиятнинг ажралмас қисми, бир бўлаги сифатида талқин қиладилар. Масалан, К.Леви-Стросс қарашларида тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликни куйидагича ифодалайди:

○ тил – маданият маҳсули бўлиши билан бирга, жамиятда кўлланилиб, халқнинг умумий маданиятини акс эттиради;

○ тил – маданиятнинг бир бўлаги бўлиб, ўзида маданиятнинг айрим элементларини ифода этади;

○ тил – маданият шарт ҳисобланиб, айнан маданият орқали индивид ўз гуруҳининг маданиятига эришади [Леви-Стросс].

Юқорида берилган таърифлардан шуни англаш мумкинки, маданият тил қобиғида яшайди, шаклланади, ривожланади. Улар бир-биридан ажралмайди бир бутунликни ҳосил қилади. Шундай экан, тил — жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисиدير.

Э.Сепир ва Б.Уорф ўз фаразларида тил ва маданият уйғунлашуви ғоясини илгари сурган ҳолда, тил — маданият маҳсули ва шу билан бирга, маданиятни шакллантирувчи омил ҳамдир деб талқин этадилар. Тил ўзида воқеликни акс эттиради, маданият эса ушбу воқеликнинг ажралмас қисмиدير [Сепир, 1993].

Зеро, ҳар қандай маданият тилда намоён бўлади, тилда ўзининг моддий қобиғини топиши билан бирга, атроф-муҳит таъсирида тараққий этиб, ўзгариб боради. Турли миллатлар маданияти бир-биридан дастлаб, воқеликни моддий ва маънавий жиҳатидан қандай ўзлаштириши билан фарқ қилади [Сафаров, 2006:63].

Миллий-маданий хусусиятларнинг тилда қандай намоён бўлиши масаласи бир қатор тилшунослар тадқиқотларида ёритилган. Мазкур соҳадаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, миллий-маданий хусусиятларга эга тил бирликлари сифатида, асосан, реалиялар ва фразеологизмлар эътироф этилади. Аммо, Д.Ашурованинг фикрича, миллий-маданий

хусусиятларга эга тил воситалари реализлар ва фразеологизмлар билангина чегараланмай, миллий-маданий ўзига хослик тилининг барча сатҳларида: фонетик, лексик, грамматик, фразеологик, сўз ясалишида ҳам акс этади. Миллий-маданий ўзига хосликни ифода этувчи воситаларига: стилистик воситалар (метафора, метонимия, ўхшатиш, символ ва б.), шепрессив деривация, фразеология, ва бошқалар киришини таъкидлайди [Ашурова, 2011:27].

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатлар ўзининг тарихи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, маданий ривожланиши ва турмуш тарзи жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир халқ ўзгача либоси, таомиллари, урф-одатлари, хулқ-атворига эга. Ана шундай миллий ва умуминсоний қадриятларни бирор-бир асарда ифодаланиши ўша миллатнинг такрорланмас жикатларини намоён этади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадиий асарнинг миллий хусусиятини белгиловчи восий воситалар ҳисобланади [Мусаев, 2005:89]. Бу каби ўзига хосликларни таржима тилида акс эттиришда таржимондан баъона тил хусусиятларини йўқотмасдан, шу билан бирга, ўз тили нормаларига ҳам амал қилиш маҳорати талаб этилади.

Таржима жараёнида тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик, миллий-маданий ўзига хосликни акс эттириш муҳим роль ўйнайди. Бир тилдаги олам тасвири маданий ва маънавий хусусиятлари билан уйғунлашиб, иккинчи тилга узатилиши таржиманинг сифат ва самарадорлигига боғлиқдир. Демак, таржима бадиий ижод маҳсули бўлиб, маданиятда муҳим ўрин эгаллайди. Бир тилдаги асар иккинчи тилга ўтирилганда унинг нафақат маъно-мазмун ифода этилади, балки ўша халқнинг ижтимоий келиб чиқиши, тарихи, маданияти, дунёқараши ҳам кенг тарғиб қилинади.

Таржима фаолият ёки фаолият натижаси сифатида "маданият" тушунчасидан ажралмас тушунчадир [Мўминов, 2011:3]. Шунга кўра, таржимон олдидаги мураккаб вазифалардан бири, халқнинг миллий дунёқараши билан бирга

асрлар оша яшаб келган тарихи, кадрийлари, удумларини сақлаган ҳолда, уни иккинчи халқ эгаларига етказиб беришдир.

Хорижлик ҳамда ўзбекистонлик олимлар томонидан тил таржима ва маданият ўртасидаги муносабатларни ўрганиш бағишланган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. E.Nida, P.Newmark, J.Catford, M.Baker, D.Robinson, Bell Roger T., E.Gutt, B.Hatim, P.Fawcett, A.Федоров, В.Комиссаров, С.Влахов, С.Флорин, Е.Верещагин, В.Костомаров, Я.Рецкер, Л.Неллобин, А.Л.Семенов, Ф.Саломов, Қ.Мусаев, Р.Файзуллаева, Н.Комилов, М.Бақоева, Н.Отажонов, И.Ғафуров, О.Мўминов, Л.Хусаинова, Н.Қамбаров, М.Собиров, О.Рустамов кабилар илмий изланишлари шулар жумласидандир.

Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, миллий-маданий хусусиятларни таржимада акс эттирилишига бағишланган асарларда асосий эътибор реалаялар таржимасига қаратилган. Реалаялар таржимаси муаммоси ҳам юртимиз, ҳам хорижий таржимашунос олимлар (Г.В.Чернов, А.В.Федоров, Я.И.Рецкер, С.Влахов, С.Флорин, В.А.Вернигорова) тадқиқотларида ёритилган. Дарҳақиқат, реалаялар миллий-маданий ўзига хосликни ўзида акс эттирувчи энг ёрқин воситалардир.

Болгариялик олимлар С.Влахов ва С.Флоринлар реалаяларга қуйидагича таъриф берадилар: “Слова (и словосочетания) народного языка, представляющие собой наименования предметов, понятия, явлений, характерных для географической среды, культуры, материального быта или общественно-исторических особенностей народа, нации, страны, племени, являющиеся, таким образом, носителями национального, местного и исторического колорита; точных соответствий на других языках, а, следовательно, не поддаются переводу требуюя особого подхода” [Влахов, Флорин, 1980:47]. Яъни реалаялар махсус предметлар, тушунчалар, воқеликларни англлатувчи сўзлардан иборат бўлиб, улар тарихга, турмушга, алоҳида миллат маданиятига тааллуқли бўлади. Улар фақатгина бир тилгагина хос бўлиб, бошқа тилларда эквиваленти бўлмайдиган ва

таржима жарайида ҳам махсус усуллардан фойдаланишни талаб қилади.

Таржима назариясига реаліялар мустақил соҳа сифатида кириб келган бўлиб, тилнинг миллий ва тарихий ўзига хосликларини таржимада талқин этиш катта аҳамиятга эга. Ш.Файзуллаева ҳам Узининг таржимада миллий колоритни акс эттириш муаммоларига бағишланган тадқиқотида немис ва ўзбек халқлари ўртасидаги миллий тафовутларни ўрганади [Файзуллаева, 1972]. У бадий таржимада реаліялардан ташқари, миллий характер, лексик-фразеологик бирликларнинг миллий муҳитда акс этиши, инсон турмуш тарзининг миллий колорит билан боғлиқ жиҳатларини, давр колоритларини алоҳида бобларда ёритади. Реаліялар бир халқнинг тилида тутилиб, миллатнинг турмуш тарзи, тарихи, маданиятини ўзида акс эттириб, бошқа тилларда аниқ муқобилини топмайди.

Хусусан, Н.Отажановнинг “Бобурнома жаҳон адабий жарайида” номли докторлик диссертациясида таржимада миллий тафовутлар муаммосига урғу берилган ҳолда, қуйидаги фикр билдирилади: “Миллий тафовутлар тушунчасининг бағри енг. Модомики, миллий муайян ашёлар, кийим-кечак, озиқ-овқат, моддий-маиший асбоб-ускуналар, жўғрофий-худудий маънолар, ўлчов бирликлари ва ҳоказоларда зухур этар экан, бундай атамалар ҳамда хос сўзларни таржимада бериш масаласи жуда муҳим. Бироқ, миллий хослик тушунчасининг бундан-да мураккаб жиҳатлари борким, булар онг, тафаккур, шуур, маънавият, маъна, идрок, ғайри-лисоний омиллар, дин, ғир, халқ оғзаки ижоди, турфа удум ва таомиллар, маросимлар билан боғлиқ” [Отажанов, 1994:55-56.].

М.Собиров ҳам номзодлик диссертациясида “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадиятини қайта тиклаш муаммоларига эътибор қаратар экан, таниқли ўзбек ва хорижий адабиётшунос ҳамда таржимашунос олимлардан Ю.Д.Левин, Л.М.Мкртчян, А.В.Федоров, Ж.Шарипов, Н.В.Владимирова, Ғ.Саломов, С.Раҳимов, Н.Отажанов, В.Текстонларнинг назарий қарашларига таянади.



У ўзбек халқининг маданияти, қадриятлари, удумлари тааллуқли сўзлар, иборалар, реалиялар, шунингдек, фақат XV аср тилига хос бўлган сўзлашув услубини инглиз тилига ўгириш муаммоларини ўрганеди.

М.Собиров “Бобурнома”да акс этган кечинмалар, маданият маиший ўзига хосликлар, расм-русумлар, удумлар, атамалар географик номларни таҳлил қилиш асносида уларнинг инглиз тилида қандай талқин этилишини кузатади. “Бобурнома” матн нўқтаи назарида мураккаб асар бўлиб, унда сиёсат, тарих ва турли фан соҳаларига оид беҳисоб маълумотлар, кузатишлар адибнинг “кўнгил кўзи”дан ўтказиб берилган [Собиров 2002:13]. Мазкур асарни Вилер Текстон томонидан инглиз тилига қилинган таржимада асарда тилга олинган ҳар бир атам ва ҳар бир хос сўзлар Шарқ дунёсига яқинлашувни кўрсатади. Шунингдек, “Бобурнома”нинг яна бир қатор таржимонлар томонидан турк, ҳинд, урду, япон, уйғур, рус, немис, инглиз, француз, поляк тили каби европа тилларига қилинган таржима вариантларида ҳам миллийлик, тарихий, илмий ва маданий муҳит ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Бадиий асарни ташкил этувчи барча элементлар, давр руҳи, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳолатлари ўша халқнинг миллий-маданий муҳитининг ёрқин намунаси. Мазкур муаммога М.Жабуриев ҳам ўз тадқиқотида ёндашади. Ҳар бир бадиий асарнинг ўз замони, ўз макони бор. Замон ва маконнинг муайянлиги ёзувчи сиймоси билан узвий боғлиқ равишда асарга хос миллийлик даражасини белгилайди. Миллийлик, энг аввало, характерлар орқали ифодаланади. Зеро, характер инсоннинг бадиий тимсоли экан, миллийлик маълум персонажнинг ҳолати ва хатти-ҳаракатларида, нутқий ўзига хослиги, шунингдек, портрет характеристикаларида намоён бўлади [Жабуриев, 1991: 129].

М.Жабуриевнинг илмий ишида бадиий таржимада персонажларнинг ҳолати ва хатти-ҳаракатлари тасвири, персонажларнинг нутқига хос миллий-маданий хусусиятлар таржимаси, ҳарбий атамалар, ўлчов birlikлари, пейзаж ва

тасвири таржимаси таҳлил этилган. Юқоридаги барча мисалларнинг таркибига кирувчи хос сўзлар бирор бир асардаги шир руҳини, тарихий манзарани ифода этиб, халқ тарихий тараққиётининг мақсули бўлиши билан бирга, тарихий-миллий хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Миллий-маданий ўзига хосликни акс эттирувчи воситалардан яна бири – бу фразеологизмлар ва паремиядир. Уларнинг кўрки ва бадийлиги ифодаси бўлган фразеологизмлар тилда образлиликни ифодаловчи воситалар бўлиши билан бирга, халқнинг миллий маданияти, ўзига хос характери, келери, кайғу-ташвиши, образлари, менталитетини акс эттирувчи кўзгудир. Шу боисдан, фразеологизмлар бадий матнда образ, персонаж, характернинг нозик қирраларини тўла оқинида, воқеа-ҳодиса, ҳолатларни образли, бўрттириб тасвирлашда қўлланиладиган муҳим тил бирлиги ҳисобланади.

Ҳар бир тил фразеологик бирликлари заҳираси таркибида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, руҳий ҳолатлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар ўз аксини топган бўлади. Муайян тил жамоаси лафзига мансуб бундай фразеологизмлар миллий хусусиятга эга тил воситалари сарфига кириди. Улар тилнинг халқчиллиги ва ўзига хослигини белгилагани ҳолда, бадий асарнинг миллий пуйғини юзага келтиради.

Фразеологизмлар ҳақида бир қатор рус тилшунос олимлари (А.В.Кунин, В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, В.Н.Телля, В.А.Маслова ва б.) ўз нуқтаи назарини билдирганлар. Шу жумладан, В.А.Маслова қуйидагича мулоҳаза билдиради: “Фразеологик бирликлар ўзининг семантикасида халқ маданиятининг узок тарихий тараққиётини акс эттириб, маданий стереотип, эталон ва архетипларни жамлаб авлоддан авлодга ўзтади. Фразеологизмлар миллатнинг қайтарилмас маънавияти ва ўзига хос жиҳатлари ифодаси бўлган ҳар қандай миллат тилининг кўзгусидир” [Маслова, 2001:82].

Фразеологизмларнинг айрим муаммолари қатор ўзбек тилшунос олимлари томонидан (Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Саломов, Б.Йўлдошев, А.Маматов ва б.) чуқур ўрганилган. Хусусан Ғ.Саломовнинг фразеологизмлар таржимасига оид изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. У фразеологизмларнинг иложи борича тилда мавжуд эквиваленти, муқобили, вариант ёки синоними билан бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Шунингдек, таржимада миллий колоритни сақлаш муҳимлигини қайд этади [Саломов, 1983].

Шунинг учун ҳам таржимон у ёки бу асарни ўз тилига таржима қилишидан олдин оригинал тилга тааллуқли бўлган халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий-маданиятига хос ҳар хил қарашлар ва оригинал фразеологик бирликларнинг табиатини яхши ўрганиб олиши, кейин эса, ўз тилидаги фразеологик бирликларни ўзга тилдаги иборалар билан таққослаш натижасида, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини яхши ўзлаштириб олиши керак [Мусаев, 1967:205].

Фразеологик бирликлар, мақол, матал барчаси халқ ижодиёти маҳсули бўлиб, улар халқ, миллат, элатларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятини яққол ифодаловчи омиллар бўлиб хизмат қилади. Масалан, *Чумчуқдан қўрққан тарик экмас – Волков бояться – в лес не ходитъ*. Бу икки мақол таржимада бир-бирига муқобил, яъни мазмунан муносиб бўлса-да, аммо шаклан ўзларининг муйян миллий тилига мансуб ҳолда ифодаланган. Биринчи мақол ўзбек халқининг азал-азалдан деҳқончилик билан кун кечирганлигидан дарак берса, иккинчиси рус халқининг яшаш шароити овчиликни тақозо этишини кўрсатади. Шу ўринда В.Н.Телия куйидагича фикр юритади: “Фразеологический состав языка это зеркало, в котором лингвокультурная общность идентифицирует свое национальное самосознание, и именно фразеологизмы как бы навязывают носителям языка особое видение мира, ситуации” [Телия, 1966]. Яъни тилдаги фразеологизмлар миллий тафаккурни ўзида акс эттирувчи кўзгудир, аниқроғи,

разеологизмлар тил эгаларига оламни ўзгача талқинда намоён тади.

Биз Д.Ашурованинг фикрига кўшилган ҳолда, миллий маданий ўзига хосликни ифода этувчи тил бирликлари қаторига стилистик воситалар (метафора, ўхшатиш, метонимия, аллюзия ва б.) ҳам қиради деб ҳисоблаймиз [Ашурова, 2004]. Ҳар бир халқ тилида образлиликни ифодалашда белги ва рамзлар, атроф муҳитни қуршаб турган табиатдан, қушлар, ҳайвонлар, ўсимликлар тимсолидан фойдаланадилар. Масалан, аксарият халқлар учун кабутар – тинчлик, товус – гўзаллик, тулки – маккорлик тимсолидир. Ўзбек халқида қиз боланинг чиройини ифодалашда уни ойга таққосласалар, инглиз миллати учун ойга ўхшатиш аҳмоқлик, тентаклик маъносини англатади. Ёки, хиндларда сигир — она меҳри, нозиклик белгиси бўлса, ўзбек ёки рус ёзувчиси аёлни сигирга таққосласа, кўпол хато, ҳақоратга йўл қўйган бўлади.

Миллийликни акс эттирувчи воситалардан яна бири миллий-маданий фазилатлардир. Ҳар бир миллатнинг алоҳида ўзига хос турмуш тарзи мавжуд бўлиб, у асрий тарихнинг ривожланиш жараёнида маълум бир халқнинг ўзига хос маданияти ва дунёқарашини ташкил этади. Р.Файзуллаева мазкур ишда ўзбек миллатининг анъаналаридан келиб чиққан ҳолда “меҳмондўстлик” сўзини уч тилда (ўзбек, рус ва немис тилларида) қиёсий таҳлил этади. Гарчи бу сўзга рус ва немис тилларида яқин келадиган эквивалент сўзлар мавжуд бўлса-да, аммо у сўзларда *меҳмон+дўстлик*, яъни бирор хонадонга ташриф буюрган меҳмонни мезбон томонидан ҳурматга сазовор шахс, иззат-икромга лойиқ дўст сифатида қабул қилиниш жиҳатлари акс этмайди. Зеро, меҳмонни улуғлаш, сийлаш каби муносабатлар ўзбек миллатида бошқа халқларга нисбатан кучлироқдир.

Н.Отажонов инсоний фазилатлардан ҳаё, совға-салом, садақа, хайр-эҳсон, одамгарчилик, орият, меҳмондўстлик каби туйғуларнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлар экан, уларнинг бир неча юз йиллар давомида қарор топганлигини



таъкидлайди. Бунда, ислом диний ақидалари: Қуръони карим Ҳадиси Шариф ҳамда ушбу мўътабар манбаларнинг таъсир остида ривожланган Шарқ маданияти ва мумтоз адабиётнинг ўрни бекиёслигини қайд этади [Отажонов, 1994]. Шарқда дини туфайли халқнинг томирига саховат, очиққўллик, дастурхондорлик, меҳмондўстлик сингари хислатлар синги кетган. Бундай фазилатларни таржимада акс эттириш биро қийинчилик туғдиради.

Ҳозирги кунда тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология нуқтаи назаридан лингвокультуремалар ҳам миллий-маданий ўзига хосликни акс эттиради. Чунки айнан лингвокультуремаларга бўлган лисоний-маданий ёндашув лингвокультуремаларни маданиятнинг таянч бирлиги сифатида қабул қилишни тақозо этади ва маълум бир маданият учун муҳим бўлган тушунчаларни ўзида акс эттиради. Аммо лингвокультуремалар таржима назариясига лингвокультурологик ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилмаган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Баён этилган фикрларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таржимада миллий-маданий хусусиятларни акс эттириш муҳим роль ўйнайди. Миллий-маданий хусусиятларни таржимада акс эттирилишига бағишланган адабиётларда реалаялар, фразеологизмлар, стилистик воситалар, миллий характер ва бошқа воситаларнинг таржима муаммолари кенг ўрганилган. Лингвокультуремаларни таржимада акс эттириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар деярли йўқ.

## **1.2. Лингвокультурема ва концепт тушунчалари когнитив тилшунослик ва лингвокультурология талқинида**

Ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири тил ва маданият боғлиқлигини тадқиқ этишга қаратилганлиги сабабли сўнгги йилларда лингвокультурология фани соҳасидаги тадқиқотлар сони кўпаймоқда (С.А.Аскольдов-Алексеев, С.Г.Воркачев, Е.М.Верещагин, А.Вежбицкая,

О.С.Степанов, З.Д.Попова, Е.С.Кубрякова, Н. Д.Арутюнова, (С.Лихачев ва б.).

Юртимиз тилшунос олимларининг (Ш.Сафаров, А.Абдуазизов, Д.Ашурова, Ў.Қ.Юсупов, А.Маматов, Ж.Ёкубов, Махкамова, С.Акбарова, А.Таджибаева, Н.Исамухамедова, М.Галиева, Д.Агзамова ва б.) лингвокультурологиянинг таянч тушунчаларидан бири бўлган концепт муаммоларига қаратилган тадқиқотлари тилшунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчалари – бу “концепт” ва “лингвокультурема” терминлари бўлиб, улардан дастлабкиси онг бирлиги, иккинчиси тил бирлиги ҳисобланади. Бу тушунчалар ўзида маданиятнинг бир бўлагини акс эттириши туфайли айрим ҳолатларда тилшуносликда синоним тушунчалар сифатида қаралади. “Лингвокультурема” термин сифатида В.В.Воробьев томонидан илк бор илмий муомалага олиб кирилди. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро фаркли жиҳатларини Ў.Қ.Юсупов қуйидагича изоҳлайди: “Лингвокультурема – ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалар, гаплар, паремиялар, нутқ клишелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар ва ҳоказолар киради. Лингвокультурема мазмун ва ифода планига эга, ифода плани юқорида кўрсатилган бирликлар, мазмун планини эса ўша бирликларнинг семантикаси ташкил қилади. Демак, лингвокультурема концептдан ўзининг мазмун ва ифода планига эга бўлиши билан фарқ қилади.” [Юсупов, 2011:15]. Бинобарин, концептлар тилда лингвокультурема кўринишида намоён бўлиб, муайян халқ маданиятининг бир қисмини акс эттириб келади.

Концепт бўйича муаммолар маданиятшунослик, жамиятшунослик, тилшунослик, этнопсихолингвистика каби фан йўналишларида ҳам ўрганилмоқда. Ушбу йўналишларда концепт тил қонуниятларини очиб берувчи омил бўлиб хизмат

қилади, шунга кўра, концептга нисбатан олимларнинг турфа хил қарашлари ва таърифлари мавжуд.

“Концепт” термини тилшуносликда эски ва шу билан бирга, янги термин бўлиб, 1928 йилда С.А.Аскольдов-Алексеевнинг “Концепт ва сўз” номли мақоласида концептни кўпроқ сўзга боғлиқлиги эътироф этилган бўлса-да [Аскольдов, 1997], XX асрнинг ўрталарига келибгина, “концепт” – тилшуносликда термин сифатида қўлланила бошлади.

Ҳозирги кунда тилшуносликда концепт терминига икки хил йўналиш: когнитив тилшунослик ва лингвокультурологик жиҳатдан ёндашилади. Олимларнинг (А.П.Бабушкин, Н. Н. Болдырев, В.Н. Телия, Е.С.Кубрякова, И.А.Стернин ва б.) когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, концепт – бу онг бирлиги бўлиб, қабул қилинган билим, эришилган тажриба, инсон ҳаётидаги фаолият натижалари, муайян маданиятга тааллуқли тасаввур ва билимлар мажмуасидир.

Е.Кубрякованинг “Когнитив атамаларнинг қисқача луғати”да концептга қуйидагича таъриф берилган: «Концепт – это термин, служащий объяснению единиц ментальных и психологических ресурсов нашего сознания и той информационной структуры, которая отражает знания и опыт человека; оперативная содержательная единица памяти, ментального лексикона, концептуальной системы и языка мозга (*lingua mentalis*), всей картины мира, отраженной в человеческой психике» [Кубрякова, 1996:90-93]. Яъни концепт – бизнинг онгимиз ментал ва психик ресурслари бирликларини ифодалашга хизмат қилувчи ҳамда инсон тажрибаси ва билимларини акс эттирувчи информацион тузилма. Инсон психикасида намоён бўлувчи хотиранинг, ментал лексиконнинг, миянинг концептуал тизими ва тили, дунёнинг барча манзараларининг оператив мазмуний бирлигидир [Қулматов, 2011:160].


Концепт асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептлар инсон онгида шаклланадиган

турли категорияларнинг асосини ташкил қилади ҳамда улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади [Сафаров, 2006:17]. Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир [Кубрякова, 2003:9]. Шунингдек, онгдаги концептуал тизимнинг ўзгарувчанлигини эътироф этган ҳолда Серебренников шундай ёзади: “инсон онгидаги концептуал тизим динамик хоссага эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида олам ҳақидаги ахборотни қайта ишлайди ҳамда ўзида мужассамлаштиради” [Серебренников, 1988:142]. Д.У.Ашурованинг концептга бўлган нуқтаи назари куйидагича: “Концепт – это комплексно обусловленная ментальная сущность, компонент ядерной (базовой) картины мира, обладающей культурной значимостью как для отдельной языковой личности, так и для лингвокультурного сообщества в целом” [Ашурова, 2011:32]. Яъни концепт – бу уйғун бирлик ҳосил қилувчи ментал тузилма бўлиб, у олам тасвирининг ядровий компоненти сифатида лингвомаданий аҳамиятга эга бўлган алоҳида шахсга ва бутун жамиятга тегишли бўлади.

Ў.Қ.Юсупов концептни шундай таърифлайди: “Концепт – бу онгимизда мавжуд ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ходиса ҳақидаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатдир” [Юсупов, 2011:10].

Тилшунос олимлар концептни ядро ва периферия қисмларига ажратадилар. И.А.Стернин ўзининг психолингвистик таҳлиллари натижасида ушбу хулосага келади: “концепт ядроси унинг таянч қатламини ташкил этиш билан бир қаторда когнитив қатламлар мажмуаси ва когнитив белгиларда намоён бўлувчи когнитив сегментларни ўз ичига олади” [Стернин, 2001: 61].

Лингвокультурологияда эса, концепт кўпроқ “тил, тафаккур, маданият” сингари тушунчалар билан уйғунликда ўрганилади. “Концепт” термини лингвокультурологияда ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган бўлса-да, унга нисбатан бир қатор





тилшунос олимлар ўз қарашларини ифода этадилар. Лингвокультурология асосчилари (Н. Д. Арутюнова, А. Вежбицкая, С. Г. Воркачев, В. И. Карасик, С. Х. Ляпин, Д. С. Лихачев, Ю. С. Степанов ва б.) эса, концептни этносемантик хусусиятларга эга бўлган ментал тушунча деб қарайдилар. Концептга бўлган лингвокультурологик ёндашув концептни маданиятнинг таянч бирлиги сифатида қабул қилишни тақозо этади ва маълум бир маданият учун муҳим бўлган тушунчаларни ўзида акс эттиради.

Ю.С.Степановнинг фикрича, концепт тилшуносликда икки хил маънода тушунилади: 1) маънавий маданиятнинг калит сўзи; 2) сўз пайдо бўлишига туртки бўлувчи бирламчи тасаввур. Бу икки фикр бир-бирини тўлдириб, бир бутунлиқни ҳосил қилади [Степанов, 1997:254].

Е.С.Кубрякова З.Джекендоффнинг фикрига таянган ҳолда концепт — бу инсон тафаккуридаги олам тасвирининг тилда акс этиши, деган ғояни илгари суради [Кубрякова, 2003:10].

Н.Д.Арутюнованинг таълимотига кўра концептлар инсон ва олам ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилувчи маълум бир маданий қатламни ҳосил қилади [Арутюнова, 1999: 3].

А.Вежбицкая қарашларида концепт — бу этносемантик хусусиятларга эга бўлган, турли хил халқлар маданиятининг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларини тил орқали чоғиштириш учун қўлланиладигин восита [Вежбицкая, 1996:48].

М.В.Пименованинг фикрига кўра эса, концепт мазмуни сўз маъносидан кенгроқ, чунки концепт ўз структурасини сақлаб қолади, яъни структурага мансуб белгиларни халқнинг асрий тарихи давомида йўқотмайди. Концепт структураси кўшимча белгиларнинг яратилиши натижасида бойитилиб бораверади ва халқнинг ҳам моддий, ҳам маънавий-маданиятининг ривожланишига боғлиқ бўлади [Пименова, 2004:129].

Концепт структурасига келсак, концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир томондан, тушунчанинг барча қирраларини қамраб олса, бошқа тарафдан уни маданиятнинг

бир кўриниши сифатида ифода этувчи дастлабки омиллар: этимологияси, тарихи, ҳозирги кундаги ассоциативлиги, кадр-қимматлилиги (оценки), коннотацияларини қамраб олади.

Олимлар концепт структурасини қатламларга бўлиб ўрганадилар. Масалан, Ю.С.Степанов таълимотида учта қатлам ёритилади: асл маъно (ички шакл), пассив (тарихий қисм), янгича кўриниш (долзарб ва фаол қисм) [Степанов 1997:82].

В.И.Карасик концептларни кўп компонентли структурага эга деб, таърифлайди: образлилик, тушунчага оид, қадрият (ценностный) каби таркибий қисмлар. *Образлилик* жиҳатдан кўриш, эшитиш, таъм билишга оид, предметлиликни ҳис қилиш, воқеа-ҳодисаларнинг онгимизда акс этишини ушбу компонентга тааллуқли деб билади. *Тушунчага* оид жиҳатида концептнинг тилда ифодаланиши, мазмун-моҳияти, таърифланиши, структура белгилари, дефиницияси, маълум бир концептнинг мазкур ёки бошқа тур қонцептларга нисбатан қиёсланиши кабиларни киритади. Шунингдек, тилшунос олим концепт структурасида ўзгача нуқтаи назар мавжудлигини ҳам эътироф этади. Концептнинг марказида унга нисбатан *қадрият* туради. Оддий қилиб айтганда, агар бирор-бир халқ маълум бир феноменга нисбатан “бу яхши” (ёмон, қизиқарли, қийин) деб таъриф берса, бу концепт бўла олади. Яъни, концептга нисбатан халқнинг ўз қарашлари ва унинг кадр-қимматини белгилаб берувчи ёндашувлари мавжуд. Шундай экан, маданият асосида айнан *қадрият* тамойиллари ётади [Карасик, 2004:139].

Концепт — умумбашарий тушунча бўлиши билан бир қаторда маданият, билим, онг бирлиги ҳисобланади (А. Вежбицкая, С. Г. Воркачев, В. И. Карасик, С. Х. Ляпин, Д. С. Лихачев, Ю. С. Степанов, В.А. Маслова ва б.). Унда этномаданий хусусиятлар мужассамлашиб, тилда акс этади. Шундай экан, концепт тилда ҳар бир халқ, миллатнинг маданияти, тарихи, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади.

Ҳар қандай концепт турли халқларда турлича кўринишга эга. Чунки концепт бир халқнинг ҳаёт тарзи, миллий-маданий хусусиятлари, турмуш тажрибалари орқали юзага келади. С.А.Аскольдов концепт сўзнинг лексик маъносига қараганда анча кенг маънога эга эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Д.С.Лихачевнинг нуқтаи назарича эса, концепт сўзнинг маъноларидан фақатгина биригагина тегишли бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Аммо, олимларнинг фикрича, “маъно”, “тушунча” ва “концепт” бу ҳар хил терминлардир. Шундай бўлса-да, Ў.Юсупов “тушунча” ва “концепт”нинг бир-бири билан дастлаб узвий боғлиқ терминлар эканини эътироф этади: “*Тушунча* энди пайдо бўлганда у билан *концепт* ўртасида фарқ бўлмайди, шу сабабдан бундай пайтларда “*тушунча*” атамасини бемалол қўллаш мумкин. *Тушунча* акс эттирган предмет ёки ҳодисанинг янги белги-хусусиятлари очилиши билан ёки ўша предмет/ҳодисага нисбатан муносабат (баҳолаш) ёки образ ҳосил бўлиши билан *концепт* пайдо бўлади. Бунда *концепт* ўша *тушунча* асосида пайдо бўлади ва уни ўз ичига олади” [Юсупов, 2011:51].

“*Концепт*” атамасининг “*тушунча*” атамасидан асосий фарқи шундаки, “*тушунча*” – бу бирор объект ҳақида билим ва маълумотлар йиғиндисининг онгда акс этиши бўлса, “*концепт*” эса, ментал тузилма бўлиши билан бирга, мана шу объектга нисбатан барча билимлар йиғиндисининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттирган ҳолда тил бирликлари (лексик, фразеологик, паремиологик ва б.) орқали ифодаланишидир [Маслова, 2008:56].

Шунингдек, тилшунос олимлар “*концепт*” ва “*тушунча*” атамаларини икки хил фанга тегишлилигини эътироф этадилар: улардан иккинчиси, аввало, мантиқ илми ва фалсафада қўлланилса, биринчиси, “*концепт*” – мантиқ илмининг бир соҳаси (математик мантиқ) ҳисобланиб, охириги пайтларда маданият ҳақидаги фанларда, маданиятшуносликда кенг татбиқ этилмоқда [Степанов, 1997:40].

*Концепт* – ўз ўрнида маиший, ҳаётий тушунча бўлиб, унда “соҳда”, “халқчил” ва жуда ўзгарувчан олам тасвири намоён бўлса, *тушунча* эса, илмий олам тасвиридаги нисбатан барқарор элементлардан биридир [Сусов, 2006:14–20.].

Демак, олимларнинг концепт ҳамда лингвокультурама терминларига берган таърифлари умумлашмасидан уларга қуйидагича таъриф беришга ҳаракат қиламиз:

Лингвокультурама ва концепт маданиятнинг тилга боғлиқлик нуқтаи назаридан ўзаро эгиз тушунчалардир. Лингвокультурама – муайян халққа хос, лингвистик ва экстралингвистик омилларни қамраб олувчи, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлигини ифода этувчи шунингдек, тил бирликларининг барчасида намоён бўла оладиган бирликдир.

Концепт – бу онг бирлиги бўлиб, у ташқи оламдаги муайян нарса ёки воқелик ҳақидаги билимлар йиғиндиси, ўзида маълум бир халқнинг барча маданий кўринишларини мужассам этувчи мураккаб тузилмага эга маданий омилдир. Концепт лингвокультурама тушунчасига нисбатан кенгрок маъно касб этиб, уни ўз ичига олади. Зеро, лингвокультурама концептнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Биз *концепт* ва *лингвокультурама* терминларига синоним тушунчалар сифатида қараб, улардан лингвокультуремани сатҳлараро бирлик бўлганлиги сабабли, ишимизда айнан маскур терминни қўллашни жоиз топдик.

### 1.3. Таржимада лингвокультурама

Лингвокультурама ва концептлар муаммоси бирмунча мураккаб бўлиб, тилшунослик соҳасида ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган, таржимашунослик фанида эса деярли тадқиқ этилмаган аспектлар сирасига киради. Аввалги бўлимда таъкидлаганимиздек, концепт ҳамда лингвокультуремаларга нисбатан олимларнинг нуқтаи назари турлича бўлиб, ҳали бу терминларнинг аниқ бир таърифи яратилмаган бўлса-да,

уларнинг (С.А.Аскольдов, Д.С.Лихачев, Ю.С.Степанов, Н.Д.Арутюнова, В.А.Маслова, В.В.Воробьев, А.П.Бабушкин ва б.) фикрлари умумлашмасида концепт ва лингвокультуремалар маданият билан узвий боғлиқлиги эътироф этилади.

Таржима жараёнида аслият тилидаги олам тасвири таржима тилига олиб ўтилади. Бунда бир вақтнинг ўзида икки тил ўзаро алоқага киришади ва бир-бирига ўз таъсирини ўтказишади. Бинобарин, маълум бир тил олам тасвиридан ўрин олган, маданиятнинг ажралмас бир қисми бўлган концепт ёки лингвокультуремалар таржима ёрдамида муайян бир халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари, миллий-маънавий қарашларини тилдан тилга тарғиб этувчи воситалардан ҳисобланади. Шунингдек, улар онгдаги нутқий фаолиятнинг ажралмас бўлаги сифатида, онгда тўпланган билимларни лисоний воқеланиш натижасида янги ҳолатларга трансляция қилади.

Лингвокультуремалар таржимасига қаратилган ишларнинг деярли мавжуд эмаслиги сабабли, биргина Е.Б.Елисееванинг «Лингвокультурема как единица декодирования культурных смыслов при переводе художественного текста» (2013) номли мақоласига мурожаат қилдик. Қолган ҳолатларда юқорида таъкидлаганимиздек, *лингвокультурема* ва *концепт* ўхшаш тушунчалар бўлганлиги учун таҳлилларимизда айрим концептлар таржимасига бағишланган тадқиқотлардан ҳам фойдаландик.

Е.Б.Елисеева мақоласида Борис Акунин романларидаги *еда* (таом), *образование* (таълим) ва *традиции* (урф-одатлар) каби лингвокультуремаларнинг рус тилидан инглиз тилига таржималари қиёсий таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрича, *еда* (таом) доирасига тегишли тил бирликларида акс этувчи лингвокультуремалар кишиларнинг кундалик таомини ифода этиш билан бирга, рус миллатига тааллуқли, тилга алоқадор бўлмаган маданий қадриятларни англатувчи муҳим жиҳатларни ҳам ифодалашини эътироф этади. Қуйида унинг таҳлилларидан бир парчани келтирамиз:

«Выпили вместе казенной, закусили солеными рыжиками, поговорили о том, о сем».

«They took a drop of vodka together, with pickled mushrooms, and had a chat about this and that» [Елисеева, 2013:68]. Ушбу ҳолатда Е.Б.Елисеева *рыжик* ва *mushrooms* лексемаларини қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг семантик структурасида лингвокультурологик тавсиф намоён бўлиш билан бир қаторда, рус маданиятини ифода этувчи кўшимча маъно ётишини тадқиқ этади. Шунингдек, муаллиф аввало *рыжик* – бу кўзиқориннинг бир тури бўлиб, рус кишиси учун вақтни ўтказишда эрмак вазифасини бажарувчи бир таом шаклида намоён бўлишини таъкидлайди. Таржимоннинг эса мазкур жиҳатларга эътибор қаратмай, айнан миллий-маданий хусусиятларни назардан қочирган ҳолда оддийгина *mushrooms* (кўзиқоринларнинг умумий кўриниши) лексемасидан фойдаланганлиги муаллиф томонидан тадқиқ этилади. Умуман мазкур мақоланинг мазмунидан шуни хулоса қилиш мумкинки, таржима жараёнида шундай маъно кўчиш ходисалари рўй бериши мумкин эканки, у фақатгина денотатив маънога қаратилган бўлиб, ўз ичига маданий хосликни жамловчи коннотатив компонент эса ёритилмай қолиши эътибордан ҳоли эмас экан.

Шунингдек, И.А.Широкова, Н.Н.Исамухамедова, Ж.Т.Балмагамбетова, Н.Н.Дзида томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ҳам эътиборга молик концептлар таржималари ўрганилган. Масалан, И.А.Широкова (2006) *любовь* (муҳаббат) концептини А.С.Пушкиннинг шеърӣ асарлари мисолида рус тилидан немис тилига таржима йўллари ўрганган. Унда рус ва немис халқлари лингвомаданиятида *любовь/liebe* концептининг тугган ўрни ва қиёсий таҳлили келтирилган.

Шунингдек, Н.Н.Исамухамедова маданий концептларни ифода этувчи тил бирликлари таржимаси муаммоларига қаратилган ўзининг (2007) “Стилистическая адекватность перевода художественного текста” мавзусидаги диссертациясида маданий концептлардан *soul* (қалб) концептини ифода этувчи тил воситаларининг таржимасини инглиз ва ўзбек



тилларида қисман тадқиқ этган. Ж.Т.Балмагамбетова (2008) “Проблема передачи культурологических концептов в переводе” номли мақоласида эса, қозоқ тилидан инглиз тилига маданий концептларни акс эттирувчи тил воситалари таржима хусусиятларини ўрганган. Ушбу мақола қозоқ тилидаги эл концептининг фразеологик бирликлар, паремияларда ифодаланиши ва уларнинг инглиз тилига таржимаси муаммоларига қаратилган.

Н.Н.Дзида ўзининг (2010) “Асимметрия концепта в свете когнитивно-деятельностного подхода в переводоведении” мавзусидаги тадқиқотида М.А. Булгаковнинг “Мастер ва Маргарита” номли романидаги *вера* (ишонч) концептини когнитив жиҳатдан инглиз тилига таржима усулларини тадқиқ этган. Шунингдек, мазкур диссертацияда *вера* концептини рус ва инглиз лисоний олам тасвирида намоён этувчи тил бирликларининг қийсий таҳлили ва уларнинг вербаллашувида ассиметрия ҳолатлари ўрганилган.

Замонавий тилшунос олимлар (Воркачев, 2001; Попова, Стернин 2001) концептнинг ўзига хос комплекс равишдаги табиати ва структурасини аниқлаб, унинг таркибини лингвистик, когнитив, маданий, психологик ҳамда миллий хусусиятлар ташкил қилишини эътироф этадилар. Концептнинг лингвистик жиҳати тил белгиларининг семантикаси билан боғланса, когнитив тарафи эса, инсон онгида воқеликни идрок этишда хизмат қилувчи ментал бирликни қамраб олади.

Концептлар ўзига хос структурага эга бўлиб, таржимада айнан структураларига кўра муаммо юзага келади. Зеро, концепт аксарият экстралингвистик ҳолатларни қамраб олганлиги туфайли, структураси жиҳатдан таржима тилида ўзининг айни маъносига эга бўлавермайди. Тилшунос олимлар концепт структурасига нисбатан куйидаги нуқтаи назарга эга: «Концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир тарафдан унга тушунча қурилишини ташкил этувчи барча воситалар тегишли бўлса, бошқа тарафдан концепт структурасига уни маданият омили сифатида намоён этувчи воситалар: этимологияси, қисқа мазмуннинг асосий белгилари тарихи,

замонавий ассоциациялари, қадрият, коннотациялар киради.» [Маслова, 2004:52с.].

И.А.Стернин эса, концепт структурасига қуйидагича изох беради: «Концепт имеет определенную структуру, хотя он не может быть представлен как жесткая структура, подобная значению слова. Это связано с его активной динамической ролью в процессе мышления – он все время функционирует, актуализируется в разных своих составных частях и аспектах, соединяется с другими концептами и отталкивается от них» [Стернин, 2001:58]. Чунончи, концепт муайян структурага эга ва бу тафаккур фаолиятидаги актив динамик роли билан узвий боғлиқ. У доим ўзининг турли таркибий қисмлари ва аспектларида ҳаракатланади ҳамда бошқа концептлар билан бирлашади, ё улардан узоқлашади.

Н.К.Рябцева концепт структурасига ўз муносабатини шундай баён этган: «Концепт мураккаб ҳамда кўп аспектли тушунча бўлиши билан бирга, у мазмунларнинг тартиб-сизлигидан иборат эмас, балки ўзининг муайян ички тузилишга эга бўлган мантиқий структурадир. Концепт структураси занжирсимон, радиал ҳолатда ёки аралаш бўлиши мумкин. Шунингдек, концепт структурасида марказий ва периферия зоналари мавжуд. Концепт асосида унинг базавий элементлари ёки дастлабки прототипик модели мужассамлашган бўлади.» [Рябцева, 1991]. Демак, олимларнинг юқорида келтирилган фикрларини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, концептлар кенг қамровли, ўзгарувчан хоссага эга ва ички қурилмаси бир хил бўлмаган ментал тузилмадир.

Концептлар умумбашарий ҳамда маданий концептларга бўлинади. Бу хусусида Н.Н.Исамухамедова шундай ёзади: «“Уй”, “Муҳаббат”, “Қалб” каби шундай умумбашарий концептлар мавжудки, улар умуминсоний тушунча ва қадриятларни ташкил этади. Бироқ, концептларни умумбашарий ва миллий хусусиятга эга концептларга ажратиш қайсидир маънода нисбийдир. Зеро, умумбашарий концептлар ҳам турли маданиятга мансуб кишилар томонидан турлича

тушунилади» [Исамухамедова, 2007:97]. Бу хусусида С.Г.Воркачев ҳам навбатдаги фикрни билдиради: «Шундай концептлар (қалб, соғинч, ирода, мардлик ва ҳ.к.) мавжудки, уларни тил бирликлари орқали ўзга тилга таржима қилиб бўлмади, балки улар ўзга лингвокультурологияга трансляция қилинади» [Воркачев, 2003:88–93]. Олимларнинг концепт табиатида когнитив жиҳатдан ёндашувлари унинг ўзига хос таркиби ва хусусиятларини намоён этади. Шунингдек, унинг ядро ва периферия қисмларига ажратишда когнитив белги ва қатламлар асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда И.А.Стернин шундай деб ёзади: «Ядро концепта лучше всего отражает семантика ключевого слова (лексемы), именуемого концепт (например свобода, тоска, общение, душа, вера свобода и т.п.). Пополняет содержание концепта анализ синонимов, симиляров, антонимов ключевой лексики» [Стернин, 2001:62]. Демак, И.Стерниннинг фикрига таянган ҳолда шуни айтиш лозимки, таржимада, аввало лексик-семантик жиҳатдан маълум бир концептнинг синонимик ва антонимик қаторларини ўрганиш асосий вазифалардан биридир. Чунки айнан улар ёрдамида таржима матнида марказий объект бўлиб турган концептнинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик қирралари ёритилади.

Концептларни таржимада акс эттиришдаги асосий қийинчилик шундаки, таржима тилидаги мавжуд эквивалент муайян маданиятга хос барча маъно компонентларини ёритиб бера олмайди. Шунингдек, миллий-маданий хусусиятга эга концептларни ифода этувчи тил бирликлари таржимасидаги муаммолар ҳам, асосан, таржима тилида дастлабки маданиятга яқин бўлган концептнинг топилмаслиги билан вужудга келади. Шу ўринда Ў.Қ.Юсуповнинг фикрлари эътиборга лойиқ: «Концептларнинг сони ҳамма тилларда бир хил эмас. Уларнинг бир қисми айрим миллатларда йўқ. Натижада, лақуналар пайдо бўлади. Бундай лақуналар халқлар ўртасидаги миллий-маданий фарқларни, тилларнинг дунёнинг айрим қисмларини турлича

бўлиши ва уларни турлича категориялаштириши ёки концептуаллаштиришини яққол кўрсатади» [Юсупов, 2011 №2:12].

Ҳар бир халқ ўзининг миллий-маданий жиҳатларига кўра муайян бир тушунчага нисбатан тил белгиларининг маъносини турлича тасаввур этади. Тилдаги миллий хусусиятлар ассоциатив компонентлар орқали акс этиб, улар халқларнинг ҳаёт тажрибалари ва шарт-шароитлари асосида ҳосил бўлади ҳамда тил эгаларининг тафаккур фаолиятида концептлар ёрдамида фаоллашади. Концепт структурасининг таркибини образлилик, ассоциативлик ташкил этганлиги боис, аксарият лисонда концепт тил бирликлари (лексик, фразеологик бирликлар, паремиялар, стилистик воситалар, реалиялар ва б.) орқали акс эттирилади. Мазкур лисоний бирликлар тилнинг энг ёрқин ва ўзига хос хусусиятларига эга, образлиликни ташкил этувчи қатламларидан бири бўлиб, уларда халқнинг турмуш тарзи ва фаолияти, тарихи, маданияти мужассамланар экан, шу жиҳатдан улар концептлар билан ҳамоҳанг бўла олади.

Таржима жараёнида матн маданий концептларни ўзга ижтимоий-маданий ва лисоний муҳитга олиб ўтади ва уларнинг образлилик вазифалари ҳамда ассоциативлик хусусиятлари орқали уларнинг образлилик кодини гоҳ сақлаб қолади, гоҳ алмаштиради. Шуни қайд этиш жоизки, концептнинг образлилиги, асосан, онгнинг когнитив белгиларида акс этади. Бундай жараён муайян лисоний олам тасвирига хос бўлади. Бинобарин, бу каби ҳолатларни таржима тилида талқин этиш номутаносибликларни вужудга келтиради.

Масалан, Н.Н.Исамухамедова тадқиқотида *soul* концепти инглиз тилидаги бадий асарлардан ўзбек тилига турли лексемалар (*қалб, юрак, рух, жон*) орқали таржима қилинган бўлса-да, улар ҳар доим ҳам ушбу концепт билан уйғунлик ҳосил қилавермаслиги тадқиқ этилган. Унинг диссертациясида Оскар Уайлдининг “Дориан Грейнинг портрети” (“The Picture of Dorian Grey”) номли асаридаги лавҳа куйидагича таҳлил қилинган:

*There were moments, indeed, at night, when, lying sleepless in his own delicately-scented chamber, or in the sordid room of the*

*little ill-famed tavern near the Docks, which, under an assumed name, and in disguise, it was his habit to frequent, he would think of the ruin he had brought upon his soul, with a pity that was all the more poignant because it was purely selfish.*

Шу ҳужраларда тунаган чоғларидами ёхуд қимматбаҳо атирларнинг муаттар ҳидлари аниқ турадиган хобхонасида тунларни бедор ўтказган кезларидами – тунда баъзан виждонини бой бериб қўйгани, диёнатидан маҳрум бўлиб қолгани тўғрисида ўйлаб кетарди [Исамухамедова, 2007:108].

Н.Исамухамедова ушбу таржимани адекват деб ҳисоблаб, унда қўлланилган *виждон*, *диёнат* лексемалари *soul* концептининг феъл-атвор жиҳатларини намоён этганлигини таъкидлайди. Шунингдек, *soul* концептининг ўзбек тили ва маданиятида бир маъноли эквиваленти мавжуд эмаслиги, концептнинг бевосита маданият билан боғлиқлиги ва бу таржима жараёнида бирмунча қийинчиликлар туғдиришига асос бўла олишини эътироф этади. Зеро, Н.Исамухамедова ўз диссертациясида бадий таржималарда *soul* концептини ифодалаш учун бир нечта лексемалардан фойдаланилган бўлса-да, улар концептнинг тўлиқ моҳиятини ёритиб бера олмаганлигини таъкид этган. Бинобарин, концептни ифода этувчи тил бирликлари таржимасининг мураккаб жиҳатларидан бири – бу унинг лексик бирликлар орқали ифодаланиши бўлиб, унда концептнинг маданият билан узвий боғлиқлиги асосий ўрин эгаллайди ҳамда мазкур лексемалар тил эгаларининг лисоний олам тасвирини шакллантиради.

Демак, юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, концептлар матнда лингвокультуремалар сифатида олам ва миллий маданият сатҳларида асосий ўрин тутганлиги боис, уларни таржимада акс эттириш муаммолари, асосан, таркибий тузилиши – структурасига боғлиқ. Лингвокультуремалар структураси жуда кенг қамровли ва мураккаб бўлганлиги туфайли уларни таржимада биргина лексема орқали ифода этишнинг ўзи мушкул ҳолатдир.

---

**II боб. HAPPINESS/БАХТ**  
**ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК**  
**ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКSIК-СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ**

**2.1. Happiness/baxt лингвокультуремаларининг англиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлили**

“Бахт” сўзи ҳар бир тилда турлича жаранглайди. Доимо барча халқлар “бахт” тушунчасига нисбатан ўз муносабатларини билдириб келганлар. Шунга кўра, *бахт* лингвокультуремаси универсал тушунча бўлиб, у ҳар бир тилда ўзининг миллий-маданий хусусиятларига эга.

*Happiness/baxt* лингвокультуремаларининг вербаллашувини ўрганиш натижасида шуни аниқладикки, англиз ва ўзбек халқларининг олам тасвирида мазкур лингвокультуремаларнинг икки тилда умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги уларни умумбашарий ва миллий-маданий хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этишни тақозо этади. *Happiness/baxt* лингвокультуремалари замирида инсоннинг шундай мамнунлик ҳисси ётадики, унда мазкур лингвокультуремаларнинг шодлик туйғуси билан ҳамоҳанглигини кўриш мумкин. Ушбу лингвокультуремаларнинг ядровий лексемасини англиз тилида *happiness*, ўзбек тилида *бахт* ташкил этади. Шу билан бирга, икки тилда ҳам *happiness/baxt* субъектда аҳамиятга эга онларга нисбатан ижобий факторларни юзага келишига сабаб бўлади.

Этимологик луғатлардаги тавсифга кўра, “*happiness*” сўзи от сўз туркумига мансуб бўлиб, ўзаги *hap* (ходиса, омад) сўзидан ҳосил бўлгани, шунингдек, англиз тилига скандинав тилидан кириб келганлиги қайд этилган [Concise Dictionary of English Etymology, 2007]. Бошқа изоҳли луғатларнинг барчасида мазкур лексеманинг англиз тилида *happy* (бахтли)



сифати ва *happiness* (бахт) оти ўртаинглиз даврида суффикслар ёрдамида тузилганлиги баён этилган.

Ушбу лингвокультуремаларнинг ифодаланишининг муҳим томони шундаки, инглизлар тафаккурида унинг ўзагини ташкил этувчи *hap* сўзига нисбатан қатор дериватлар мавжуд: *happen, happy, haply, happily, hapless, unhappy, perhaps, mishap, happiness*. Ушбу дериватлар маъно тузилишларида умумий сема ҳодиса, омадни билдириб, метонимия асосида ясама маъноларни касб этади. Шунингдек, *happiness* сўзи мустақил изоҳга эга бўлган луғатларда унинг, асосан, учта маъноси келтирилган: 1. Content; pleased. 2. Luck. 3. Suitability [Merriam-Webster's Collegiate Dictionary, 2004].

Ўзбек тили этимологик луғатидаги таърифга кўра “бахт” сўзи форс-тожик тилидан кириб келган ва изоҳли луғатларда унинг қуйидаги маънолари келтирилган: Бахт (форс. – насиба, улуш) – 1. Кишининг ўз фаолият натижаларидан, ҳаётдан, қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга етгани, орзу-умиднинг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча. 2. Ҳаёт (турмуш)дан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат. 3. Омад, толе; иқбол, тақдир. Шунингдек, мазкур сўз от сўз туркумига мансуб *бахтиёр* лексемаси орқали ҳам изоҳланган: *бахтиёр* – 1. Бахт ёр бўлган, бахти кулган; бахтли. 2. Бахтга тўлиб тошган; бахтли, ширин, мазмундор; фаровон ва беармон [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006:178].

*Happiness/baxm* лингвокультуремалари структурасининг қиёсий таҳлили натижасида унинг тушунча, образлилик ва қадрият (ценностность)га оид жиҳатларида ўхшаш ва фарқли томонларининг мавжудлиги аниқланди. *Happiness/baxm* лингвокультуремаларининг тушунчага кўра қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, инглиз тилида *hap* (ҳодиса, омад) сўзидан ҳосил бўлганлиги сабабли, унинг дастлабки маъносида аксарият муайян бир ҳолатда, маълум бир вақт оралиғида ёки қисқа муддат ичида хурсанд бўлиш, қониқиш маънолари ифодаланади ва иккинчи маъносида “омад” тушунчасини

англатиб келади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу лингвокультурема луғавий маъносида биринчи ва иккинчи маъноларига кўра ўзбек тилидаги маъноларининг барчасига мос келади. Бироқ, учинчи маъносига кўра (*suitability* – мувофиқлик, мақбуллик) ўзбек тилига мос келадигани мавжуд эмас.

Таҳлиллар натижаси кўрсатишича, икки тилда *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг бир-бирига концептуал томондан яқинлиги шу билан белгиланадики, синонимик қаторларнинг маънолари паремиологияда адекват ҳолатда акс этишини таъминлайди. Айнан улар, мазкур лингвокультуремаларнинг **образлилик** хусусиятларини намоён этувчи омиллар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мазкур лингвокультуремалар **образлилигига** кўра экстарлингвистик ҳолатларнинг таъсири остида икки тилда ҳам ўхшаш ва фарқли томонларига эга. Жумладан, инглиз тилида аксарият ҳолатларда *fortune – fortune is easily found, but hard to be kept* (*бахтни топиш осон, аммо асраб қолиш қийин*), *fortune is good to him who knows to make good use of her* (*бахт кулиб боқади, кимки ундан унумли фойдалана олса*), *lucky at cards, unlucky in love* (*кимга қартада омад келса, севгида келмайди*), *better be born lucky than wise* (*доншиманд бўлиб туғилгунча, бахтли бўлиб туғилган афзал*) кабилар қўлланилади. Ўзбек тилида: *оталар сўзи – ақлнинг кўзи, оналар сўзи – бахтнинг ўзи; ишнинг омади – ўз вақти, омади келса, сичқон филни енгар, роҳат меҳнатнинг орқасида, роҳатнинг онаси – меҳнат, меҳнат – фароғат чироғи, инсон гўзаллиги билан эмас, балки меҳнати билан камол топади.*

*Happiness/бахт* лингвокультуремаларида ҳар икки тилда ҳам ижобий ҳис ва ижобий баҳолаш устун. Аммо инглиз тилидан фарқли равишда ўзбек тилида бахтга нисбатан салбий баҳолашни ҳам учратдик: *бировнинг бахти, бировнинг кўзини чиқарибди*, яъни ҳамма ҳам бировнинг бахти учун хурсанд бўлавермайди деган маънони билдириб келмоқда.

*Happiness/baxm* лингвокультуремаларининг лексик-семантик таҳлилида уни ядро ва периферия қисмларига ажратиш мумкин. Инглиз тилида ядровий зонани *happiness*, ўзбек тилида *baxm* лексемаси ташкил этади. Периферия қисмлари икки тилда ҳам синонимик ва метафорали номинантлардан иборат: *happiness/baxm* - *'lucky' омадли*, *'beatitude' голиб*, *'blessedness' шод-хуррам*, *'blissful' хушбахт*, *'bliss' бахтиёрлик*, *'pleasure' қониқиш*, *'enjoyment' роҳат*, *ором*, *'love' севги*, *муҳаббат*, *'joy' қувонч*, *'glad' мамнуният*, *'rapture' завқ-шавқ*, *'elation' хушчақчақлик*, *'contentment' қониққанлик* ва ҳоказо.

Икки халқ олам тасвирида сақланиб келган *happiness/baxm* лингвокультуремаларини ҳосил қилувчи ушбу лексеманинг этимологик жиҳатдан таҳлили мазкур лингвокультуремаларнинг ўзига хос семантик ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қиёсланаётган *happiness/baxm* лингвокультуремалари ядровий лексемасининг синонимик қатори мавжуд бўлиб, улар инглиз тилида: *happy, lucky, felicity, fortunate, bliss, pleasure, joy, glad, rapture, contentment, delight, enjoyment, exaltation* [Concise Dictionary of English Etymology, 2007]; ўзбек тилида: *саодат, омад, шодлик, хурсандчилик, иқбол, масъуд, толе, роҳат-фароғат, мамнунлик* [Ўзбек тилининг этимологик луғати, 2000] кабиларни ташкил этади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, *happiness/baxm* лингвокультуремалари ядровий лексеманинг синонимик қатори икки тилда ҳам семантик жиҳатдан ўзининг коррелятив жуфтликларига эга экан: *glad – мамнунлик, fortunate – иқбол, толе, contentment – роҳат-фароғат*. Инглиз ва ўзбек тилларидаги мазкур ментал тузилмани англлатувчи синонимик воситалар турли ҳолатларда ўзининг коннотатив экспрессив бўёқдорлигини касб этиб, тил эгалари томонидан ушбу лингвокультуремаларнинг фаол жараёнда идрок этилиши ҳамда қўлланилиш даражасининг юқорилигидан далолат беради. Қиёсланаётган тилларда синонимлар кишиларнинг фаолиятида

омад (*luck*) ва роҳат (*contentment*) ни ифодаш учун хизмат қилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида вербаллашаётган *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг лексик-фразеологик бирликлар таҳлили натижаси кўрсатишича, уларнинг икки тилда ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари мавжуд экан. Инглиз тилида *happiness* лингвокультуремаси таҳлилини ўрганишда, унинг концептосферасига тааллуқли *luck, joy, love* каби лингвокультуремалар билан намоён бўлган ибораларни ҳам учратдик. Қуйидаги категорияларда *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг концептуал белгилари ўхшашлиги келтирилган:

○ Бахт – фарзанд: *happy is he that is happy in his children* (ўзини фарзандлари бахтида кўрган инсон – бахтли инсондир) шунингдек, инглизларда бахт ва муҳаббат туйғуларини уйғунликда кўриш мумкин – *he knows not what love is that has no children* (фарзанди йўқ муҳаббат нималигини билмас), *фарзанд бахти – она тахти, фарзанд камоли – ота жамоли, давлатнинг боши – фарзанд.*

○ Бахт – мардонаворлик: *fortune favors the bold (or the brave)* (ботирга доим омад); *бахт қочганга эмас, қувганга тутқич берар.*

○ Бахт – куч: *at the zenith of one's power* (айни гуллаб яшнаган, кучга тўлган пайт), *бахтингга ишонма, бармогингга ишон; тилагим икки билагимда* (ўз бахтим ўз кўлимда); *бахтни бировларнинг остонасидан қидиришининг ўзи бахтсизликнинг боши* (бировга ишонма ўз кучинга ишон).

○ Бахт – тақдир: *fortune smiles upon smb.* (бахт кулиб боқар); *fortune is blind* (тақдир кўр бўлар); *opportunity never knocks twice at any man's door* (бахт икки марта эшик қоқмас); *fortune knocks once at least at every man's door* (бахт ҳар бир инсонга бир марта бўлса ҳам эшик қоқар); *бахт – сандиқда, калити – осмонда.*

Халқларнинг дунёқарашидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш лозимки, икки халқда ҳам ҳар бир инсон ўз бахтининг

меъмори деган нақл мавжуд: *the architect of one's own fortunes*, ҳар бир инсон ўз тақдирининг меъмори ва ундан унумли фойдалана билиши даркор: *fortune is good to him who knows to make good use of her*, бахт – зойибдан келмас, уни қўлинг билан ярат. Шунингдек, инглиз ва ўзбек мақолларида бахт ва бахтсизлик бирга акс этган: *he knows best what good is that has endured evil* (бахтсизликни ҳис қилмай, бахтга эришиб бўлмайди), *эшикдан бахт кирса, фалокат тешикдан қочар*.

*Happiness/бахт* лингвокультуремаларининг яна паремиялардаги диққатга сазовор томонларидан бири уларнинг инглиз ва ўзбек миллатида оилавий бахт асосини эр-хотин аҳилиги ташкил этишини тасдиқлаш маъносидаги мақолларнинг мавжудлигидир. Масалан, инглиз тилида *a deaf husband and a blind wife are always a happy couple* (кар эр ва кўр хотин доим бахтли жуфтлик) дейилса, ўзбекларда *эр хотиннинг қули бўлса, хотин эрнинг чўриси бўлиши керак* деган мақол қўлланади. Яъни оила деб номланмиш муқаддас даргоҳда эр-хотин бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватласа, вазият тақозо этганда мажозий маънода кар ва кўр ёки кул ва чўри бўлса, оила мустақкам ва барқарор бўлиши назарда тутилмоқда.

Таҳлиллар натижаси кўрсатишича, тадқиқ этилаётган лингвокультуремаларнинг ўзбек тилидаги фарқли жиҳатлари куйидаги концептуал белгиларда намоён бўлади:

○ Бахт – меҳнат: *меҳнат – бахт келтирар, меҳнат – фарозат чироғи*.

○ Бахт – билим: *билим – бахт келтирар; бахт белгиси – билим; бахт белгиси илм ва ақлдир* (М.Қошғарий).

○ Бахт – вақт: *вақтинг кетди – бахтинг кетди*.

○ Бахт – иттифок: *бахт қаерда – иттифоқликда; ота-она аҳиллиги – оиланинг бахтлиги*.

○ Бахт – хурсандчилик: *бахт кулгу бор уйга кирар*.

○ Бахт – дўстлик: *бахт гарови – дўстлик*.

○ Бахт – эр киши: *хотин бахти – эрда бўлар*.

○ Бахт – омад: *бахтли овчига чўлоқ кийик йўлиқар; кал қизнинг бахтини кўр, ўтирган тахтини кўр; омади келса, сичқон филни енгар.*

○ Бахт – аҳд: *аҳди борнинг бахти бор.*

○ Бахт – одоб: *одоб билан бахт топилар, сабр билан тахт.*

○ Бахт – аёл: *яхиши хотин оиланинг давлати ва бахти (А.Навоий).*

○ Бахт – ота-она: *оталар сўзи – ақлнинг кўзи, оналар сўзи – бахтнинг ўзи; ота пандига сен доим қилгил амал, юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал (Ю.Х.Ҳожиб).*

○ Бахт – ҳол-қудрат: *бахт-саодатда темир ҳам ярқирар; омаднинг шишаси темирчининг дандони (тиши)ни синдираар; камбагалнинг бахти бойнинг тахтини йиқитар.*

○ Бахт – ҳалоллик: *ҳалол меҳнат – яхиши одат, берур сенга саодат.*

○ Бахт – гўзаллик: *яхиши қомат – ярим омад, яхиши ҳусн – ярим бахт.*

«Инглизлар бахти» куйидаги концептуал белгиларда ифодаланади:

○ Бахт – бойлик: *make a fortune* (бойлик орттирмоқ); *he dances well to whom fortune pipes* (кимга бойлик, бахт кулиб боқса, у муҳтожлик сезмайди); *make a fortune* (ҳисоб билан турмуш қурмоқ).

○ Бахт – юксаклик: *in the seventh heaven* (ўзини еттинчи осмонда ҳис қилмоқ); *over the moon* (ойдан ҳам баландда бўлмоқ); *be or sit on top of the world* (жаҳоннинг устида бўлмоқ).

○ Бахт – карьера: *carve out a career for oneself; push one's fortune(s)* (карьерани қилмоқ).

○ Бахт – ғайрат, тиришқоқлик: *diligence is the mother of good luck* (тиришқоқлик – омаднинг онаси).

○ Бахт – ёруғлик: *happy is the bride that the sun shines on* (устиди куёш нур сочган келин бахтли).

○ Бахт – бўш вақт: *there is luck in leisure* (бўш вақтда омад бор).



○ Бахт – ўзгарувчанлик: *fortune is variant; fickle as fortune* (бахтдек ўзгарувчан); *if you would be happy all your life plant a garden* (хаётинг давомида бахтли бўламан десанг боғ ярат); *call no man happy till he dies* (ҳеч бир кишини ўлмагунча бахтли дема); *fortune is easily found, but hard to to be kept* (бахтни топиш осон, уни ушлаб қолиш қийин).

○ Бахт – инсон статуси: *like a lord, like a prince* (лорд ва шаҳзодалар ҳаётидек).

○ Бахт – тоқ сон: *there is luck in odd numbers* (тоқ сон бахт келтирар). Бинобарин, инглиз ва ўзбек тилларидаги *happiness/бахт* лингвокультуремалари ўзининг миллий-маданий хусусиятларига ҳос турмуш тарзини ифода этадиган реалияларда ҳам акс этади. Инглиз тилида: *lucky at cards, unlucky in love* (қартада омад келса, севгида келмайди). Ҳолбуки, инглиз халқининг маданиятида қарта уларнинг севимли кўнгил очар ўйинларидан бири бўлганлиги сабабли, улар қартани севгига таққосламоқдалар.

Шунингдек, ўзбек тилида ҳам миллий-маданий ўзига хосликларни ифода этувчи ҳолатларни кузатамиз: *бахт – сандиқда, калити – осмонда*. Азал-азалдан ўзбек халқи ўз қимматли нарсаларини сандиқда сақлаб келган. Ушбу мақолда бахт ўзбек халқи учун энг қимматли туйғу эканлиги таъкидланмоқда.

Таҳлиллар натижаси икки тилда ҳам *happiness/бахт* лингвокультуремалари гендер хусусиятларида акс этишини кўрсатади. Масалан, аёл стереотипи таърифида уни ижобий руҳда баҳолаб, оламда ҳам, оилада ҳам аёлнинг ўрни ўзгача эканлиги таъкидланади: *яхши хотин оиланинг давлати ва бахти; хотининг яхши бўлса, бу дунёнинг чароғи. A cheerful wife is the joy of life* (аёл қувончи — олам қувончи); *if you would be happy for a week take a wife* (бир ҳафта давомида бахтли бўламан десанг хотин ол).

Яна шуни қайд этиш лозимки, инглизлардан фарқли ўлароқ ўзбек халқида “бахт” тушунчаси кўпроқ қиз бола ёки аёл билан боғланади: *қиз болани бахтининг берсин / бахти очилсин; хон*

тахтидан қўрқар, қиз – бахтидан; қизга олтиндан тахт эмас, бармоқдай бахт тила; қизнинг бахти – эрнинг давлати; ҳар нарсанинг вақти бор, ҳар бир қизнинг бахти бор; ўтирган қиз ўрнини (бахтини) топар. Эркакларга нисбатан эса: ҳар йигитга бир омад; йигит бошидан давлат йироқ кетмас; йигит моли ерда; йигитнинг бахтини меҳнат очар, яъни эркакларнинг бахти асосан уларнинг моддий жиҳатдан омадлилигида эканлиги кўзда тутилмоқда.

Бинобарин, инглиз тилидаги аксарият луғатларда “бахт” тушунчаси *happy* сифати орқали изоҳланар экан, мазкур сифат билан қўлланган қатор сўз бирикмалари мавжуд: *happy event* – бахтли ҳодиса, воқеа (фарзанд туғилиши ёки тўй маросими маъносига), *happy love* – икки тарафлама муҳаббат, *happy ending* – бахайр якун, *happy medium/mean* – олтин оралик (ишнинг беғалва томони), *happy warrior* – чарчоқ билмас курашчи, *happy hour* – бахтиёр дамлар (бу ерда яна шуни таъкидлаш жоизки, инглизларда спиртли ичимликларнинг доимий сотувдаги нархининг маълум бир пайт оралигида арзонлашувига ҳам ушбу ибора ишлатилади), *happy family* – бахтиёр оила (ҳар хил турга оид ҳайвон ва ўсимликларнинг битта қафасда тинч-тотув яшаши назарда тутилмоқда), *happy days* – бахтиёр кунлар, *happy-go-lucky* – беғам, бепарволикда юрмоқ [Collins, 1994:538].

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, *happiness/бахт* лингвокультуремалари замирида муайян умуминсоний ҳамда миллий-маданий элементлар тизими мавжуд бўлиб, уни қиёсланаётган тиллар олам тасвирида аксарият экстралингвистик ҳолатларда намоён бўлиши кузатилди. Шунингдек, тадқиқ этилаётган лингвокультуремаларнинг инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий ўрганилиши натижасида қуйидагилар аниқланди:

○ инглиз ва ўзбек тилларида *happiness/бахт* лингвокультуремалари ўзининг қатор ассоциатив номинантларига эга бўлиб, улар кўп ҳолларда фразеологик бирлик ва паремияларда акс этган.

○ қиёсланаётган тиллар маданиятида бахтга эришиш кўпроқ субъективлик хусусияти билан белгиланади. Шундай бўлсада, бир-бирига қардош бўлмаган икки тил соҳибларининг концептуал олам тасвирида номутаносибликларни кўриш мумкин.

○ ўзбек миллати дунёқарашидан ўрин олган шарқона одоб, ота-онани улуғлаш, оилага садоқат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, сабр-тоқат халқнинг миллий ғурурини ифодаловчи тушунчалардир. Уларнинг тилда фразеологик бирликлардан: мақол, матал, афоризмларда қўлланилиши бахтга элтувчи омил бўлиб хизмат қилади ва *бахт* лингвокультуремасининг ўзига хослигини ҳамда ўзбек халқининг олам тасвиридаги ўрнини ифодалаб келган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек миллатида аёлларга нисбатан “*оналик бахти*” деган тушунча мавжуд. Яъни аёл учун энг олий бахт – бу фарзандли бўлиш. Инглизлар концептуал оламида ҳам *фарзанд* – бахт тимсоли бўлса-да, уни *аёл*, *она* сўзлари билан қўлланган фразеологик бирлик, паремияларни учратмадик.

○ инглиз тилидаги фразеологик бирликларда эса, бахтга эришиш кўпроқ инсоннинг ўзига боғлиқлиги билан белгиланиши акс этган. Яъни буюк инсоний фазилатлардан тиришқоқлик, мақсадга эришиш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, шуҳрат қозониш каби тушунчалар инглизлар тафаккурида *happiness* лингвокультуремаси билан уйғунликни юзага келтиради.

Мазкур лингвокультуремаларнинг семантик майдони ва концептосферасини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида кейинги параграфимизда унинг синонимик қаторларига мушоаба қилдик.

## 2.2. Бадий таржимада *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг синонимик воситалар ёрдамида ифодаланиши

Синоним сўзлардан фойдаланиш оригинал бадий асар яратишда қанчалик муҳим бўлса, бадий таржимада ушбу омил янада катта аҳамиятга эга [Саломов, 1983:156]. Таржима адекват бўлиши учун таржимон, албатта, муқобил сўз танлаш муаммосига дуч келади. Оригинал тилдаги асарни имкон қадар асл ҳолатини сақлаб қолишда сўзларнинг синонимик қаторига мурожаат қилади.

Маълумки, бир тушунча, ҳодиса, предмет ёки белгини ифодаловчи, маънолари ўхшаш ёки яқин бўлган, турли маъно оттенкалари ва экспрессив-стилистик бўёқларни фарқлаш учун хизмат қилувчи сўзлар синонимлар дейилади [Ирисқулов 1992:104]. Синонимлар — бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча (коннотатив) маъноси (экспрессив, услубий ва бошқа муносабат кабиларни ифодаловчи хусусиятлари) билан ўзаро фарқланадиган тил бириклари.

Синонимларнинг, асосан, тўрт тури фарқланади, яъни **абсолют, идеографик, контекстуал ва стилистик синонимлар:**

1. Маъно оттенкасига путур етказмасдан бирининг ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин бўлган синонимларга **абсолют синонимлар** дейилади: *тилушунослик — лингвистика*.
2. Синонимлар ўзаро маъно қирраси жиҳатидан фарқланиб турса, буларни **идеографик (семантик) синонимлар** дейилади: *керак, лозим*
3. Нутқ ситуацияси ёки контекстда маънолари жиҳатдан бир-бирининг ўрнида ишлатила олувчи синонимлар **контекстуал синонимлар** деб аталади: *шоир, адиб, ёзувчи*.
4. Синонимлар ўзаро маъно оттенкаларида эмоционал-экспрессив ҳиссиётни ифодалаб келса, бундай синонимлар **стилистик синонимлар** дейилади: *афт, башара, турқ*.

Синонимларга таъриф беришда А.А.Брагина куйидаги фикрни илгари суради: “Синонимия – универсальное языковое явление – охватывает почти все уровни языка. Вместе с тем синонимы обретают свои особые черты в зависимости от формы и семантики языковых категорий, от их прямых и переносных значений, от свободных и фразеологизированных словосочетаний, от тех или иных грамматических разрядов, от стилистической окраски текста» [Брагина,1986:4]. Яъни синонимлар универсал тил ҳодисаси бўлиб, унинг деярли барча сатҳларини қамраб олади. Шу билан бирга, синонимлар, тил категорияларининг шакллари, уларнинг асл ва кўчма маънолари, эркин ва фразеологик сўз бирикмалари, грамматик мезонлар ҳамда матннинг стилистик бўёқдорликларидан келиб чиқиб, ўзига хос хусусият касб этадилар.

Синонимлар бир нарса ёки ҳодисанинг ҳар хил белгиларини ифодалашни туфайли доимо ҳам бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди, қўлланган тақдирда ҳам уларнинг маънолари бир-бирига тўғри келмайди. Шу сабабдан тилларда мутлақ синонимлар йўқ дейилади. [Ирускулов, 1992:104].

Монографияда *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг бадий таржимада синонимик воситалар орқали намоён бўлишини ўрганар эканмиз, аввало унинг икки тил синонимик луғатларида келтирилган таърифлари билан танишиб чиқдик. “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”даги таърифга кўра, “*бахт*” сўзи турмушдан мамнунлик, фаровонлик ҳолатларини акс эттириб келиши қайд этилган: *Шундай қилиб, Содиқжон худди зўр бахтга эришган ёки ўшандай бахтнинг бўсағасида тургандай, терисига сизмай.., эски ҳаётини эслагиси ҳам келмай юрар эди* (А.Қаҳҳор). Шунингдек, унинг синонимик қаторларидан *иқбол, толе, саодат* каби лексемалар ўрин олган. *Иқбол*, асосан, бадий услубга хос: *Меҳнат билан топади иқбол, Ишчи иши кўрмайди завол* (Ё.Мирзо). *Толе* “бахт”, “иқбол” маъносига нисбатан “омад” маъноси кўп қўлланади: *Улар толелари юришганидан қувониб, гап*

инишмаслик учун ҳеч қаяққа алангламай, тўпта-тўғри чол кўрсатган бостирма тағига бордилар (П.Турсун). Саодат кўпроқ китобий услубга хос, якка сўз ҳолида кам қўлланади: Бу бино Кумушининг ўз уйи бўлиб, бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар ва шу дақиқада ҳам унинг ҳаёт тирғаги бўлган Кумушбиби ўтирар эди (А.Қодирий). [Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, 1974:50].

Инглиз тили [Websters Dictionary of Synonyms, 1962:400] синонимлар луғатида ҳам “happiness” сўзининг бир нечта синонимик қаторлари келтирилган: *happiness, felicity, beatitude, blessedness, bliss. Happiness* – (is generic, and is applied to almost every kind of enjoyment) нейтрал бўлиб, хурсанд, мамнунлик маъноларини англатиб келади; *felicity* – (is a more formal word, and is used more sparingly in the same general sense, but with elevated associations) кўпроқ расмий услубга хос бўлиб, юксак даражадаги бахт ассоциативлигига эга ва қисман нейтрал ҳолатда ҳам қўлланиб келади; *blessedness* — (is applied to the most refined enjoyment arising from the purest social, benevolent, and religious affections) ғоят бахтли, бахт-саодатли маъноларига эга бўлиб, соф, хайрихоҳлик ва диний руҳдаги бахтни ифода этиб келади; *bliss* – (denotes still more exalted delight, and is applied more appropriately) to the joy anticipated in heaven) юксак даражадаги бахт-саодат, хузур-фароғат каби маъноларни билдириб, илоҳий руҳдаги чексиз қувончни акс эттириб келиши қайд этилган.

Инглиз тилидаги яна бир бошқа [English-Russian dictionary of synonums, Moscow, 1988:188] синонимлар луғатида кўрсатилишича, *happy* (бахтли) сўзининг *glad* (хурсанд, мамнун), *joyful* (севинч, қувонч), *cherrful* (шод, масрур) сингари синонимлари келтирилган. Улардан *glad* оғзаки нутққа хос бўлиб, нисбатан кенг маънони касб этади: *Winterbourne was glad when that little job was done* (R.Aldington). *Уинтерборн бу кичик хизмат бажарилганидан хурсанд бўлди. Joyful* кўпроқ китобий услубда қўлланади: *I was recklessly joyful, but each time*



*I caught my mother's eye I felt I had never seen such triumph* (L.Lindsay). Мен хурсандлигимдан ақлдан озаё дегандим, бироқ онамнинг кўзларига боққанымда унинг шодиёнаси олдида менинг хурсандчилигим ҳеч нарса эмаслигини англадим. **Cherrful** – эмоционал бўёқдорликка эга бўлган синонимлар қаторидан ўрин олган: *Meeting him and finding him cheerful, sparkling, vibrating with good humor, Slppens could scarcely believe his eyes* (Th.Dreiser). Сиппенс уни (Каупервудни) кувноқ, кайфи чоғ, том маънода чақнаб турган ҳолда кўрганида ўз кўзларига ишонмаган эди.

“Happy” сўзи маъносига кўра ўзининг синонимик қаторидаги сўзлардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланар экан: а) **happy** – кўпроқ шахсий ҳиссиётни ифодалаб, бахтиёрлик, ҳаётдан мамнунлик ҳолатларини айнан субъектга тааллуқлилигини англатади. б) **happy** – субъект учун нафақат ҳар қандай ёқимли, ҳузур-ҳаловатли ҳолатларни таъминлайди, балки унинг ўз мақсадлари сари амалга ошган фароғатли дамлари, кўнгилдаги орзу-умидларининг тўла-тўқис ҳаётида намоён бўлишини ифодалайди. Шунингдек, **happy** оддий ҳушнудликлардан (*glad, joyful, cherrful*) ўзининг интенсивлиги билан ажралиб турар экан: *He looked very happy in his sleep. Like a little boy who had gone to bed with a pleasant thought and kept the sign of it still on his face* (P. Abrahams). (У уйқусида бахтиёр кўринар эди. Худди ёқимли онларни хаёл қилиб уйқуга кетган, ҳамон чехрасини ўша бахтиёрлик ифодаси тарк этмаган гўдакдай кўринар эди) [English-Russian dictionary of synonyms Moscow 1988:188].

Тадқиқотимиз натижасида *happiness/бахт* лингвокульту-ремаларининг таржимада синонимик қаторларининг қуйидаги турларни аниқладик: абсолют синонимларни икки тилда ҳам учратмадик, идеографик синонимларга ўзбек тилида *омад, толе*, инглиз тилида *fortunate, luck, joy* кабиларни, стилистик синонимлар таркибига кирувчи синонимлардан ўзбек тилида *бахт нейтрал* сўз бўлса, *масъуд, саодат, толе, масрур* сўзлари китобий услубга хослиги аниқланди. Инглиз тилида эса,

*ecstasy, exaltation, felicity* китобий ва поэтик услубга хос бўлиб, *happiness* сўзи бош сўз вазифасида, нейтрал ҳолатда ифодаланар экан. Таржима жараёнида икки тилда ҳам айнан контекстуал синонимларга муурожаат қилинган ҳолатларни учратдик. Контекстуал синонимлар орқали таржимани амалга ошириш таржимондан катта маҳорат талаб этиши боис, тадқиқотимизда айнан контекстуал синонимларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ҳар қандай тилнинг луғат таркибини кўп маъноли сўзлар ташкил этади. Шундай бўлса-да, таржима жараёнида сўзларнинг фақатгина луғавий маънолари билан чекланиб қолмай, балки контекстдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Лексик маъно билан лексик қўллаш орасидаги синонимик муносабат контекстуал синонимия деб номланиши мумкин. Бундай синонимик муносабат ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, шу конкрет нутқдан ташқарида йўққа чиқади.

Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг синонимлигини белгилашда лексик маъно билан сўзнинг контекстда реаллашадиган маъносини фарқлаш керак бўлади. Синонимлик лексик маънонинг бир хиллигига кўра бўлади. Лексик маъно билан контекстда реаллашадиган маъно асосида синонимлик ҳосил бўлмайди [Турсунов, Мухторов, 1975:34]. Бу нуқтаи назарга Федоровнинг фикри қуйидагича: «Тилнинг синонимик воситалари дейилганда нафақат маънодош сўзлар назарда тутилади, балки маълум бир контекстда луғавий маъноси бир-биридан йироқ бўлган сўзлар ҳам синоним бўлиб келиши мумкин» [Федоров, 1953:14]. Контекстуал синонимик қатор ташкил этадиган вариантларнинг моддий жиҳатдан аслиятдаги бирликка яқини кўпроқ ўзга тиллар таъсирида ҳосил қилинади. Унинг нутқда, аниқроғи, таржимада учраши, сўзларнинг ўзаро мантиқий асосда бирикуви, фикрнинг меъёр доирасида ифода этилиши нуқтаи назаридан, эътирозга сабаб бўлмайди. Ундан лексик таркиб жиҳатидан фарқ қиладиган бирикма эса, асосан, таржима тилининг азалдан “ўзиники” ҳисобланади. Таржимада

айнан шу вариантга мурожаат қилиш таржима тилининг табиийлигини таъминлайди [Мусаев, 2005:78].

Шундай экан, қуйида контекстуал таржима орқали амалга оширилган мисолларнинг таҳлили келтирилган. Масалан, Марк Твеннинг машхур “Гекльбери Финнинг бошидан кечирганлари” номли асаридаги парчани олсак:

*She didn't know how she was ever going to be happy there, knowing the mother and the children warn't ever going to see each other no more...* [Twain, 1960:436]

...она ўз болаларини бир умр кўролмайдиган бўлгандан кейин у ердаги ўйин-қулги татирмиди деди [Твен, 1960:202].

Мазкур парчада аслиятда берилган *to be happy* сўзининг луғавий маъноси *бахтли бўлмоқ* маъносини англатса-да, аммо таржимон ўзбек тилига контекстуал мазмундан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри талқинини эмас, балки соф ўзбекча баёни бўлмиш оғзаки нутққа хос *ўйин-қулги* шаклидаги талқинини амалга оширган. Натижада, матнда бадийий конкретлашув юзага келган.

Оскар Уайлднинг “Дориан Грейнинг портрети” номли асарида ҳам шу каби ҳолатларни учратамиз:

*And how happy we used to be together!* [Wilde Oscar]

*Икковимиз бирга гурунглашсак, нақадар ҳузур қиламиз-а!* [Уайльд, Жаҳон адабиёти, 2-сон, 2000:104]

Ушбу ҳолатда *бахт* лингвокультуремасининг периферияларидан бўлмиш *ҳузур* лексемаси инглиз тилидаги *happy* лексемаси билан контекстуал синоним бўлиб, таржимада услубий жиҳатдан аслиятга мос равишда кўшимча маъно ва стилистик бўёқдорликни касб этиб келмоқда. Демак, синонимларнинг ўзаро фарқли хусусиятларидан бири уларнинг кўшимча оттенкага эга ёки эга эмаслигида бўлиб, бу хусусият шу синонимик қатордаги сўзларнинг қўлланилиш доираси ўрнини ҳам белгилайди [Ҳожиев, Аҳмедов, 1981:242]. Навбатдаги мисолда ҳам таржимада кўшимча маъно оттенкасига эга бўлган лексема акс эттирилган:

*Surely you should be glad to think that, though you are going away, you leave me happier than I have ever been before.*

Сен жўнаб кетаётганигда мени шу қадар масрур кўраётганигдан хурсанд бўлмогинг керак [Уайльд, Жаҳон адабиёти, 1- сон, 2000:46].

Бу ерда *happier* сўзма-сўз – *бахтлироқ* деб ўтирилганда таржима содаллашиб, кўшимча маъно белгиларидан маҳрум бўлар эди. Шунга кўра таржима самарали ва адекват бўлиши учун таржимон *масрур* сўзидан фойдаланган экан, “Ўзбек тили изохли луғати”даги таърифга кўра, *масрур* сўзи – *шод, севинган* каби маъноларни билдириб келиши қайд этилган. Шунингдек, *масрур* сўзини ҳам *бахт* лингвокультуремасининг периферияларидан бири десак муболаға бўлмайди. Демак, юқоридаги парча таржимасида таржимон айнан *масрур* сўзини танлаганлиги таржиманинг стилистик бўёқдорлигини ошириб, ўзига хос таъсирчанликни ифодалаб келган.

Кейинги мисолга эътиборни қаратсак:

*In honoring Eli he said, a man who had been born and grew up in Chicago and was now it's greatest writer the city was honoring one of it's own, and he was proud to bestow the city's medal for literature on him, which he then did* [Epstein, 2007:99].

У Илайни мақтар экан, Чикагода туғилиб ўсган бир киши улкан ёзувчига айланди, шаҳар ўз ёзувчисини шарафлайди ва мен унга адабиёт соҳасидаги медални тақдим этаётганимдан *бахтиёрман*, деди ва Илайга медални тақиб қўйди [Эпштейн, 2011:40].

Аслиятдаги *he was proud* сўзма-сўз таржимаси у фахрланди шаклига мос келади. Бироқ таржимон уни *бахтиёрман* сўзи билан ифодалаган. Ҳолбуки, ушбу ўринда *proud* лексемасининг луғавий маъноси (фахрланмоқ) билан талқин этилганда ҳам контекст мазмунига ҳеч қандай путур етмаган бўлар эди.

Куйидаги мисолда эса яққол контекстуал синонимдан фойдаланилган. Чунки, мазкур парчада асар персонажининг турмушга чиқиши унга ажойиб бахт олиб келишини тасвирлаш

учун қўлланилган бутун бир гап *It might be a most brilliant marriage* ўзбек тилига *бахти куладиган* фразеологик синоними ёрдамида ўгирилган:

*It might be a most brilliant marriage for Siby!*

*Сибиланинг бахти куладиган бўлиб турибди* [Уайльд, жаҳон адабиёти, 1- сон, 2000:43]. Таржима вариантыдаги *бахти куладиган* фразеологик бирлик ёрқин ижобий эмоционал-экспрессив муносабат ифодалашга хизмат қилмоқда.

Контекстда стилистик бўёқ касб этган сўз, одатда, жуда кучли бадий тасвир воситаси сифатида хизмат қилади [Ҳожиёв, Аҳмедов, 1981:178]. Таржимада ҳам мазкур бўёқдорликни сақлаб қолиш таржимондан улкан маҳорат талаб этади. Эрнест Хемингуэйнинг “Алвидо курол” асаридagi мана бу мисолга мурожаат қилсак:

*We had a fine life* [Hemingway, 1971:219].

*Жуда ҳам бахтиёр эдик* [Хемингуэй, 1973:31].

Оригинал асардаги *We had a fine life* гапи сўзма-сўз *Биз ажойиб ҳаёт кечирар* эдик деб ўгирилса ҳам бўлар эди. Бироқ таржимон ҳиссий таъсирчанликни ошириш ва стилистик бўёқдорликни намоён этиш мақсадида контекстуал синоним сўз бўлмиш *бахтиёр* сўздан ўринли фойдаланган, деб ўйлаймиз.

Кейинги Сидни Шелдоннинг “Орзиқиб кутаман эртани” асаридан олинган парчада ҳам шундай ҳолатни кузатамиз:

*What a nice surprise, Mother* [Sheldon]

*Мен учун кутилмаган бахт бу, ойижон* [Шелдон, 2010:3]

Инглиз тилидаги *What a nice surprise* гапи алоҳида олинганда ҳеч ҳам *бахт* сўзига синоним бўла олмайди. Чунки унинг таржимаси куйидагича жаранглайди *Қандай ажойиб тухфа*. Аммо таржима жараёнида қўлланган *кутилмаган бахт* фразеологик бирлиги контекстуал синонимликни таъминламоқда.

Ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган асарлар таржимасида ҳам контекстуал синонимларга мурожаат этилганлигини кўришимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида куйидагича ҳолат талқин этилади:

*Эй саодатли фарзандим, жоним риштасига пайвандим!*  
[Navoiy, 2005:353]

*O' my blessed son, the bond of my heart* [Navai, 2003:72].

Асарда баён этилган *саодатли* сўзи таржимада луғавий маъноси *марҳаматли* бўлган, *blessed* сўзи ўрнида қўлланилган мазкур ҳолатда *саодатли* лексемаси билан контекстуал синоним бўлиб келган. Натижада, стилистик бўёқдорлик вужудга келган.

Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” номли ҳикоясида ҳомиладор аёлнинг анорга боши қоронғи бўлиши ва эрининг ночорликдан анор ўрнига асал олиб келиб, аёлини бахтиёр этмоқчи бўлган ҳолати куйидагича ифода этилган:

— *Наинки мен асал олсам! Асал отлиққа йўқ, ҳали биз тиёда-ку! Хўжайинга бир ошнаси совга қилиб келган экан, билдирмасдан...ўзидан сўраб озрогини олдим... Ўзи берди. Тансиқ нарса хурсанд бўлармикинсан дебман* [Qahhor, 2012:74].

— *So what if I bought honey? Even the rich are reluctant to buy honey! And we are the poor! One of boss's friends gave him the honey. Without noticing... I asked him if I could take some honey. He gave it to me. It's dainty thing. I thought it would make you happy* [Khahhor].

Мазкур таржимани таҳлил қилсак, аслиятда ифодаланган *хурсанд* сўзи ҳам *бахт* лингвокультуремасининг периферияларидан бири бўлиб, мазкур контекстда *бахтиёрлик* маъносида акс этирилган. Ҳолбуки, таржимада *хурсанд* сўзининг айна таржимаси — *glad* сўзи ишлатилганда, ҳиссий таъсирчанлик сусайиб *happy* сўзи каби матн мазмуни тўлиқ ёритиб бера олмаган бўлар эди. Шунга кўра таржимон бу ерда *happy* сўзидан жуда ўринли фойдаланган десак муболаға бўлмайди.



Шукур Холмирзаевнинг “�збек характери” номли ҳикоясининг таржимасини таҳлил қилсак:

*Чупон эшик оғзида фонар ёқиб, кўзлари жавдираб турибди. Нуқул раҳмат дейди. Аёл алқайди. Ўғилчаси хурсанд...* [Холмирзаев, 2005:128]

*The shepherd stood at the door with a pleading look in his eyes. He thanked us. The woman gave us her blessing. Their son was happy...* [Kholmiraev].

Ушбу парчада бир меҳнаткаш, ҳалол ўзбек оиласининг бошига тушган бахтсизликдан кейин келган қувонч, яъни уларнинг йўқолган қўйларининг топилиши тасвирланган. Бу ҳолат оиладагиларга нақадар қувонч бағишлаган. Ҳолбуки, бу каби қувончли онларни гавдалантиришда ўзбек тилида *хурсанд* лексемаси қўлланган бўлса-да, таржимон *was happy* деб стилистик-экспрессивликни намоён этган.

Аслиятдаги лисоний воситалар маъно ва услубий вазифаларини аниқлаш билан бирга таржимон ўз тилида уларга ҳар томонлама мос келадиган тил воситаларини излар экан, муайян синонимия қаторига уюшадиган тил бирликларини бир-бирига қиёслаш асосида таржимада синонимия қатори аъзоларидан қай бирини ишлатиш аслиятдаги бирликларнинг хусусиятига мос келишини аниқлайди. Бунга у танлаган лисоний воситасининг тилнинг луғат таркибидаги қайси қатламга мансуб эканлигини аниқлаш орқали эришади [Мусаев, 2005:8].

Бинобарин, таржима жараёнида таржимонлар, одатда, аслиятда қўлланилган сўзларни луғавий маънолари асосида эмас, балки уларнинг матнда ифодалайдиган мазмунларини фразеологик бирликлар ёрдамида қайта яратадилар. Мазкур лексик-фразеологик синонимия орқали амалга оширилган таржима одатда сўз билан амалга оширилган таржимага нисбатан образли, ўткир бўлиб, таъсирчанликни таъминлайди. Жумладан, қуйидаги Эрнест Хэмингуэйнинг “Алвидо курол” ҳикоясидаги мисолга эътибор қаратсак:

*Let's be happy*' " I couldn't be any happier," I said [ Hemingway, 1971:201].

—*Ке, шодлигимизни бузмайлик.* —*Ҳалиям қувончимдан жсоним ичимга сизмай турибди,* - дедим [Хэмингуэй, 1973:292].

Ушбу матн инглиз тилида *happy* лексемаси кетма-кет икки гапда қўлланилган бўлса, ўзбек тилидаги талқинида биринчи гапда *шодлик* сўзи билан, иккинчи гап эса стилистик-экспрессив бўёқдорликни ошириш мақсадида *қувончимдан жсоним ичимга сизмай турибди* фразеологизми орқали гавдалантирилган.

Марк Твеннинг "Том Сойернинг бошидан кечирганлари" номли асарида таржимада контекстуал синонимнинг фразеологик бирлик орқали амалга оширилганлигини кузатамиз:

*His soul was at peace, now that he had settled with Sid for calling attention to his black thread and getting him into trouble* [Twain, 1960:39].

*Энди у, Сидни уриб, бир вақтлар Полли холага ёқасидаги қора ипни кўрсатиб чиққани учун қасдини олганидан хурсанд бўлди, юраги қувонч билан тўлди.* [Твен, 1948:20].

Аслиятдаги *his soul was at peace* гапининг сўзма-сўз таржимаси – *унинг кўнгли тинч эди ёки унинг кўнгли таскин топган эди* фразеологизмига тенг бўлади. Аммо таржимон контекстуал ҳолатдан келиб чиқиб, ҳиссий таъсирчанлик ва стилистик бўёқдорликни мужассамлаштирган тарзда *юраги қувонч билан тўлди* фразеологик бирлик орқали таржима қилган. Яна шу асардан навбатдаги парчани таҳлил қилсак:

*But when he saw this small newcomer his soul was all ablaze with bliss in a moment* [ Twain, 1960:51].

*Бироқ у, эшикдан кириб келган қизни кўриши биланоқ бутун қалби севинчларга тўлиб кетди* [Твен, 1948:32].

Инглиз тилидаги *bliss* лексемасининг луғавий маъноси *бахт-саодат, роҳат-фароғатни* англатади ва *happiness* лингвокультуремасининг периферияларидан биридир. Асарда бир лаҳзалик бахтиёр онлар *his soul was all ablaze with bliss*

тарзида ифодаланган. Ушбу ҳолатда *bliss* сўзининг *ablaze with* ибораси билан бирга келиши *бахтга тўлиб-тошмоқ, шиддатли бахтга эришмоқ* маъноларини акс эттириб келган. Таржимада уни таржимон *севинчларга тўлиб кетди* фразеологизми билан жуда ўринли қўллаган.

Вилки Коллинзнинг “Оқ кийинган аёл” романидаги мисолга эътибор қаратсак:

*Fortunately for the probability of this excuse, so far as appearances were concerned, the post brought me two letters from London friends that morning* [Collins].

*Бахтим чоғиб, лондонлик дўстларимдан юзаки бўлса ҳам, зуғуримга баҳона бўлгудек иккита хат келиб қолди* [Коллинз, 2010:107].

Инглиз тилида *fortunately* сўзини ўзбек таржимони *бахтим чоғиб* фразеологизми орқали стилистик восита сифатида экспрессивлик нуқтаи назаридан талқин этган.

Оскар Уайлднинг “Дориан Грейнинг портрети” асаридан: *She seemed not to listen to him, she was transfigured with joy. An ecstasy of happiness dominated her* [Wilde].

*Унинг гаплари Сибиланинг қулоқларига кирмаётгандай кўринарди. У аллақандай бахт оғушида яйраётгандай ва бу бахт уни батамом ўзгартириб юборгандай эди* [Уайльд, 2000:132].

Ушбу мисолда аслиятда *бахт* лингвокультуремасини ифодалаб келувчи кетма-кет *joy, ecstasy* ва *happiness* лексемалари қўлланган. Таржимада эса улардан *ecstasy* сўзи туширилиб қолдирилган.

Демак, синоним ва маънодош сўзлар танлай билиш ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, ёзувчи ҳамда таржимоннинг ҳам сўз бойлиги ва маҳоратини намоён этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Асарни таржима қилиш муаллифнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ёки персонажнинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб, ўз

Ўрнида ишлата билиш демакдир [Саломов, 1983:160]. Бинобарин, тилда синонимлар орқали маъно қирраларини англантишга, турли хил стилистик бўёқларни ифодалашга эришилар экан, шу билан бирга, тилнинг бой эканини, тараққиёт даражасини кўрсатиб турувчи ҳодисалардан биридир. Синонимлардан бирини танлаб ишлатиш билан воқеликнинг бир қирраси намоён бўлади. Булардан ташқари, синонимлар асосида жуфт сўзлар ҳам тузилади. Бундай жуфт сўзларда маъно кучаяди, умумлашади [Турсунов, Мухторов,1975:34]. Сўзларнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлган бирликларнинг ҳар бир қисми гапда уюшиқ бўлак бўлиб келади. Жуфт сўзлар ана шундай икки сўзнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлган бирикмалар. Лекин бундай бирикмаларнинг ҳаммаси ҳам жуфт сўзга айланавермайди. Уларнинг жуфт сўзга айланиши учун маълум шароитлар бўлиши керак. Бунда бирикманинг иккала компоненти маъно жиҳатдан бир-бирига яқин, бир-бири билан алоқадор бўлиши ва шу бирикманинг тилда қанчалик кенг қўлланиши катта роль ўйнайди.

Ҳозирги ўзбек тилида икки синоним сўздан ташкил топган жуфт сўзлар жуда кўп учрайди. Масалан, *аста-секин*, *эсон-омон*, *шод-хуррам* каби. Лекин шуни айтиш керакки, ҳар қандай икки синонимдан жуфт сўз ҳосил бўлавермайди. Ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи уюшиқ ҳолда қўллана оладиган синонимлардангина жуфт сўз ҳосил бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу синонимлар уюшиқ ҳолда ҳам кўпроқ қўлланадиган бўлиши керак. Чунки бундай синонимлар бир неча вақт давомида уюшиқ ҳолда қўлланиб, сўнгра жуфт сўзга айланиши мумкин. Масалан, *сарсону саргардон* (*сарсон* ва *саргардон*) – *сарсон-саргардон*, *фаҳму фаросат* (*фаҳм* ва *фаросат*) – *фаҳм-фаросат*, *бахт* ва *саодат* – *бахт-саодат* ва бошқалар [Ҳожиёв,1963:45].

Тадқиқотимизда *бахт* лингвокультуремасини ифодаланиш йўллариини ўрганиш жараёнида ана шундай ўзбек тилига хос миллий-маданий хусусиятларига эга, кучайтирма маъно касб

этувчи синонимлардан ташкил топган жуфт сўзларнинг бир қанчасига дуч келдик. Масалан, Марк Твеннинг “Том Сойернинг бошидан кечирганлари” номли саргузашт асаридаги персонажлардан Полли хола ва миссис Тэчерларнинг хиссиётларини ёритиб берувчи бир ҳолатни кузатсак:

*Aunt Polly's happiness was complete, and Mrs. Thatcher's nearly so* [Twain, 1960:217].

Полли хола *бахт-саодатнинг* юқори босқичига чиққан, миссис Тэчер ҳам қарийб ўшандай *шод-хуррам* эди [Твен, 1948:235].

Аслиятда ифода этилган *happiness* сўзини таржимон ўз маъсулиятига ижодий ёндашиб, матнда ҳолатни кучайтирувчи деталлар ўрнида *бахт-саодат* жуфт сўзини қўллаган. Шунингдек, гапнинг иккинчи қисмида *Mrs. Thatcher's nearly so* тарзида намоён этилган шаклни эса, ўзбек тилига аслият руҳига кўпроқ мос келиш, маънони кенгайтириш, ҳиссий-таъсирчанликни ошириш мақсадида *шод-хуррам* сўзлар жуфтлиги ёрдамида баён этган. Натижада таржимоннинг ўзбек тилидаги вариантыда оригиналга нисбатан ҳис-ҳаяжон кучли намоён бўлмоқда.

Т.Драйзернинг “Бахти қаро Керри” романида учрайдиган *happiness* лингвокультуремасининг периферияларидан бири бўлган *blissful* лексемаси билан ифодаланган мисолга эътиборни қаратсак:

*Now that Carrie had come, he was in a fairway to be blissful again* [Dreiser, 1968:68].

Герстевуд Керри билан танишганидан бери бамисоли *роҳат-фароғат* томон элтадиган йўлга тушиб олганди [Драйзер, 1973:129].

Аслиятдаги *blissful* сўзининг луғавий маъноси – (extremely happy or enjoyable) ҳаддан зиёд бахтиёрлик, беҳад хурсандчилик маъноларига эга бўлиб, *happiness* сўзининг синонимик қаторидан ўрин олган. Таржимада эса от сўз туркумидаги *роҳат-фароғат* кетма-кетлигидан фойдаланиб, таржима бироз саёз тарзда амалга оширилган.

Маълумки, синонимлар бир асосий тушунчани ифодаловчи сўзлар бўлса-да, лекин улар ифодалаган маъно бир-бирига абсолют тенг бўлмайди. Улар ўзларига хос маъно оттенкалари билан бир-биридан фарқланади. Агар синонимлар маъно жиҳатидан (шунингдек, қўллаш жиҳатидан) бир-бирига мутлақо тенг бўлганда, бизнингча, синонимлардан жуфт сўзлар ҳосил бўлмас эди. Чунки маъно жиҳатидан тамомила тенг бўлган икки сўзни жуфт ҳолда қўллаш билан шу сўзларнинг маъносига қўшимча маъно юклаб бўлмайди. Шундай экан, уларни жуфт сўз ҳолида қўллашга эҳтиёж ҳам бўлмайди. Синонимларни жуфт ҳолда қўллаш орқали қандайдир маъно ифодалашда уларнинг (синонимларнинг) маъно ва қўлланиши жиҳатидан, қисман бўлса-да, бир-биридан фарқланиши асосий роль ўйнайди [Ҳожиев, 1963:53-54].

А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарининг инглиз тилига таржимасидаги мисолни таҳлил қилсак:

*Кимки ўзининг қилган ишларини рўқач қилмасдан, унинг олдидан бору йўғини тенг тутса ва ман-манликка берилмаса ҳамда қилган тоатларини бир қора чақадек деб билса, у киши бахт-саодат кўчасига киради ва ўз тақво ҳамда ибодатларидан наф тонади* [Navoiy, 2005:384].

*Whoever does not consider what he has done and is not arrogant, even counting his prayers as nothing, this person will enter the street of happiness, and his acts of righteousness and supplications will find use* [Navai, 2003:105].

Ушбу парчадан ҳам кўришиб турибдики, аслиятда баён этилган *бахт-саодат* синонимлар кетма-кетлиги кучли даражадаги бўёқдорликни касб этмоқда. Таржимада эса, у биргина *happiness* сўзи билан ифода этилмоқда. Чунки, синонимларнинг жуфт ҳолда, ҳеч қандай боғловчиларсиз ҳосил бўлиши ўзбек тилига хосдир.

В.Коллинзнинг “Оқ кийинган аёл” номли асаридаги мисолни олсак:

*England is the land of domestic happiness how appropriately we entered it under these domestic circumstances!* [Collins]



Англия – оилавий бахт-саодат маскани. Мана шундай оилавий рўшнолик гўшасига қадам қўйиб бошимиз кўкка етди! [Коллинз, 2010:619]

Ушбу мисолда аслиятда Англияни тасвирлашда биргина *happiness* сўздан фойдаланилган бўлса, таржимада юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан бўлмиш *бахт-саодат* жуфт сўз компонентлари маъносида янги сўз ҳосил бўлмаса-да, маънони кучайтириб, тўлдириб, аслиятга нисбатан кучлироқ стилистик бўёқдорликни намоён этмоқда.


Таҳлилларимиз натижасида *happiness/baxt* лингвокультура-ремаларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий асарлар ва улар таржимасида учраган синонимларидан хариталар тузилди (1, 2-жадваллар). Инглиз тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарда синонимик қатор кенг қўлланилганлиги шунингдек, ўзбек тилидан инглиз тилига эса биров даражада торроқ талқин этилганлигини аниқладик. Бунинг сабаби таржимонларнинг тил эгалари эмасликларида деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб шуни баён этамизки, икки тилда ҳам *happiness/baxt* лингвокультура-ремаларининг синонимик қаторида эмоционал дериватлари мавжуд бўлиб, улар муайян ҳолатда ҳис-ҳаяжон ва экспрессивликни намоён этиб келган. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларида абсолют синонимлар деярли мавжуд эмас.


Таржима жараёнида синонимларнинг маъно қирралари, контекстуал маънолари, стилистик бўёқдорлигини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Маъноси белгилари ҳамда услубий вазифалари жиҳатидан фарқ қилувчи синонимлар орасидан аслий монандини топиб ишлатиш таржиманинг адекватлигини таъминлайди.

Мисоллардаги таржималарда контекстуал синонимларга кўпроқ дуч келдик. Шунингдек, инглиз тилидан фарқли равишда ўзбек тилидаги бадий асар ва таржималарда жуфт сўзларнинг қўлланилишида ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлди. Бинобарин, икки тилда ҳам

*happiness/бахт* лингвокултуремаларининг синонимлари қўплигига қарамай, таржимонлар улардан кам фойдаланганлар. Бу эса, мазкур лингвокултуремаларнинг ўзига хос хусусиятларини таржимада адекват талқин этилишига путур етказди, деб ўйлаймиз.



*1-жадвал. Happiness/бахт* лингвокултуремаларини ифодаловчи сўзларнинг инглиз тилидаги бадий асарлар ва улар таржимасида учраган синонимлари.



2-жадвал. *Happiness/baxt* лингвокультуремаларини ифодаловчи сўзларнинг ўзбек тилидаги бадий асарлар ва улар таржимасида учраган синонимлари.

### 2.3. Бадий таржимада *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг антонимик воситалар ёрдамида ифодаланиши

Антонимия ҳам, худди синонимия каби, сўзларнинг маъно муносабати асосида маълум бирликни ҳосил қилувчи ҳодисадир. Маълумки, синонимия бирдан ортиқ сўзларни маънодаги бир хиллик туфайли бирлаштира, антонимлар эса

шакли ҳам, маъноси ҳам бошқа-бошқа бўлган сўзлар орқали намоён бўлади. Лингвистик адабиётларда антонимларнинг, асосан, икки тури аниқланади: 1.Луғавий антонимлар: *огир-енгил, кенг-тор, ўзил-қиз* ва шу кабилар. 2.Грамматик антонимлар: *уйли-уйсиз, баобрў-обрўсиз* каби. Луғавий антонимияда тил бирликларининг ўзак ҳолатида қарама-қарши маъноларни ифодалаш ҳисобга олинади. Грамматик антономия эса, морфемалар асосида рўй беради. Яъни бир ўзакли сўзларга қарама-қарши маъноли аффикслар қўшилиши билан ҳосил бўлади.

Р.Шукуров ўзининг тадқиқот ишида бир ўзакли ясама сўзларга таъриф беришда қуйидагича фикрни баён этади: “Бир ўзакли ясама сўзлар фақат ўзаро зид бўлган яхлит лексик тушунча ёки яхлит лексик маъно билдиргандагина антонимик қатор ясай олади, ва шу тилда шаклий бутунликка эга бўлган синонимларининг мавжудлиги билан ёки бошқа тилга яхлит лексик бирлик орқали таржима қилиниши билан исботлаш мумкин. Масалан, *бахтли-бахтсиз* антонимик жуфтликнинг бир компонентига *саодатли, бахтиёр, толеманд*, иккинчисига *толесиз, шўрпешана* каби сифат сўзлар синоним бўла олади.” [Шукуров, 1973:65]. Уларнинг ўзга тиллардаги таржимаси билан таққосласак, *бахтли-бахтсиз* рус тилида *счастливы-несчастливый*, инглиз тилида *happiness-unhappiness* каби сўзлар билан ифодаланади.

Луғавий антонимияни, ўз навбатида, уч турга бўлиб ўрганиш мумкин: а) лексик антонимия: *кеч-эрта, оқ-қора, ингичка-йўзон*; в) фразеологик антонимия: *ерга урса кўкка сакрайди – қўй оғзидан чўп олмаган, оқ кўнгил – ичи қора*; с) лексик-фразеологик антонимлар: *хурсанд – ичини ит таталайди, хафа – оғзи қулоғида*.

Антонимларнинг бири иккинчисини инкор қилиш даражаси (кучи) ҳар хил. Масалан, *баланд-паст, оқ-қора, иссиқ-совуқ, ёш-қари* каби сўзларда бир-бирини инкор қилиш кучли, улар бир-бирини эслатиб турадилар. Аммо *эр-хотин, ака-ука, чол-кампир, оқишом-наҳор, ўт-сув* каби сўзларда бундай

хусусият кучсиз. Уларнинг мазмунидаги белгиларга келганда эса бу белгилар аввалгидагидек тамомила бир-бирига қарама-қаршидир. Бу ҳол антонимларни маъноларига кўра турларга ажратишни тақозо этади – **тўлиқ антонимлар, ярим антонимлар ва контекстуал антонимлар.**

Тўлиқ антонимларда ҳар икки томон – инкор қилиш ҳам, белгилар зидлиги ҳам мавжуд. Бундан ташқари, улар бирга жуфт ҳолда олинса, бир умумий тушунча келиб чиқади. Бундай умумий тушунча ё бирон олмош билан, ёки маъно ҳажми кенг бўлган бошқа бир сўз билан ифодаланиши мумкин. Солиштиринг: *яхши-ёмон – ҳамма, дўст-душман – ҳамма, эрта-кеч – ҳар вақт, олиш-бериш – алоқа* ва б. Ярим антонимларда белгиларнинг зидлиги асосий ўринда туради. Инкор қилиш, юқорида қайд этилганидек, кучсиз, сезилар-сезилмас бўлиб, уларни жуфт ҳолда кўллаб, бирор умумий тушунчага тўла равишда тенглаштириш ҳар вақт мумкин бўла бермайди. Масалан, *эр-хотин – оила* (аммо оила эрсиз ёки хотинсиз бўлиши мумкин), *ўғил-қиз – болалар* (улардан бирининг кўплигини “болалар” дейиш мумкин), *чол-камтир, ака-ука* кабилар учун ҳам худди шундай бир умумий тушунчага тенглик характерли эмас [Усмонов, 1958: 33-34].

Контекстуал антонимлар эса, матн ичида маълум бир ҳолатда, қарама-қарши, зид маъноларни билдириб, матндан ташқарида эса, маъно ва мазмун жиҳатдан ўзаро ҳеч қандай антонимик алоқадорлиги бўлмайди. Контекстуал антонимларга М.Р.Львовнинг нуқтаи назари қуйидагича: «Контекстуал антонимларнинг қарама-қаршилиги ўзларининг асосий маънолари ўртасида эмас, балки матн билан бевосита боғлиқ ҳолда кўчма маънода намоён бўлар экан, айрим ҳолатларда улар ўз маъноларидан бири билангина айнан ўша матн ичида қарама-қарши маъно касб этади. Контекстуал антонимлар доим ифодали ва образли бўлиб, улар нутқда муайян бадий образни кўллаш натижасида пайдо бўлган» [Львов, 1970:76].

Монографияда *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг бадий таржимада антонимик воситалар ёрдамида ифодала-

нишини ўрганар эканмиз, мазкур концептнинг аксиологик хусусиятини ҳаётдан қониқиш, мамнунлик, ҳузур-ҳаловатлилик ҳолатлари билан бир қаторда бахтга нисбатан антонимик, салбий ҳис-туйғу ва руҳий кечинмалардан бахтсизлик, азоб-укубат, ғам-алам кабилар ҳам ташкил этиши аниқланди. Шунингдек, юқорида келтирилган антонимларнинг тузилиши ва маъно жиҳатдан турларининг деярли барчасини учратдик. *Happiness/бахт* лингвокультуремаларининг грамматик антонимларига икки тилда ҳам дуч келдик. Масалан, инглиз тилида: *happiness-unhappiness, happy-unhappy, fortune-misfortune, lucky-unlucky* сингарилар бўлса, ўзбек тилида: *бахтли-бахтсиз, саодатли-саодатсиз, толеманд-толесиз, иқболли-иқболсиз* кабилардир.

Таржимادا *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг антонимларини ифодалашда, асосан, унинг синонимик қаторларига мурожаат этилиб, улар қуйидаги лексик антонимлар орқали акс эттирилган: инглиз тилида – *sad* (ғамгин, маъюс), *sorrow* (ғамгинлик, қайғу), *wretched* (бахтсиз), *grief* (бахтсизлик, мусибат), *misery* (азоб-укубат, кулфат), *miserable* (бадбахт), *poor* (бечора, бебахт), *trouble* (ташвиш), *melancholy* (қайғули, ғамнок), *woe* (мусибат, бебахтлик), *forlorn* (бахтсиз, қайғули), *tragedy* (фожиа, фалокат) кабилар, ўзбек тилида – *ғам-алам, гусса, қайғу, ташвиш, кулфат, фалокат, нотавон, машъум, маҳзун, ғамнок, бечора, шўрпешана* сингари лексемалар. Айнан мазкур синонимик қатор инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам *happiness/бахт* лингвокультуремалари антонимларининг маъно жиҳатдан тўлиқ ва ярим турларига ажратишда асосий восита вазифасини бажариб келган.

Шундай экан, қуйида келтирилган мисоллар таҳлили остида аввал *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг таржимада тўлиқ антонимлар ёрдамида ифодаланишини ўргандик. Инглиз тилидаги бадий асарларда *happiness* лингвокультуремасининг антонимик воситалар орқали ифодалашда аксарият ҳолатларда турли ўзакли антонимлардан фойдаланил-



ганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, В.Коллинзнинг “Оқ кийимли аёл” романидан бир мисолни келтирсак:

*Inquire into the past life of that man with the sear on his hand before you say the words that make you his miserable wife* [Collins].

Унинг бебахт хотини сифатида боғлаб қўювчи ризолигингизни беришдан аввал ўша қўлида чандиги бор кишининг ўтмиш ҳаётини сурштириб кўринг [Коллинз, 2010:78].

Романда қўлланилган *miserable* сўзининг луғавий маъноларидан бири, инглиз тилидаги изоҳли луғатлардаги таърифга кўра, *ўта бахтсиз (extremely unhappy)* бўлиб, ушбу лексема ҳам *happiness* сўзи билан айнан тўлиқ, турли ўзакли антоним жуфтлигини ҳосил қилиб келмоқда. Таржимада эса, *бахт* сўзининг бир ўзакли антоними бўлмиш *бебахт* сўзи билан талқин этиб, адекват таржимани юзага келтирмоқда. Яна худди шу асардан *miserable* сўзи иштирокидаги парчани таҳлил қилсак:

*The tears – miserable, weak women’s tears of vexation and rage – started to my eyes* [Collins].

Кўзларим ёшга тўлди, бу нотавон аёлларнинг аламли кўз ёши, афсус ва надомат тугёни эди [Коллинз, 2010:182].

Аслиятда ҳаёт қийинчиликларидан эзилган, ожиза аёлларнинг маҳзунлиги *miserable* ва *weak* сўзларининг кетма-кетлиги орқали акс эттирилган бўлса, ўзбек тилига эса, фақатгина *нотавон* лексемаси билан талқин этилган. *Нотавон* сўзининг изоҳли луғатдаги биринчи маъноси: *заиф, нимжон, ногирон* бўлса, иккинчи маъноси: *ночор, бечора* бўлиб, *miserable* сўзига таржимада иккинчи маъноси билан антонимик бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур романдан навбатдаги мисол таҳлилини кўрсак:

*Here was a stranger utterly and helplessly at my mercy – and that stranger a forlorn woman* [Collins].

Қаршимда менинг мурувватимга ниҳоятда муҳтож бир ожиз мусофир, ҳам бебахт аёл турарди [Коллинз, 2010:23].

Романдаги бир персонажнинг бахтсизлигини акс эттириш учун *forlorn* сўзи қўлланилган экан, унинг луғатларда келтирилган биринчи маъноси – *ўзини ёлғиз ва бахтсиз сезмоқ* (*seeming lonely and unhappy*) кабилар билан изоҳланиб келар экан, *happiness* сўзи билан турли ўзакли антонимик жуфтлик бўлиб ифодаланмоқда. Ўзбек тилидаги вариантыда эса, бахт сўзининг бир хил ўзакли антоними бўлмиш *бебахт* лексемаси ишлатилган.

Таржиманинг муқобил ва муқобил эмаслигини белгилайдиган энг муҳим мезон муайян информацион ҳажмга эга бўлган сўз маъносини бошқа тилда экспрессив-эмоционал, услубий жиҳатдан бекаму кўст ўгирилишидир [Қамбаров, 2005/2006: 164]. Шунга кўра Ж.Гринвуднинг “The True History of a Little Rugamuffin” (“Жулдур кийимли бола”) асаридан олинган мисол таҳлилини кўрсак:

*“What! brought down to do this? Oh! Come along, you wretched little boy; come along this instant and tell me all about it”* [Greenwood, 1958:190].

*Шу даражага етдингми ҳали? Бахтсиз бола, мен билан бирга юр, бошдан кечирганларингни айтиб бер менга* [Гринвуд, 1961:110].

Мазкур ҳолатда *wretched* сўзи равиш сўз туркумига хос бўлиб, *бадбахт*, *бахтсиз* (*someone who is wreched is very unhappy*) маъноларини билдиради. Муаллиф асардаги ўша бебахт, фақир болакайнинг ҳолатини тасвирлашда *wretched* сўзидан фойдаланган бўлса, ўзбек тилига таржимон оддийгина *бахтсиз* сўзи билан ўгириб қўяқолган, натижада, таржима бироз саёз даражада амалга оширилган, деб ўйлаймиз. Гарчи бу ерда асар персонажининг ҳаёт қийинчиликларидан эзилиши, шу билан бирга, том маънодаги бадбахтлиги назарда тутилаётган экан, аслиятга яқинроқ маънони ифодалаш учун *бадбахт* ёки *шўрнешона* каби сифат сўзлардан фойдаланилса, янада образлироқ ва стилистик бўёқдорликка эга таржима ҳосил бўлиши мумкин эди.

Роберт Стивенсоннинг “The Bottle Imp” (“Шайтоний шиша”) ҳикоясида куйидагича ҳолат намоён бўлади:

*Now it is a sad thing for any man to fall into this sickness* [Stevenson].

*Нимаям дердик, бундай хасталик – ҳар қандай одам учун бахтсизлик* [Стивинсон, 2009:144].

Оригинал матнда ишлатилган *sad* сўзи ҳам юқоридаги мисоллардаги каби *happiness* сўзининг антонимик компоненти сифатида акс этиб, тўлиқ антоним жуфтлигини ҳосил қилмоқда. Бинобирин, унинг луғатдаги биринчи маъноси *бахтсиз, гамгин* (*filling or showing unhappy, sorrow*) сингари сўзлар билан изоҳланар экан, таржимада *бахтсизлик* сўзи билан ифодаланиши аслиятдаги мазмунга тўлиқ эквивалент тарзда талқин этилмоқда.

Тадқиқотимизда ўзбек тилидаги бадий таржималарга мурожаат этганимизда, у ерда ҳам *бахт* лингвокульту-ремасининг антонимик воситалар билан ифодаланишида тўлиқ антонимлар иштирок этишини кузатдик. Масалан, А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан бир мисолни олсак:

*Тангри амри билан пари дилга ёқимли бўлса, шайтон бадбахтликка маҳкумдир* [Navoiy, 2005:311].

*If the fairy is pleasant by God's order then Satan is sentenced to unhappiness* [Navai, 2003:28].

Чукур фалсафий маънога эга бўлган ушбу асарнинг аслиятида *бадбахтлик* сўзи қўлланилган бўлса, инглиз тилидаги таржимасида ҳам мазкур сўзга тенг маънодаги *unhappiness* антоними ишлатилган, аммо *бадбахтлик* сўзининг маъно жиҳатдан инглиз тилидаги *unhappiness* сўзига қараганда бадий-таъсирчанлик хусусияти кучлироқ жарангла-моқда.

Жумладан, навбатдаги учликда ҳам *бахт* сўзининг антонимик компоненти сифатида *бадбахт* сўзи қўлланган:

*Сен унчалар бадбахт эмассан.*

*Танимассан,*

*Бахтингни холос!*

*You are not so unhappy,  
You will not even know*

*When your happiness comes!* [Фарида Афрўз, 2007:17]

Аслиятдаги *бадбахт* лексемаси инглиз тилига маъно (тўлик) ва тузилиши (грамматик) жиҳатдан мос равишда *unhappy* сўзи билан ифодаланган бўлса-да, *бадбахт* сўзи мазмунида таъсирчанлик юқорилиги яққол кўзга ташланмоқда. Бинобарин, *бадбахт* сўзининг “Ўзбек тили антонимларининг қисқача изоҳли луғати”даги таърифига кўра, *саодатли* сўзига антоним жуфтлик қилиб келтирилганлигининг гувоҳи бўламыз [Шукуров, 1977]. Модомики, *саодатли* сўзида *бахтли* сўзига нисбатан стилистик жиҳатдан китобий услубга хослик ва бадий таъсирчанлик кучли экан, унинг атнониими бўлмиш *бадбахт* сўзида ҳам худди шундай ҳолат намоён бўлади. Бироқ, *бадбахт* сўзининг изоҳли луғатдаги тавсифига кўра *бахти ёмон, толеи наст* каби маънолари билан бир қаторда, оғзаки нутққа хос ҳақоратлаш, қарғаш маъноларида *ярамас, аблаҳ* сингари сўзлар билан ҳам қўлланилиши қайд этилган: *Мен у бадбахтларни қандай шарманда-ю шармисор қилишимни ҳали кўрасиз*. Ҳамза, Майсаранинг иши [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981:716].

Юқорида келтирилган мисоллар таҳлили натижасидан кўришиб турибдики, инглиз тилида бадий таржимада *happiness* лингвокультуремасининг антонимик воситаларининг синонимик қатори мавжуд бўлиб, улар маъно жиҳатдан тўлик антонимларни ифодалашда хизмат қилади. Асосан, тўлик антонимлар лексик антонимлардан ташкил топади: *happiness – miserable, happiness – forlorn, happiness – wretch, happiness – sad* сингари.

Шу билан бирга тадқиқотимизда бадий таржимада икки тилда ҳам ярим антонимлар орқали акс эттирилган мисолларни кузатдик. Ярим антонимлар хусусида М.Р.Львовнинг фикри қуйидагича: «Ярим (тўғридан тўғри бўлмаган, ассимметрик) антонимлар деб шундай жуфтликка айтиладики, а) улар идеографик маъноларининг турли қирраларини акс эттиради:

кичик-гигант, яхши-эсирканч, нимэсон-қудратли; б) турли эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга: *катта* (нейтр.) – *митти*, *жаэжэси* (с.т., кич., эркл., ф.); в) турли қўлланиш сферасига кўра: *ўстирин* (нейтр.) – *кекса* (юқори усл.,)» [Львов, 1970:78]. Бинобарин, қуйида келтирилаган мисолларга эътиборни қаратсак:

*It is my poor brother's dear friend and physician?*  
[Twain, 1960:419]

*Бахтсиз акамни боққан энг азиз дўсти сизмисиз? – деди*  
[Твен, 1960:183].

Ушбу ҳолатда аслиятда қўлланган *poor* сўзининг луғавий маъноси *камбағал*, *фақир* маъноларини англатса-да, аслиятда айнан “бебахтлик” тушунчасини билдириб келганлиги сабабли *happiness* сўзига ярим антоним бўлмоқда. Ўзбек тилидаги вариантыда ушбу сўз *бахтсиз* лексемаси билан алмаштирилган. Мазкур персонаж нутки хусусиятини талқин этишда таржимон аслиятдан йироқлашиб нотўғри таржима қилган. Чунки, аслиятдаги *poor* сўзи ўзбек тилидаги *бечора* сўзига муқобил бўла олади. Шунингдек рус тилидаги таржимада ҳам *бедный* сўзи ишлатилган: — *Так это вы и есть дорогой друг и врачеватель моего бедного брата?* [Твен, 1988:134]. Фикримизча, таржимада айнан *бечора* сўздан фодаланилса, аслият маъносига жуда яқин адекват таржима юзага келар эди.

Шу ўринда ярим антонимларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида М.Р.Львов яна шундай дейди: «В паре неполных антонимов один из членов обладает большими, чем полные антонимы, стилистическими ресурсами. Неполные антонимы позволяют гибко и точно передать мысль, создают необыкновенно яркий образ» [Львов, 1970:77]. Демак, тўлиқ антонимларга қараганда ярим антонимларнинг жуфтликларидан бири стилистик воситаларга кўпроқ эга бўлиб, улар маънони аниқ ва равшан баён этиш билан бирга, ўзига хос ёрқин образлиликни намоён этар экан. В.Шекспирнинг машҳур “Ромео ва Жульетта” номли асаридан эътиборга лойиқ парчани таҳлил қилсак:

*O woe! O woful! woful, woful day!  
Most lamentable day, most woful day,  
That ever, ever, I did yet behold!  
O day! O day! O day! O hateful day!  
Never was seen so black a day as this  
O woful day, O woful day!* [Shakespeare, 1972:171.]

*Афсус, афсус!*

*Аччиғ, аччиғ, аччиғ кун бўлди!*

*Умримдаги кунлардан энг бадбахти шу кун!*

*Нафратли кун!*

*Шўрлик куним мусибатли кун!*

*Умрим бўйи шундай қора кун кўрганим йўқ!*

*Фалокатли, мусибатли, мотамли куним!* [Шекспир, 1981:153]

Ушбу парчанинг аслиятида *happiness* лингвокультуре масининг антонимик ҳолатларини акс эттиришда *lamentable, woful, black a day* сингари воситалар қўлланган бўлса, ўзбек тилида эса, *бадбахт, фалокатли, мусибатли, мотамли, қора кун* каби лексема ва стилистик воситалардан фойдаланилган. Қатор келтирилган сўзлар орасида *lamentable* сўзини олсак, *мунгли, ҳазин (very unsatisfactory or disappointing)* маъноларига эга бўлса-да, *happiness* сўзининг ярим антоним компоненти сифатида хизмат қилмоқда. Таржима ўзбек тилига *бадбахт* сўзи ёрдамида амалга оширилиб, бадий таъсирчанлик ва экспрессив бўёқдорлик касб этган. Кейинги *Never was seen so black a day as this* мисрасидаги *black a day* стилистик воситасининг маъно ва услубий жиҳатидан мос равишда эквивалент усули билан *қора кун* деб талқин этилиши, икки тилда ҳам *happiness/бахт* лингвокультуремаларига нисбатан ёрқин образлиликни тасвирий усулда ярим антонимик ҳолатни таъминламоқда. Шунингдек, оригиналдаги *O woful day, O woful day!* шаклини таржима тилига *фалокатли, мусибатли, мотамли* лексемалар кетма-кетлиги билан ўгирилиши, контекстуал маънода *бахт* лингвокультуремасига муқобил ярим антоним воситалар бўлиб иштирок этмоқда.



Ярим антонимларга хос хусусиятлардан бири уларнинг фразеологик бирликлар билан ифодаланишидир. Чунки фразеологизмларда маъно экспрессивлиги кучли бўлиши билан бирга, улар ҳосил қилган антонимик жуфтлик образлилик ҳамда ҳиссий таъсирчанликни ифодалайди. Кузатишларимиз натижасида аксарият ҳолларда аслиятда лексик, таржима тилида фразеологик, яъни лексик-фразеологик антонимларни учратдик.

Оскар Уайлднинг “Кентервиллик арвоҳ” “The Canterville Ghost” ҳикоясидаги мисолни олсак:

*Please don't go, Miss Virginia, he cried; I'm so lonely and so unhappy,* [Wilde]

– Мени ташлаб кетманг. Мисс Виржиния! — дея хитоб қилди руҳ. – Шу қадар ёлғизман, шу қадар бахти қароманки! [Уайлд, 2009:42]

Ҳикоянинг аслиятида муаллиф персонаж нутқида *unhappy* сўзидан фойдаланган. Ўзбек тилидаги таржимасида эса, кўшимча мазмун ва бадий таъсирчанликни намоён этиш мақсадида *бахти қаро* фразеологизми орқали талқин этилган. *Бахти қаро* сўз бирикмаси изоҳли луғатлардаги тавсифига кўра *турмушдан ёлчимаган, бахтсиз* каби маъноларини англатар экан. Шунга кўра таржимада *бахти қаро* фразеологизми таржиманинг образлилиги ва ҳиссий таъсирчанлигини таъминлаши билан бирга, ўзбек халқининг тасавуридаги миллий хусусиятга эга, ўзига хосликни вужудга келтирган.

Сидни Шелдоннинг “Орзиқиб кутаман эртани” романидан олинган парча:

*Tracy stayed in her room all day, miserable* [Sheldon].

*Трейси куни билан ўз хонасида дили хуфтон бўлиб ўтирди* [Шелдон, 2010:91].

Мазкур парчада ҳам аслиятда *happiness* лингвокультурамасининг антонимик ҳолатини ифода этувчи *miserable* лексемаси қўлланган. Ўзбек тилидаги вариантда эса, *гам-алам, андух*, хафагарчиликни ифодаловчи *дили хуфтон бўлиб* фразеологик бирлиги билан ифодаланган. Ушбу ибора *хафа*,

гам-ҳасратли маъноларига эга бўлиб, у ҳам ўзбек тилининг миллий хусусиятга эга фразеологик бирликларидан ҳисобланади. Яъни хуфтон куёш ботгандан кейинги пайт бўлганлиги туфайли, қоронғи, зимистон тимсолларида *дили хуфтон бўлмоқ* – *кўнглининг гаш, хафа бўлиши* назарда тутилади. Фикримизча, таржимон мазкур парчани *дили хуфтон бўлиб* тарзида ўгириб оригинал ҳолатга бироз даражада путур етказган деб ўйлаймиз. Бинобарин, инглизлар тафаккурида айнан “*дили хуфтон бўлмоқ*” тушунчаси мавжуд эмас. Шунга кўра, ушбу ҳолатда ўзбек халқининг миллий руҳияти ва ўзига хослиги инглиз халқининг маданиятига киритиб қўйилган.

Ўзбек тилида А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан:

*Биз эса зору забун ва ожиз бир тўдамиз, шўрпешоналигимиз сабабли қора бахтимиз ҳаммамизни хор айлади* [Navoiy, 2005:329].

*We, however, are a needy and weak flock, since we are unfortunate our happiness has turned to misery* [Navai, 2003:47].

Ушбу мисолда ўзбек халқининг лисоний олам тасвиридан ўрин олган *бахт* лингвокультуремасига нисбатан антонимик ҳолатни намоён этувчи фразеологик бирликлар кетма-кетлиги мужассамлашган. *Шўрпешона* сўзи айнан ўзбек маданиятини ўзида акс эттиради, яъни ўзбеклар инсон тақдири пешонага ёзилган, деб ҳисоблайдилар. Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги таърифга кўра, *шўр* лексемаси ўзининг иккинчи маъносида фольклорга оид сўз сифатида дастлабки маъноси – *толеи наст, бахтсиз, бечора*; *шўрлик* кабилар бўлса, кейинги маъносида *азоб-уқубат, қулфат*; *бахтсизлик* сингари тушунчаларни англатади. *Пешонаси шўр* ибораси *бахти қора, иқболи наст, бахтсиз* маъноларини ифодалайди: *Отасининг аччиқ ҳикоясини эшитган Полвон билан Бекжон ўз пешоналарининг шўр эканига ачиндилар*. Ж.Шарипов, Хоразм [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981:435].

Шунингдек, *шўр* сўзи билан ифодаланувчи қатор *шўри қуримоқ, шўрига шўрва тўқилмоқ* сингари иборалар ҳам

мавжуд бўлиб, уларнинг бари *бахт* лингвокультуремасининг антоними сифатида қўлланилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида *шўрпешона* иборасига *бахт* лингвокультуремасининг ўзига хос қирраларини намоён этувчи *пешанаси ярқираган, пешонаси очилди, пешонаси ёруз* сингари иборалар мавжуд. Ушбу иборалардан кўриниб турибдики, ўзбек халқининг дунёқараши ҳамда диний-хурофий тасаввурларига биноан *бахт* – бу тақдири азал, қисмат эканлиги эътироф этилмоқда.

Таржимада эса, ушбу фразеологик бирлик *unfortunate* лексемаси билан талқин этилган. У ҳам бўлса инглиз тилида қадимги рим мифологиясидаги Фортуна – *бахт* ва омад худоси билан боғланади. Шунингдек, таржимон ушбу лексемадан инглизлар олам тасвиридан келиб чиқиб, ўринли фойдаланган десак муболаға бўлмайди. Кейинги фразеологик бирлик – *қора бахтимиз* ҳам стилистик воситалардан метафора орқали *бахт* лингвокультуремасининг антонимик ҳолатини гавдалантирмоқда. Куйида келтирилган учликда ҳам муаллиф *бахти қаро* сўз бирикмасидан фойдаланган:

*Ухлаётган эркак бошида*

*Сайраётган булбул*

*Бахти қаро Аёл!*

*Near sleeping man*

*Singing nightingale*

*Poor Woman* [Фарида Афрўз, 2007:88].

Яъни, мазкур ибора аёлга нисбатан қўлланилган бўлиб, унинг турмушдан ёлчимаганлиги, *бахт*сизлиги ифода этилмоқда. Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, ўзбек халқи тафаккурида ушбу метафорали стилистик восита *бахт* лингвокультуремасига антонимик жиҳатдан намоён бўлган.

Антонимларнинг асосий хусусиятлари уларнинг маънолари ўзаро зидлигида бўлиб, улар ҳам синонимлар каби сўзларнинг кўп маънолиги билан чамбарчас боғлиқдир. Антонимлар нафақат луғавий маънолари орқали, балки контекстуал ҳолатларда ҳам акс этади. Контекстуал антоним-

ларга Р.Шукуров ўзининг “Ўзбек тили антонимларининг лексик-семантик табиати” номли диссертациясида қуйидагича таъриф беради: “Тилимиздаги кўпгина сўзлар тўғри маъноси билан ҳам, кўчма маъноси билан ҳам антоним бўла олмаганлари ҳолда, улар нутқда бир-бирлари билан мазмунан зид тушунчаларни англатиб келиши, қарама-қарши маъноларда қўлланиши мумкин. Масалан, *фахр-қаҳр*, *ўтқир-наст* сўзлари ўзаро тўғри ва кўчма маънолари билан ўзаро антоним бўла олмайди ёки антонимик жуфтлик ясай олмайди. Аммо бу сўзлар айрим гаплар (контекстлар)да бир-бирига нисбатан қарама-қарши маънода қўллана олади:

*Кўзларида нозик бир ўт бор. У фахр ўтими, ё қаҳр ўтими билиб бўлмайди* (М.Исмоилий).

*Унинг (Умиднинг) зехни наст эмас, аксинча сергайрат, ҳозиржавоб фикри ўтқир эканлигини ўқитувчилари ҳам, дўстлари ҳам билишарди* (Мирмуҳсин). Аслида (лексик маънолари жиҳатидан), антоним бўлмасдан фақат контекстдагина қарама-қарши маънода ишлатилган сўзлар контекстуал антонимлар дейилади.” [Шукуров, 1977:71-72].

Монографияда бадий таржимада *happiness/бахт* лингво-культуремаларининг антонимик воситалар ёрдамида ифодаланганини ўрганар эканмиз, унда антонимларнинг айрим ҳолатларда контекстуал антонимлар орқали намоён бўлган мисолларни учратдик. Масалан, В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” номли асаридаги бир персонажнинг нутқидаги мисолни таҳлил қилсак:

*Capulet:*

*Despis'd, distressed, hated, martyr'd!*

*Uncomfortable time, why cam'st thou now* [Shakespeare, 1972:171]

*Капулетти:*

*Парчаландим, ўлдирилдим, дилпора бўлдим,*

*Нега келдинг уйимизга, э бадбахт соат* [Шекспир, 1981:153].

Бу ерда машҳур адиб аслиятда қайғу-ҳасратга тўла бебахт онларни тасвирлашда *uncomfortable* сўзини қўлаган. *Uncomfortable* сўзининг луғавий маъноси *ноқулай*, *қўпол* каби

сўзлардан иборат бўлиб, бахтсиз сўзига лексик маънолари жиҳатдан мутлақо антоним бўла олмайди. Зеро, бу ерда таржимон контекстан келиб чиқиб, *бадбахт* лексемасидан фойдаланган бўлса-да, стилистик жиҳатдан *бадбахт* сўзи аслиятга нисбатан жуда кучли даражани ифода этмоқда. Яна худди шу асардаги персонажлардан бири Лаврентий сўзларига эътиборни қаратсак:

*Laurence:*

*Too familiar is my dear son with such sour company:*

*I bring thee tidings of the prince's doom* [Shakespeare, 1972:164]

*Лаврентий:*

*Дарду ғамлар сенга жуда қалин дўст экан;*

*Бекнинг ҳукми олиб келдим, меҳрибон ўғлим!* [Шекспир, 1981:116]

Мазкур ҳолатда ҳам оригинал матнда берилган *sour* сўзининг луғатда келтирилган маънолари (*кислый; неприязненный*) *нордон, хуш кўрмайдиган, ёқтирмайдиган* [Сиротина, 2002:440] ва у бахтсиз сўзига антоним бўла олмайди. Таржимада *бахт* лингвокультуремасининг антонимик ҳолатини англлатувчи периферияларидан бўлган *дард, ғам* лексемалари орқали талқин этилиб, мазмуннинг стилистик бўёқдорлигини ошириб, маънони кучайтирган.

Марк Твеннинг “Текльбери Финнинг бошидан кечирганлари” номли саргузашт асарида қуйидаги ҳолат тасвирланган:

*...and then maybe he would' a locked her up, and this awful mess wouldn't ever happened* [Twain, 1960:363.].

*Отаси балки устидан қамаб қўйган бўларди, бундай бахтсизликлар ҳам юз бермасмиди* [Твен, 1960:126].

Мазкур мисолда аслиятда берилган *mess* лексемасининг луғавий маъноси (*беспорядок, неразбериха, грязь*) *тартибсизлик, чигаллик, ифлос* маъноларини англлатиб келар экан, алоҳида олганда бу икки (*mess* ва *happiness*) сўз бир-бир билан антонимлик ҳосил қилмайди. Демак, ўзбек тилидаги таржимасида сўзнинг лексик маъносидан келиб чиқиб, *Отаси балки устидан қамаб қўйган бўларди, бундай чигалликлар ҳам*

юз бермасмиди деб ўғирилса ҳам мазмун-моҳиятига путур етмас эди. Бироқ, таржимон айнан *бахтсизликлар* деб ўғириб, таржимани контекстуал антоним орқали амалга оширилган.


Демак, юқорида келтирилган мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, инглиз тилида *happiness* сўзининг антонимик ҳолатини ифодаловчи сўзларнинг турли ўзакли (*happiness – sad, happiness – miserable, happiness – forlorn, happiness –wretch*) ва бир ўзакли (*happiness – unhappiness*) антонимлари мавжуд бўлиб, улар маъносига кўра тўлиқ антонимлар ва ярим антонимлар гуруҳига мансубдир.

Ўзбек тилида эса, *бахт* сўзи фақатгина бир ўзакли антонимик жуфтликка (*бахт – бахтсиз, бебахт, бадбахт*) эга бўлиши билан бирга, сифат сўз туркумига оид *бахтли* сўзи эса ўзининг қатор турли ўзакли антонимларига эга (*бахтли – нотавон, бахтли – маъсум, бахтли – маҳзун, бахтли – машъум*) эканлиги ва маъноси жиҳатдан ярим антонимларга тегиш-лилиги аниқланди.


Ўзбек тилидаги асарларда ҳам, инглиз тилидан қилинган таржималарда ҳам аксарият *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг антонимик ҳолатини намоён этиш учун бахтни ранг ёрдамида *бахти қаро/қора бахт* шаклида ифодаланганлиги гувоҳи бўлдиқ. Мазкур иборанинг шуниси эътиборга лойиқки, *бахти қора* ранг жиҳатдан антоними сифатида *бахти оқ* деган шаклига эга эмас. Яна таржималарда *бахтли, омади келган* маъноларини англатишда *пешонаси ярқираган* иборасидан ҳам кенг фойдаланилган. Ушбу ибора замирида инсон бахти тақдир билан боғлиқлигига ишора қилинган. Ҳар икки ибора ҳам миллий хусусиятга эга тил воситалари сирасига кириб, ўзбек халқининг лисоний олам тасвирида кенг тарқалган бўлиши билан бирга, *бахт* лингвокультуремасининг ўзига хос миллий жиҳатларини акс эттирган. Миллий хусусиятга эга фразеологик бирликларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган таржималарда эса, лексемалар орқали ўғирилганлигини кузатдик. Шунингдек, бадий таржимада *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг антонимик



ҳолатини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларидан мазкур лингвокултуремаларнинг антонимлар харитаси тузилди (3, 4-жадваллар).



3-жадвал. *Happiness/бахт* лингвокултуремаларини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг инглиз тилидаги бадий асарлар ва улар таржимасида учраган антонимлари.



4-жадвал. *Happiness/baxht* лингвокультуремаларини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбек тилидаги бадий асарлар ва улар таржимасида учраган антонимлари.

---

### III боб. БАДИЙ ТАРЖИМАДА КОНЦЕПТУАЛ ОЛАМ ТАСВИРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

#### 3.1. *Happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ифодаланишида фразеологик бирликлар таржимаси муаммолари

Тилнинг лексик бирликларига нисбатан мураккаб таркибли лисоний воситалари бўлмиш фразеологик бирликларни таржимада адекват талқин этиш таржима амалиётининг ўта мураккаб ва, шу билан бирга, жуда масъулиятли масалаларидан ҳисобланади. Чунки фразеологик бирликлар нутқнинг бадий-тасвирий воситалари сифатида фикрнинг оддий, бетараф баёнидан кўра кўпроқ турли-туман услубий вазифаларни ифода этишда иштирок этадиларки, уларнинг ушбу вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, таржимада бежирим талқин этишга интилиш бадий асарнинг образли ҳамда ҳиссий-тасвирий қийматини қайта яратиш йўлидаги жонбозлик билан чамбарчас боғлиқдир [Мусаев, 2005:183].

Маълумки, барча барқарор сўз бирикмалари ва иборалари мажмуи бўлмиш фразеологик бирликларнинг (ФБ) мавжудлиги барча тиллар учун хосдир. Фразеологик бирликлар ўзининг тўлақонлилиги, ифодага бойлиги, ишлатилишга қулайлиги, ихчам ва лўндалиги билан тилнинг бошқа бирликларидан кескин фарқ қилади. Улар тил бирлиги сифатида нутқда намоён бўлиб, нутқнинг таъсирчан ва бўёқдор бўлишини таъминлайди. Фразеологизмларни тадқиқ этишда кўпгина хориж тилшунос олимлари (Ш.Балли, В.В.Виноградов, Н.Н.Амосова, А.В.Кунин ва б.) қаторида ўзбек тилшунос олимларидан Ш.Раҳматуллаев, М.Содиқов, М.Абдурахимов, А.Э.Маматов, Б.Йўлдошев, М.К.Холиқова, К.Д.Тўхтаева, Ш.Абдуллаев, Г.И.Эргашевалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Фразеологик бирликлар хусусида тилшунос олимлар ўз илмий-назарий фикрларини баён этганлар. Улардан А.Маматовнинг таърифига кўра фразеологик бирликлар – бу тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, турғун лексик-семантик бирликдир [Маматов, 1991:267].

Муайян бир тилдаги таржима назарияси ва амалиётида сўз бирикмаларидан иборат бўлган ФБ таржимаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар доим ҳам тилнинг лексик тизими турли хил предметлар номи, жараёнлар, хоссалар, ҳолатлар, вазиятларни тўлиқ ёритиб бера олмайди. Зеро, тилда фикр баён қилишда ҳаётий кузатишлар асосида вужудга келган, ўзида образлилиқни ташкил этувчи нутқий таркиб – фразеологик бирликлардан кенг фойдаланилади.

Фразеологик бирликлар таржимаси муаммолари доимо олимлар диққат марказида бўлиб келган (Л.С.Бархударов, Я.М.Рецкер, А.В.Федоров, В.Н. Комиссаров, В.С.Виноградов, Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Н.Комилов, Н.Отажонов, С.И.Шукруллаева ва б.). Фразеологизм, мақол ва маталларда халқнинг миллий-маданий хусусиятлари, турмуш тарзи, тарихи мужассамлашар экан, бу ўринда Р.Ғайзуллаева шундай дейди: «Во фразеологии запечатлевается богатый исторический опыт народа, его мудрость, в ней находит свое отражение все представления народа, связанные с трудовой деятельностью, бытом и культурой. Пословицы, поговорки, идиоматические выражения в художественном произведении являются важнейшим средством обрисовки национального колорита.» [Ғайзуллаева, 1972: 136].

Юқоридаги фразеологик бирликларни ифодаловчи омиллардан, шубҳасиз, уларни лингвокультуремалар таркибига киритиш мумкин. Чунки лингвокультуремаларнинг ўзига хос хусусиятлари тилда аксарият ФБлар орқали ёрқин намоён бўлади.

Тадқиқотимиз жараёнида бадий таржимада фразеологик бирликлар орқали *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ифодаланишини ўргандик.

Маълумки, фразеологик бирликларнинг таржима усуллари, асосан, тўртта: эквивалент воситаси орқали таржима, муқобил вариант орқали таржима, калька усули орқали таржима ва тасвирий усулда таржима қилиш.

Тадқиқотимизда инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий асарлар таржимасидаги лавҳаларда фразеологик бирликлар таржимасини кузатдик.

Маълумки, фразеологизмлар халқларнинг дунёқараши орқали уларнинг миллий олам тасвири (национальная картина мира) асосида ҳосил бўлганлиги боис, миллат тилининг ўзига хос нозик қирралари билан намоён бўлади. Қуйидаги Ж.Гринвуднинг “The True History of a Little Rugamuffin” (“Жулдур кийимли бола”) асаридан олинган лавҳада инглиз тилида янги турмуш қурганларга эзгу истак билдириш маъносида *Lord bless every happy couple* ибораси қўлланган:

*When the rum was brought the strange young man filled a glass. “Well”, said he, “Lord bless every happy couple, I says. May you live long and die happy, both on yer”* [Greenwood, 1958:75].

*Мен ромни олиб келгач, меҳмон уни стаканларга қуйди, отам ва ўғай онамнинг соғлиги учун, уларга бахт тилаб, ича бошлади* [Гринвуд, 1961:8].

Ушбу жумладаги *Lord bless* иборасининг фразеологик луғатдаги тавсифида *видит бог!, бог мой!, боже мой! (Худо шоҳид!, Ё раббим! Ё Оллоҳим!)* каби маъноларни билдириши қайд этилган. Ушбу *Lord bless every happy couple* жумласининг сўзма-сўз таржимаси – *Эй Худо барча бахтли жуфтни ёрлақгин!* шаклида бўлади. Мазкур жумланинг диққатга сазовор нуқтаси – *happy couple* (бахтли жуфт) ибораси бўлиб, инглиз тилида *a couple that have just got married or will soon get married* (Longman Dictionary of Contemporary English, 2009:797), яъни эндигина турмуш қурган ёки турмуш куриш бўсағасида турган жуфтга нисбатан ишлатилади.

Ўзбек тили нормасига кўра, *жуфт* сўзи алоҳида рафиқ ёки рафиқанинг бир-бирига нисбатан қўлланилса-да, *Жуфтингни қанотинг остига олиб, уча кет лочин!* Ойбек, Кутлуғ қон [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981:292]. *Бахтли жуфт* деган ибора мавжуд эмас. Ўзбек халқи, одатда, никоҳ тўйларида маросим эгаларини *икки ёш ёки бахтиёр ёшлар* деб атайдилар. Таржимон ҳам ушбу лавҳани контекст ҳолатидан келиб чиқиб, келин-куёв ёш бўлмаганликларини инобатга олган ҳолда уни *отам ва ўғай онамнинг соғлиги учун, уларга бахт тилаб, ича бошлади* деб, фразеологик бирликларнинг тасвирий усули орқали талқин этган.

Ушбу мисолнинг яна бир эътиборга лойиқ тарафи шундаки, аслиятдаги лавҳанинг кейинги жумласида *die happy* сўз бирикмаси ишлатилган. Мазкур сўз бирикмаси инглиз тили ФБ луғатида йўқ бўлса-да, изоҳли [Longman Dictionary of Contemporary English, 2009:466] луғатида *die young/happy/poor* (*ёш/бахтли/фақир ўлмоқ*) шакли берилган. Мазкур *die happy* сўз бирикмаси инглиз халқининг руҳий ҳолати, диний тасавури, маданиятига оид ибора бўлиб, *happiness* лингвокультуремасининг ўзига хос жиҳатларини намоён этмоқда. Таржимада эса ушбу ҳолат батамом тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, ўзбек тилида *бахтли ўлмоқ* деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас.

Инсон бахтни юксак маънавий руҳ орқали ҳис қилар экан, муайян онларда юзага келувчи хурсандчилик, қувонч белгилари ҳам *бахт* лингвокультуремасини ифодалаб келади. Масалан, Марк Твеннинг “Том Соённинг бошидан кечирганлари” номли асаридаги лавҳани олсак:

*To which Tom responded with jeers, and started off in high feather,* [Twain, 1960:32]

*Том эса уни масхара қилиб қуларкан, ўзининг залаба қозонишидан хурсанд бўлиб, уйига қараб жўнади* [Твен, 1948:12].

*High feather* фразеологик бирлигининг луғатлардаги тавсифига кўра – *в очень хорошем настроении (кайфияти чоғ*



бўлмоқ) маъноларини англатиши қайд этилган. Асарнинг мазкур ҳолатида Том шўх, тўполончи бола бўлганлиги учун унга ўз йўлида учраган башанг кийинган болани мазах қилиш, у билан муштлашиш ҳузур бағишлайди ва ўша дамда Том ўзини чексиз бахтиёр ҳис қилиши *high feather* ибораси билан акс эттирилган. Таржима тилида эса кўшимча маъно билан *ўзининг галаба қозонишидан хурсанд бўлиб*, деган тасвирий усул орқали талқин этилган. Чунки, ўзбек тилида *high feather* иборасининг муқобил варианты мавжуд эмас. Шундан кўриниб турибдики, инглиз тилида мазкур *high feather* фразеологик бирлиги орқали *happiness* лингвокультуремасининг ўзига хос томони ифодаланмоқда.

Ҳеч бир тил фразеологик бирликлари ҳаётдаги барча жиҳатларни қамраб ололмаслиги туфайли бир тилда муайян тушунчани ифода этадиган муайян фразеологизм ўзга тилда ўз эквиваленти ёки муқобил вариантыга эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда кўпроқ таржима амалиётининг калька, яъни сўзма-сўз таржима усулига мурожаат қилинади. Бу йўл воситасида таржима тилида ҳосил қилинган бирикма иборавий шакл касб этиб, табиий жарангласа, назарда тутилган маъно ва услубий вазифани акс эттира олади [Мусаев, 2005:199]. Ана шундай калька усули билан амалга оширилган В.Коллинзнинг “The Woman in White” (“Оқ кийинган аёл”) романи таржимасидан олинган парчани таҳлил қилсак:

*Enough for me, that here I am with the mighty merchant's note in my hand, as large as life, as hot as fore, and as happy as a king!*  
[Collins]

*Бақувват савдогарнинг ҳаётдек қимматли, оташдек ҳароратли шартномаси билан мана шу ерда ўзимни қироллардек бахтиёр сезиб турибман, менга мана шунинг ўзи кифоя!* [Коллинз, 2010:16]

Аслиятда ифода этилган *as happy as a king!* ибораси инглиз тили ФБ луғатидаги таърифга кўра *очень счастливый; на седьмом небе (ўта бахтиёр, еттинчи осмонда)* сингари маъноларга эга экан. Ушбу фразеологик ибора инглиз

халқининг миллий-маданий хусусиятлари ва кўҳна тарихи замирида вужудга келган бўлиб, бевосита унинг лингвокультурологиясида ҳам акс этмоқда. Яъни инглизлар дунёқарашида бахтга эришиш *муваффақият*, *мавқе*, *шон-шухрат*, *қироллардек ҳаёт* каби тушунчалар билан ҳамоҳанг. Шунга кўра, мазкур *as happy as a king* фразеологик бирлиги *happiness* лингвокультуремасининг ифодаланишида ўзига хос ассоциативликни таъминламоқда. Таржима тилида эса ушбу иборани таржимон калька усули орқали *қироллардек бахтиёр* деб талқин этиб, мазмуний-услубини ва прагматик вазифасини қайта яратган.

В.Коллинзнинг “The Woman in White” (“Оқ кийинган аёл”) романидан олинган навбатдаги мисолни таҳлил қилсак:

*“I shall dry my tears in your absence”, said the Professor gaily, “with this glorious thought”. It is my auspicious hand that has given the first push to your fortune in the world [Collins].*

— Менинг видолашув кўз ёшларимни, — деди профессор қувонч билан — *фақат* дилимдаги эзгу ниятимгина *тўхтатиб турибди*, у ҳам бўлса — менинг дастлабки сабъ-ҳаракатим билан *ҳаётингизда бахт эшигининг очилишидир* [Коллинз, 2010:20].

Асар персонажи нутқидаги кишининг муваффақиятга эришиши, мавқеининг юксалиши маъносида баён этилган — *first push to your fortune in the world* фразеологик бирлигининг ФБ луғатида *стараться улучшить своё благосостояние; сделать карьеру (фаровон ҳаётни таъминлаш, мансабга, хизмат даражасининг кўтарилишига интилиш)* тарздаги маънолари берилган. Ўзбек тилига таржимада *бахт эшигининг очилишидир* ибораси орқали муқобил усул ёрдамида талқин этилган. Чунончи, ўзбек халқининг концептуал олам тасвирида *бахт эшиги* деган тушунча мавжуд бўлиб, унга изоҳли луғатда қуйидагича тавсиф берилган: бир мақсадга йўл очиб берувчи бўсаға. *Бахт эшиги кўриниб турибди*. Х.Фулом, Машъал [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981:457]. Демак, таржимада аслиятга маъно ва услубий

жиҳатда мос келган мазкур ФБ мазмундаги образлилик ва хиссий таъсирчанликни сақлаб қолган.

Фразеологизмларнинг маъноси контекст ичида аниқлашади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Аксарият ҳолларда таржимон ҳар бир мақол, матал ёки идиомага, асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирикмалар топиб қўяди [Саломов, 1983:118]. В.Коллинз “The Woman in White” (“Оқ кийинган аёл”) романидан олинган яна бир лавҳада мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёш қиз Лаура Фэрлига унинг адвокати жаноб Гилмор томонидан билдирилган эзгу истаклар қуйидагича талқин этилган:

*“If I do come again, I hope I shall find you better”, I said; “better and happier. God bless you, my dear!”* [Collins]

*Мабодо яна келиб қолгудек бўлсам, чехрангиздаги табассум, дилингизни равшанроқ, ўзингизни бахтиёрроқ кўрарман, деган умиддаман, – дедим. – Сизга яратганинг ўзи бахт ато қилсин, азизим!* [Коллинз, 2010:144]

Инглиз тили ФБ луғатида *God bless you* фразеологизмига: «*боже мой!, господи помилуй!*», –восклициание, выражающее удивление страх и т.п.) (э *Худо!, Парвардигор ўз паноҳингда сақла!*) сингари маъноларни билдириши қайд этилган. Таржима эса контекстдан келиб чиққан ҳолда *яратганинг ўзи бахт ато қилсин* деб муқобил усул орқали амалга оширилган. Бинобарин, ўзбек халқи бахтни Аллоҳ томонидан берилган инъом деб қабул қилар экан, таржимон ҳам ўзбек халқининг руҳиятига, тафаккурига монанд тарзда юқоридаги иборага мурожаат қилиб адекват таржимага эришган.

*Happiness/бахт* лингвокультуремаларининг ифодаланишини фразеологик бирликлар орқали ўрганар эканмиз, аксарият ҳолатларда шундай ибораларни учратдикки, уларнинг негизини “бахт” тушунчаси ташкил этган. Яъни, *бахт* лингвокультуремасининг периферияларини ташкил этувчи ФБга дуч келдик. Ана шундай иборалардан бирини мисол тариқасида

Сидни Шелдоннинг “If Tomorrow comes” (“Орзиқиб кутаман эртани”) номли асарыда кузатсак:

*On this particular Friday morning, Lester knew he had hit the jackpot* [Sheldon].

*Ўша унутилмас жума куни эрталаб Лестер омади кулиб боқишини биларди* [Шелдон, 2010:50].

Ҳар бир тил фразеологик захираси таркибида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, руҳий ҳолатлар, диний тасаввур, миллий анъана ва урф-одатлар ўз аксини топган бўлади. Муайян тил жамоаси лафзига мансуб бундай фразеологизмлар миллий хусусият касб этувчи тил воситалари сирасига киради [Мусаев, 2005:238]. Инглиз халқининг миллий дунё тасаввурарида “*омад*”, “*муваффақият*”, “*мартаба*” каби тушунчалар бахтга элитувчи тушунчалардан саналиб, *happiness* лингвокультуремасини намоён этувчи омиллардан ҳисобланади. Шунга кўра юқоридаги мисолда ҳам, кутилмаганда омадни қўлга киритиш маъносида *hit the jackpot* ибораси ишлатилган бўлиб, унинг ФБ луғатида (жарг.) *неожиданно преуспеть, добиться большого успеха (қўққисидан муваффақият қозонмоқ, улкан омадга эришмоқ)* каби маънолари жаргон тилида қўлланилиши қайд этилган. “Джэқпот” қарта ўйин турларидан бири бўлиб, “покер” (қартада қимор ўйинининг бир тури) ўйинидан ҳосил бўлган. *Jack* – валет, *pot* – банк, яъни *jackpot* – тикилган пулларнинг банкда жамғарилиши маъносини англатади. Англияда бу турдаги ўйин кенг тарқалганлиги боис, уларнинг тилида ҳам ўз аксини топган. Қўққисдан қўлга киритилган муваффақият, омад маъносидаги ушбу *hit the jackpot* ибораси инглиз маданиятининг ўзига хос жиҳатларини намоён этиб, миллий хусусиятли фразеологик бирликлар сирасига киради. Таржима тилида таржимон мазкур иборанинг муқобил йўл билан *омад кулиб боқиши* деб талқин этиши оғзаки нутққа хос жаргонни ифода этмасида, вазифавий уйғунликни таъминлаган.

Навбатдаги, Т.Драйзернинг “Sister Carrie” (“Бахти қаро Керри”) романидан олинган мисолда ҳам ушбу иборанинг синоними бўлмиш *make a hit* акс этган:

“Sure, Out o’ sight. I bet you *make a hit*. Now you want to go, I know you do” [Dreiser, 1968:185].

*Ҳаттога заррача шубҳа ҳам қилмайман, муваффақият қозонишингга аминман. Сен қатнашини хоҳлаб турибсан, биламан!* [Драйзер, 1973:143]

Асар персонажи Друэнинг Керрига ўз қобилятини саҳнада синаб кўришига даъват этган нутқида муаллиф *make a hit* фразеологик бирлигини қўллаган. Ушбу иборанинг луғавий маъноси *иметь успех* (муваффақиятга, ҳар томонлама ютуққа эришиш) бўлиб, ўзбек тилига уни таржимон айнан луғавий маъносига кўра *муваффақият қозонишингга* деб тасвирий усулда таржима қилган. Мазкур вазиятда икки тилда жаранглаган ибораларнинг ўзаро грамматик шакллари ҳам монанд келган бўлиб, ўзбек тилидагиси мазмун жиҳатдан аслиятда назарда тутилган фикрни тўла ёритиб бермоқда.

Мазкур асар мазмунида Керрининг машҳурликка, бойликка интилиб яшашига урғу берилганлиги сабабли *муваффақиятга, машҳурликка эришиш, омадни синаб кўриш* маъносида қўлланилган фразеологик бирликлар кўп учрайди. Улардан яна навбатдагиларини таҳлил қилсак:

“Oh, you’ll get up, ” she kept telling Carrie with admiration. “You’re so good” [Dreiser, 1968:473].

*О, сен машҳур бўп кетасан! – Лола дугонасига завқланиб қараркан, шундай дейишни кўймасди. – Сен жуда ҳам қобилятлisan!* [Драйзер, 1973:393]

Инглиз тилидаги *get up* ибораси ФБ луғатидаги тавсифига кўра *преуспевать, делать карьеру, идти в гору* (карьерга қилмоқ, зафарга эришмоқ) сингари маъноларни ифодалар экан. Таржиманинг шуниси эътиборга лойиқки, ушбу лавҳани рус таржимони муқобил йўл билан *пойдёшь в гору* фразеологик ибораси орқали — *О, ты пойдёшь в гору!* — не переставала она *твердить, с восхищением глядя на подругу. – Ты такая*

способная! [Драйзер, 1982:41] деб таржима қилган бўлса, ўзбек таржимони уни *машхур бўп кетасан* деб тасвирий усулда талқин этган. Бинобарин, ўзбек тилидаги иборалар ичида айнан шу маънони англатадиган *узоққа бормоқ* фразеологизми мавжуд бўлиб, таржимон мазкур парчани *О, сен ҳали узоққа борасан* деб ўгирса, мазмун ҳамда услубий вазифаси жиҳатдан мос муқобил таржима юзага келган бўларди.

Ёки, яна худди шу асардан кейинги мисолни олсак:

*“Well, they were short and wanted me to find them some one. I told Carrie, and she seems to want to try”* [Dreiser, 1968:194].

*Сизга айтсам, уларга битта артистка етмай қолган экан, мендан битта-яримтани топиб беринг деб илтимос қилишди. Бунни Керрига айтувдим, унинг бахтини синаб кўришга сиёҳи борга ўхшайди* [Драйзер, 1973:151].

Бу ерда ҳам машхурлик пиллапояларини забт этиш мақсадида *to try* ибораси қўлланилган. ФБ луғатида қайд этилишича, ушбу ибора тўлиқ *to try one's fortune* – *попытать счастья* (ўз бахтини синамоқ) шаклига эга бўлиб, юқоридаги лавҳада ярим шаклда берилган. Бинобарин, ўзбек тилига мазкур ФБ муқобил усул орқали *бахтини синаб кўришга* деб таржима қилинган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар икки тил эгалари учун ҳам “ўз тақдири учун ўзи курашмоқ”, иқболи ва истикболи борасида “бахтини синамоқ” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг ифодаланишида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Куйида ўзбек тилида бадий таржимада *бахт* лингвокультуремасини акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг инглиз тилига таржимаси билан танишсак. Масалан, А.Навоийнинг чуқур фалсафий маъно ва диний қарашларига эга асарларидан бири “Лисон ут-тайр”да *бахт* лексемасининг бадий услубга хос синонимлари билан ифодаланган ибораларга муурожаат этилган:

*Иззатли хумой ўз узрини шундай бошлади:*



Эй сарсон-саргаитлар раҳнамоси! Менга иқбол шунчалик кулиб боққанки, ҳатто мен ўз соям билан кишиларга шараф тахти ато эта оламан [Навойи, 2005:325].

*Phoenix began his apology this way: 'O leader of all roaming birds! I'm so happy in the world, since I can bestow people glorious thrones with my shadow* [Navai, 2003:43].

Ушбу шоҳ асарда қўлланилган **иқбол кулиб боққан** фразеологик бирлигида **бахтга эришиш, толеманд бўлиш** маънолари мужассамлашган. **Иқбол** лексемаси **бахт** лексемасининг синонимик қатори таркибига кириб, **бахтли тақдир, порлоқ келажак** сингари маъноларни англатади. Таржимада бу ибора тасвирий усул орқали *I'm so happy in the world* деб ўгирилиб, аслиятга нисбатан бадий образлилик ҳамда хиссий таъсирчанлик бироз даражада суствлашиб қолган. Фикримизча, мазкур лавҳанинг таржимасида инглиз халқи учун хос равишда *Phoenix began his apology this way: 'O leader of all roaming birds! Fortune smiles upon me, since I can bestow people glorious thrones with my shadow* шаклида, фразеологизмлар таржимасининг эквивалент усулидан фойдаланилганда аслият тилига мос адекват таржима юзага келган бўларди. Зеро, *fortune smiles upon me* иборасининг ФБ луғатида *судьба улыбается, удача сопутствует кому-л. (кимгадир бахт кулиб боқиши, омад ёр бўлиши)* маънолари келтирилган.

Фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг семантик жиҳатдан бир-бири билан бирика олишидир. Бу хусусида А.В.Федоров шундай дейди: "...большая часть слов и значений слов ограничены в своих связях внутренними, семантическими отношениями самой языковой системы. Эти лексические значения могут проявляться лишь в связи с строго определенным кругом понятий и их словесных обозначений. Эти ограничения создаются присущими данному языку законами связи словесных значений. Например, слово *брат* имеет значения: *овладевать, подвергать своему влиянию*. К применению к чувствам, настроениям – не сочетается свободно со всеми

обозначениями эмоций, настроений. Говориться *страх берет, тоска берет, досада берет, зло берет, зависть берет*. ...Но нельзя сказать: *радость берет, удовольствие берет, наслаждение берет* т. п. Таким образом круг употребления глагола *брать* в связи с обозначениями чувств и настроений фразеологически замкнут” [Федоров, 1953:154]. Бинобарин, ўзбек тилида ҳам шу каби *бахт* лингвокультуремасини ифодаловчи, ўзаро семантик жиҳатдан бирика оладиган, шунингдек, бирика олмайдиган фразеологик бирликлар мавжуд. Масалан, *очилмоқ* феъли *бахт* лингвокультуремасининг синонимик қаторидан фақатгина *бахт* лексемаси билан бирикади — *бахти очилиб*. Бирок, *омади очилиб* ёки *саодати очилиб, иқболи очилиб* деб бўлмайти балки, *омади келиб, саодатини топиб, иқболга эришиб* тарзда қўлланилади. Шундай экан, “Лисон ут-тайр”дан олинган навбатдаги лавҳада *бахт* лингвокультуремасининг периферияларидан бўлган *завқ* лексемаси билан кувонч, шодлик, бахт каби ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи *завққа тўлмоқ* ибораси қўлланилган:

*Шайх ювиниб, эгнига хирқа кийди, бунни кўрган кишилар завққа тўлдилар* [Навоий, 2005:53].

*The Shaikh washed himself and put on the customary Muslim clothes. Those who saw it were filled with happiness* [Navai, 2003:73].

Ушбу мисолда ҳам *завқ* лексемаси *тўлмоқ* феъли билан бирикиб келган. Таржимада эса *завқ* сўзининг луғавий таржимаси *delight* лексемаси ўрнига *happiness* лексемаси олинган бўлиб, *fill with happiness* ибораси шаклида калька усули орқали талқин этилган. Натижада аслиятга мос, ҳиссий-таъсирчанликка эга таржима ҳосил бўлган. Таҳлиллар натижасидан кўриниб турибдики, *happiness* лингвокультуремасининг синонимик қаторидан “*delight*” тушунчаси ҳам ўрин эгаллаган.

Ш.Холмирзаевнинг “Ўзбек характери” деб номланган ҳикоясидан:

*Йигитларнинг боши осмонда. Ниҳоят, университет* [Холмирзаев, 2005:133].

*The guys were happy. At last they were returning to the university lecture halls* [Kholmiraev].

Пахта даласидан ҳориган талабаларнинг университетга қайтишлари уларга қувонч бағишлашини тасвирлаш учун **боши осмонда** фразеологик бирлиги ишлатилган. Иборанинг ФБ луғатида келтирилган маъноси *ниҳоятда хурсанд* бўлиб, *бахт* лингвокультуремасида образлилик яратмоқда. Яъни, ғоят хурсанд инсон ўзини ўша дамда чексиз бахтли ҳис этиши баён этилган. Таржимада эса бу ибора тасвирий йўл орқали *were happy* деб ўгирилган. Тасвирий усул билан талқин этиш аслиятдаги мазмунни саёзлаштириб қўйган. Яъни образлилик, шу билан бирга, ҳиссий-таъсирчанлик ҳам йўқолган. Шу ўринда инглиз ибораларидан *to be in the seventh heaven* – *на седьмом небе* (от счастья, радости и т.п.), (бахтдан, қувончдан ўзини *еттинчи осмонда ҳис қилмоқ*) фразеологизмидан фойдаланиб, муқобил усул билан *The guys were in the seventh heaven* шаклида таржима қилинса, адекват таржимага эришилган бўларди.

Тадқиқотимиз жараёнида яна шундай ҳолатларни учратдикки, унда аслиятда фразеологик бирлик қўлланмаган бўлса-да, таржимон асар тилини таъсир қувватини ошириш, фикрнинг янада мукамал ифода этиш ҳамда жозибадорлигини ошириш мақсадида фразеологик ибораларга мурожаат этганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, Э.Хемингуэйнинг *The Old Man and Sea* (“Чол ва денгиз”) ҳикоясини олсак:

*‘No’, the old man said. ‘You’re with a lucky boat. Stay with them* [Hemingway, 1971:12].

*Йўқ, — деди чол, — сен бахтли чонган қайиқда ов қилиясан. Ўшанда қолганинг маъқул* [Хемингуэй, 1986:4].

Чуқур фалсафий ғояга эга ушбу асар қаҳрамони балиқчи Сантьяго ўзининг балиқ овида омади юришмай қолгани боис шогирди – болакайга энди ота-онаси буюрган қайиқда овга чиқишини маъқуллаб сўзлаган нутқида *lucky* (омадли)

лексемаси қўлланилган. Таржимон эса, *бахти чоған* фразеологик бирлигидан фойдаланиб муаллиф мақсадини тўлиқ англаб, зарурий маъно ярата олган.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек халқларининг турмуш тарзи, ҳаётий тажрибалари, ижтимоий ҳолати, диний қарашлари замирида вужудга келган фразеологик birlikлар ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, уларнинг таржимаси *happiness/baxm* лингвокультуремаларининг икки тилдаги миллий маданий хусусиятларини очиб беришда катта аҳамият касб этади. Таҳлилларимиз натижасида фразеологик birlikлар таржима усулларида эквивалент усулидан ташқари муқобил, калька, тасвирий усуллари орқали амалга оширилган таржималарни учратдик. Шунингдек, *happiness/baxm* лингвокультуремаларини ифодаловчи фразеологик воситалар миллий-маънавий руҳ ҳамда икки тил соҳибларига хос таомилларни акс эттириши билан бир қаторда, лисоний олам тасвиридаги миллий-маданий хусусиятларни ифодалашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### **3.2. *Happiness/baxm* лингвокультуремаларининг ифодаланишида стилистик воситалар таржимаси муаммолари**

Таржима назариясининг диққатга сазовор ва шу билан бирга мураккаб аспектларидан бири бу образли стилистик воситалар таржимасидир. Ушбу аспектга бағишланган тадқиқотлар бир қатор хорижий тилшунос олимлар (А.В.Федоров, А.Д.Швейцер, В.Н.Коммисаров, Г.В.Чернов, Н.А.Боженкова, Л.Г.Васильев, Н.Л.Галеева, Т.А.Казакова, Н.В.Складчикова ва б.) қаторида Ўзбекистонда ҳам таржимашунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшган Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Н.Отажонов, С.Шукруллаева, Д.Ашурова, Р.Файзуллаева, Н.Исамухамедова каби олимлар томонидан ҳам амалга оширилган.

Таржима амалиёти турли услубдаги матнлар билан боғлиқ бўлиб, муаллиф тасвирлаган ҳаяжонли ҳолатлар, ҳис-

туйғуларни таржима тилига талқин этиш мушкул жараёнлардан бири ҳисобланади. Таржимон айнан шундай ҳолатларнинг ҳиссий таъсирчанлигини қайта яратиш учун стилистик воситаларга муружаат этади. Тилшунос олимларнинг тавсифларига кўра образли стилистик воситалар таржимасини ўрганишда, асосан, бадий асарларда образлиликни таржима тилига адекват ҳолатда ўгириш ҳамда оригинал асардаги стилистик таъсирни аслиятдагидек талқин этишга эътибор қаратилади. Оригинал асардаги образлиликни мужассамлаштирувчи стилистик воситалар таржимаси, одатда, таржимонларга турли тилларда стилистик тизимнинг миллий хусусиятга эгаллиги туфайли катта қийинчилик туғдиради.

Замонавий тилшуносликда стилистика фанини лингвокультурология, когнитив лингвистика каби йўналишлар уйғунлигида кўриш мумкин. Хусусан, Д.У.Ашурованинг нуқтаи назари қуйидагича: «Стилистика билан лингвокультурологияни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш лингвокультурологияда ўзига хос стилистик йўналишнинг вужудга келишини таъминлайди. Шунингдек, стилистик воситаларга лингвокультурологик жиҳатдан ёндашув уларни маданий концептларни ифодаловчи асосий омил сифатида ўрганишга имкон беради» [Ашурова, 2004:205]. Бинобарин, стилистик воситалар юқори бўёқдорликка ҳамда миллий-маданий хусусиятларга эга лисоний бирликлар сирасига киради. Концепт ҳамда лингвокультуремаларнинг образлилик жиҳати лисоний бирликлардан лексик, фразеологик, паремиялогик бирликлар қаторида стилистик воситаларда акс этиши, миллатнинг лисоний олам тасвирини яратишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шундай экан, лингвокультуремаларнинг бадий матнда стилистик воситалар билан ифодаланиши уларнинг тилда ўзига хос миллий-маданий хусусиятга эга қирраларини намоён этиш учун хизмат қилади.

Монографияда бадий таржимада *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг стилистик воситалар орқали ифодаланишини ўрганар эканмиз, унда метафора, эпитет,

ўхшатиш, гипербола (муболаға), оксиморон каби образли стилистик воситалар (троплар) қўлланган мисолларни учратдик. Мазкур стилистик воситалар икки тилда *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг ўзига хос миллий-маданий жиҳатларини ифодалаб келган. Ҳиссий-таъсирчан лисоний бирликлар ўз услубий вазифаларига кўра аксарият тилнинг оғзаки нутқ жанрига тааллуқли воситалар бўлиб, уларнинг бундай хусусияти таржимон зиммасига нафақат уларга хос услубий бўёқни – оғзаки нутқ жанрига оидлик хусусиятини, балки ифоданинг ҳиссий-таъсирчанлигини ҳам қайта яратиш вазифасини юклайди. Бадий нутқ таркибида қўлланилган ҳиссий-таъсирчан лисоний воситалар тизими асарнинг умумий-эстетик хусусиятини вужудга келтиргани ҳолда, муаллифнинг бадий-ғоявий мақсадини рўёбга чиқаради [Мусаев, 2005:151].

Мисолларимизда аксарият ҳолатларда образли стилистик воситалардан метафора қўлланган. Адабиётларда метафорага қуйидагича тавсиф берилади: метафора – нутққа образлилик, эмоция бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилишига айтилади [Шомақсудов, 1983:236]. Масалан, Марк Твеннинг “Том Соьернинг бошидан кечирганлари” номли асаридаги парчани таҳлил қилсак, бу ердаги асар қаҳрамонлари Том ва Гекларнинг ҳазина қидириб тузган режалари ва ўша режалари асосида астойдил қилган ҳаракатларига оид фаразлари қуйидагича талқин этилган:

*Went away feeling that they had not trifled with fortune, but had fulfilled all the requirements that belong to the business of treasure hunting* [Twain, 1960:178].

Улар назарларида бахт билан ҳазилкашлик қилмай, хазинани ахтариб топиш йўлидаги бор шартларнинг ҳаммасини ҳалол куч билан бажарганликларини ўйлаб борар эдилар [Твен, 1948:187].

Аслиятда ифодаланган *not trifled with fortune* метафораси бахт келганда ундан тўғри фойдаланиб қолиш кераклиги, уни



кўлдан бой бермаслик маъносида қўлланилган. Инглиз тили изоҳли луғатларидаги тавсифга кўра *trifled with* сўзи to treat without the necessary seriousness or respect (ножиддий муносабатда бўлмоқ) маъносини англатиши қайд қилинган: *The boss is not a person to be trifled with* (Босс билан ҳазиллашиб бўлмайди) [Longman Dictionary of English Language and Culture, 2005:1481]. Бу ерда метафоранинг персонификация (жонлантириш) тури ишлатилган бўлиб, таржимада ҳам мазкур усул сақланиб, *бахт билан ҳазилкашлик қилмай* тарзида талқин этилган. Бундай калька усули билан ўгирилган таржима ижобий кўринишга эга бўлиб, ўзбек китобхони учун ҳам ғализ эмас, аксинча, таржима тилини бойитишга хизмат қилган. Шунингдек, аслият тили ва услуби ҳақида ўқувчига маълумот берган.

Метафоранинг персонификация усулини ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган таржималарда ҳам учратдик. Бунга мисол қилиб Аъзам Обидовнинг “Тун” (“Night”) номли шеърини оламиз:

*Шукур, тинди шовқин. Суқунат.*

*Уй ортида зерикади ой,*

*Ухлаётир ҳорғин уқубат,*

*Йиғлаётган бахтдир, ҳойнаҳой*

*Thanks, Stopped a noise. Just silence,*

*The Moon is dull in home back.*

*The Grief is tired in the wildness*

*Maybe Luck in cold quakes* [Obidov, 2005:36].

Ушбу шеър образли лисоний воситаларга бой бўлиб, унда тун зўр маҳорат билан тасвирланган. Тунда ҳаммаёқни сокинлик босиши, зулмат авж олиши ва ўша зулмат ичида бахт барқарор бўла олмаслиги метафоранинг жонлантириш тури билан *йиғлаётган бахтдир, ҳойнаҳой* шаклида талқин этилган. Унда инсонларнинг хатти-ҳаракатига хос *йиғламоқ* бахтга кўчирилган бўлиб, айни пайтда, бахт тун билан ҳамоҳанг бўла олмаслиги фалсафий маънода баён этилган. Яъни бахт тун тимсоли эмаслиги таъкидланмоқда ва хомушлик ҳолатини акс

эттириш мақсадида *йигламоқ* феъли билан жонлантирилган. Таржимада эса мазкур мисра худди аслиятдагидек метафоранинг оксиморон билан ифодаланган ҳолатида, таржиманинг алмаштириш (замена) усули орқали амалга оширилган – *Maybe Luck in cold quakes*. Таржима тилидаги вариантни сўзма-сўз ўгирсак, *Балки бахт совуқда титраб тургандир* шаклига тўғри келади. Яъни, *luck – to quake* (бахт – қалтирамоқ, титрамоқ) феъли билан жонлантирилган. Бу ерда ҳар икки тилда ҳам маъзунлик маъноси ифодаланган. Шунга кўра, таржимон маъно ва экспрессивликни таъминлаш мақсадида *титрамоқ* сўзидан ўринли фойдаланган, деб ўйлаймиз.

Кейинги лавҳани “Том Соьернинг бошидан кечирганлари” номли асаридан таҳлил қиламиз. Томнинг синфдоши Бекки Тэчер ёнида ўзини чексиз хурсандчилиги, шодлигини тасвирлашда муаллиф *swimming in bliss* стилистик воситасидан фойдаланган:

*Tom was swimming in bliss* [Twain, 1960:74].

*Том ўзини чексиз бахтиёр ҳис қилди* [Твен, 1948:61].

*Swimming in bliss* метафорик воситасининг сўзма-сўз таржимаси *бахт ичйда сузмоқ* маъносини англатади. Луғатларда *to be swimming in sth.* – to be covered by a lot of liquid (кўп миқдордаги суюқлик билан тўлмоқ) [Longman Dictionary of Contemporary English, 2009:1786] маъноси келтирилган. Демак, ушбу ҳолатда бениҳоя бахтга, севинчга тўлиш, ўзини роҳатда ҳис қилиш каби маъно метафора орқали акс эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек тилига таржимада эса, образли стилистик восита билан ифодаланмай, балки *чексиз бахтиёр* сўз бирикмаси орқали тасвирий усулда талқин этилган. Натижада, стилистик бўёқдорлик, ҳиссий таъсирчанлик йўқолган. Бизнингча, мазкур ҳолат *Том ўзини бахт огушида ҳис қилди* тарзидаги метафора орқали муқобил йўл билан ўгирилса, стилистик жиҳатдан мос ва аслият тилига яқин таржима яратилган бўларди, деб ўйлаймиз.

Навбатдаги мисол таҳлилини А.Навоий “Лисон ут-тайр” асаридан олинган парчадан келтирсак:

Кимки ўзининг қилган ишларини рўқач қилмасдан, унинг олдида бору йўғини тенг тутса ва манманликка берилмаса ҳамда қилган тоатларини бир қора чақадек деб билса, у киши **бахт-саодат** кўчасига киради ва ўз тақво ҳамда ибодатларидан наф топади [Навоий, 2005:348].

*Whoever does not consider what he has done and is not arrogant, even counting his prayers as nothing, this person will enter the street of happiness, and his acts of righteousness and supplications will find use* [Navai, 2003:105].

Аслиятда қўлланилган **бахт-саодат** кўчасига киради метафорали стилистик воситаси чуқур фалсафий маънога эга. Яъни мағрурланмайдиган, камтарин ва итоаткор инсон ўз эзгу амаллари билан саодатга эришиши таъкидланиб, кўча лексемаси орқали метафорик ҳолат намоён бўлмоқда. Зеро, ўзбек миллати тафаккурида кўча сўзи аксарият ҳолатларда салбий ассоциацияга эга. Изоҳли луғатларда келтирилишича, кўчасига кирмоқ – бу бирор нарса қилиш пайига тушмоқ, уринмоқ маъноларига эга. “Кўча” сўзининг салбий ассоциацияга эга эканлиги куйидаги мисолларда ҳам кўринади: *аблаҳ Тиллабойга энди ишонч қолмади. Чамамда феъли айнаб, хиёнат кўчасига кирганга ўхшайди*. П.Турсун, Ўқитувчи. *Кўча боласи – умумий таълим-тарбиядан четда қолган бола: Ўтир бу ёққа! Хўш сен нима учун кўча болаларига ўхшаб аҳлоқсизлик қиласан!* А.Қаҳҳор, Айб кимда? *Боши берк кўча – йўл, илож топиш қийин, мушкул аҳвол: Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди*. А.Қодирий. Ўтган кунлар [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981:423].

Бироқ ушбу контекстда **бахт-саодат** кўчасига кирмоқ – эзгу амаллар натижасида бахтга эришмоқ, юксак толени қўлга киритмоқ тушунчалари билан ижобий маънода қўлланган. Демак, бу ерда муаллифнинг индивидуал услуби орқали кўча лексемаси **бахт** лингвокультуремасига уйғунлаштирилган.

**Бахт-саодат** жуфт сўзининг қўлланиши ҳам ўз навбатида, бадий-тасвирийлик ва услубий бўёқдорликка хизмат қилган. Инглиз тилига таржимасида ҳам *enter the street*

*of happiness* шаклда калька усули билан талқин этилиши, аслиятдаги маъно ва услубий вазифа жиҳатидан ҳамоҳанглигини таъминламоқда.

Тадқиқотимизда *бахт* лингвокультуремасини ифодаловчи шундай контекстларни учратдикки, уларда стилистик воситалар конвергенцияси намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида Шукур Қурбоннинг “Ҳаётда мўъжиза бўлади гоҳо...” шеърідан парча келтирсак: (Б.Холбекова таржимаси):

*Ҳаётда мўъжиза бўлади гоҳо,*

*Гадолик шоҳликка дўнади гоҳо.*

*Хазонлар доим ҳам оёққа тушмас,*

*Бахт қушидек бошга қўнади гоҳо.*

*Sometimes miracle appears in life,*

*Poverty turns into wealth, I heard.*

*Leaves not always fall on the feet,*

*They sit on a head like a bluebird* [Холбекова, 2011:58].

Шеърда инсон ҳаёти тасвирланган. Унда кутилмаган ҳодисалар юз бериши, яъни бойлик ҳар доим ҳам гадоликдан устун бўлавермаслиги, ҳаёт мушкулотларида яшаган инсон вақти келиб роҳат-фароғатга эришиши мажозий маънода, ҳатто, оёқ остидаги хазонлар пайти келиб бахт қушига айланиб қолиши мумкинлиги бадий-эстетик воситалар ёрдамида *Хазонлар доим ҳам оёққа тушмас, Бахт қушидек бошга қўнади гоҳо* тарзида ифода этилган. Ушбу мисрада бир вақтнинг ўзида ҳам метафора – *бахт қуши*, ҳам ўхшатиш – *хазонлар бахт қушидек қўнади* ишлатилган. Зеро, образли стилистик тропларнинг бундай кетма-кетликда қўлланилиши бадий контекстнинг ҳиссий-таъсирчанлигини таъминламоқда. Ўзбек халқи тафаккурида *бахт қуши*, *бахти ҳумоюн* каби мифологик образлар мавжуд. Бахт қуш бўлганлиги учун бир ерда муқим турмаслиги, ногаҳон бошга қўнганда уни ушлаб қолиш (омад келганда ундан унумли фойдалана билиш) кераклиги ўзбек миллатининг концептуал олам тасвиридан ўрин олган. *Бахт қуши бошга қўнди* – бахти, омади келди: *...бошимизга қўнган бу бахти ҳумоюнни учуриб юбормаслик*

учун ҳали анча ҳаракат қилишимиз керак. К.Яшин, Ҳамза [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006].

Ўзбек тилига таржимон *бахт қушининг* ўрнида инглиз тилида *bluebird* лексемасидан фойдаланиб, *Leaves not always fall on the feet, They sit on a head like a bluebird* кўринишда калька йўли билан таржима қилинган. Яъни, сўзма-сўз *Ҳазонлар доим ҳам оёққа тушмас, Улар кўк қушдек бошга қўнади* деган маъно келиб чиқади. Таржима тилида метафора тушириб қолдирилган бўлиб, фақатгина ўхшатиш тропи сақланиб қолган. Айни пайтда, *бахт қушининг* ўрнида *bluebird* (Шимолий Америкада яшовчи кичик кўк қушча)нинг ишлатилиши ўзбек тилидаги шакли билан уйғунлик ҳосил қилмоқда. Чунки, *bluebird* – Америка ва Европа халқлари тасавуридаги қувноқлик, бахтиёрлик, тинчлик ҳамда янгилиниш рамзини англатувчи мифологик образдир. Демак, ушбу мисолда *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг инглиз ва ўзбек халқлари тафаккур йўналишида “бахт” тушунчасига нисбатан мутаносибликни кўриш мумкин.

Фарида Афрўзнинг “Тасбех” номли учликларидан олинган навбатдаги мисолда ҳам ўзбек халқининг лингвомаданиятшунослигида *бахт* лингвокультуремасига нисбатан миллий-маданий қирралари метафора орқали ўзбек халқининг концептуал олам тасвирида *бахт* лингвокультуремасининг ўзига хос жиҳатлари намоён этилган:

*Олтмиш ёшга тўлди бу аёл,  
Ҳамон гўзал, ҳамон хурлиқо,  
Қулогини тишлаб қўйган бахт.  
This woman turned sixty,  
Still beautiful, still amazing,  
Happiness married to her* [Фарида Афрўз, 2007:183].

Учликда ўзбек аёлининг тимсоли акс этирилган бўлиб, унинг ёши улғайса-да, ҳамон чиройи, латофатини йўқотмаганлиги тасвирланмоқда. Аёлнинг бундай гўзал кўринишига бахт сабаб қилиб олинган ва *Қулогини тишлаб қўйган бахт* шаклида метафора орқали талқин этилган. Ўзбек тилидаги

“қулогини тишлаб қўймоқ” тушунчаси фақатгина ўзбек халқи учун хос бўлиб, азал-азалда икки оила ота-оналари томонидан келишилган ҳолда, фарзандлари вояга етганда турмуш қуришлари режалаштирилса, қизни банд қилиб қўйиш мақсадида рамзий маънода ўғил болага қиз боланинг қулоғи тишлатиб қўйилган. Шунга биноан, ушбу мисрадаги *Қулогини тишлаб қўйган бахт* метафораси орқали ҳам бахтнинг аёлга ажралмас йўлдош эканлиги гавдалантирилмоқда. Бироқ, мазкур стилистик восита инглиз тилига сўзма-сўз *happiness bit her ears* шаклида ўгирилса, тушунарсиз, ғализ таржима юзага келиб, зарурий мазмун яратилмай қолган бўларди. Таржимон эса, мазкур образли стилистик воситанинг маъносидан келиб чиқиб, *Happiness married (бахтга турмушга чиқди ёки бахт унга уйланди)* тарзида талқин этган ва стилистик воситани тушириб қолдирган. Натижада, ўзаро бадий стилистик жиҳатдан мос, аслият миллий бўёғини жонлантирувчи адекват таржима ҳосил бўлган.

Шунингдек, образли стилистик троплардан эпитетни ҳам учратдик. Эпитет – сифатлашнинг бир тури. Аммо у доимий сифатлашдан ўзининг экспрессивлиги, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Эпитетнинг оддий аниқловчидан фарқи шундаки, у айтилган тасвирланаётган нарсанинг сўзловчи нуктаи назарида муҳим ҳисобланган томонини таъкидлаб, бўрттириб кўрсатади [Шомаксудов, 1983:239]. Масалан, В.Коллинзнинг “The Woman in White” романидан бир лавҳани олсак:

*She, too had her best to make our last evening renew the golden bygone time the time that could never come again* [Collins].

*У сўнги оқшомимизда ўзини, иложли борича, илгаридасидек осуда, хотиржам тутар, энди ҳеч вақт қайтиб келмайдиган қувончли онларимиздагидек ўтказишга уринарди* [Коллинз, 2010:118].

Ушбу матнда асар персонажи Валтер Хартрайтнинг мисс Фэрли билан учрашувидаги ҳолат тасвирланган бўлиб, унда мисс Фэрлининг ўзини Валтер билан ўтказган бахтиёр



онларидагидек ҳис қилиши образли стилистик воситалардан эпитет орқали *the golden time* (олтин вақт) тарзида талқин этилган. Ўша унутилмас саодатли кунлар олтинга тенглаштирилиб, *вақтни олтин* билан тенглаштирилмоқда. Таржимада эса, стилистик восита ишлатилмай *қувончли онларимиздагидек* деб талқин этилган. Ваҳоланки, ўзбек тилида ҳам вақт олтин билан қиёсланади – *Ёш чоғим – олтин чоғим* (Мақол). *Амунинг бўйида кезардим танҳо. Шу олтин дамларни сезардим танҳо.* Ғайратий [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 981:534]. Шунингдек, ўзбек тилида *талабалик – олтин даврим* деган ибора кенг тарқалган. Демак, икки тил соҳибларининг тафаккурида вақтнинг – олтинга тенг эканлиги намоён бўлар экан, бизнингча, таржимон ушбу жумлани *У сўнги оқшомимизда ўзини, иложи борича, илгаридегидек осуда, хотиржам тутар, энди ҳеч вақт қайтиб келмайдиган олтин дамларимиздагидек ўтказишга уринарди* шаклида эквивалент йўли билан ўгирса, аслиятдаги мазмун ва услубга монанд, образлилик ҳамда ҳиссий-таъсирчанлик ифодасини яратувчи адекват таржима юзага келган бўлар эди.

Яна мазкур романдаги навбатдаги парчада худди шу каби ҳолат намоён бўлган:

*I looked over the wide monotony of the seaside prospect and the place in which we two had idled away the sunny hours was as lost to me as if I had never known it, as strange to me as if I stood already on a foreign shore* [Collins].

*Мен бепоён денгиз сатҳининг бир хил қиёфасига ва қувончли дамларимиз биргаликда ўтган соҳилга назар ташлар эканман улар менга бутунлай бегона туюлар – гўё уларни кўрмагандек эдим, нотаниш соҳилда тургандек ажабланилар эдим* [Коллинз, 2011:115].

Бу ерда бахтли онлар *sunny hours* (қуёшли онлар) эпитети билан ифода этилган. Инглиз тилидаги изоҳли луғатларда қайд этилишича, *sunny* лексемаси маъноси *қуёшли*, ёруздан ташқари, кўчма маънода *бахтли*, *дўстона* маъноларида ҳам қўлланилар экан: *happy and friendly: a sunny smile* [Longman Dictionary of

Contemporary English, 2009:1770]. Лавҳада, айна пайтда, инглизлар олам тасвиридан келиб чиққан ҳолда саодатли дамлар кўчма маънода *sunny hours* тарзида бўрттириб акс эттирилмоқда. Ўзбек тилига таржимада эса *қувончли дамларимиз* деб ўгирилган ва стилистик восита ишлатилмаган. Гарчи ўзбек тилида ҳам бахтли-саодатли дамлар ёруғлик билан ассоциативликка эга: *ёруғ кун – бахтли кун. Сен ҳам келадиган ёруғ кунлар бор экан, айланай болам!* М.Исмоилий, Фарғона т.о. [Ўзбек тили изоҳли луғати, 1981: 262]. Фарқли жиҳати шундаки, инглиз тилида *hours* (соат), ўзбек тилида *кун* лексемалари билан ифодаланмоқда. Бундан кўриниб турибдики, *happiness/бахт* лингвокультуремалари инглиз тилида *sunny hours* ва ўзбек тилида *ёруғ кун* стилистик воститаларидан эпитет орқали намоён бўлар экан. Шунга кўра, бизнингча, ўзбек тилига *Мен бепоеъ денгиз сатҳининг бир хил қиёфасига ва ёруғ кунларимиз биргаликда ўтган соҳилга назар ташлар эканман улар менга бутунлай бегона туюлар – гўё уларни кўрмагандек эдим, нотаниши соҳилда тургандек ажабланар эдим* шаклида муқобил усул билан ўгирилса, аслият тилига мос ва вазифавий уйғунликни вужудга келтирувчи таржима ҳосил бўлар эди.

*Happiness/бахт* лингвокультуремаларини ифодалашда стилистик воститалардан ўхшатиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўхшатиш – икки нарса ёки воқеа ҳодиса ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброк кўрсатиб беришдир [Шомақсудов, 1983:236]. Масалан, Р.Стивенсоннинг “The bottle Imp” (“Шайтоний шиша”) ҳикоясидан олинган лавҳада асар персонажи Кокуанинг севгилиси Кеавени лаънатланган шайтоний шишадан халос қилиш йўлини ўйлаб топгандаги чексиз бахтиёрлиги куйидагича ифода этилган:

*All the time of her preparation she was as gay as a bird* [Stevenson].

Кокуа йўлга отланар экан, ҳамиша қушдек шод-хандон эди,  
[Стивенсон, 2010:20]

Аслиятда қўлланилган *she was as gay as a bird* ўхшатиш стилистик воситаси орқали персонажнинг муайян воқеа-ҳодисага нисбатан ижобий ҳаяжонли ҳолати – беҳад хурсандчилиги қушнинг хушчақчақлигига қиёсланмоқда. Ўзбек тилига таржимада ҳам бадий образлиликни сақлаб қолиш ва ҳиссий-таъсирчанликни ифода этиш мақсадида калька усулидан фойдаланиб, *қушдек шод-хандон эди* шаклида амалга оширилиб, стилистик воситанинг ўхшатиш тропи сақлаб қолинган. Шунингдек, ўзбекча вариантда *gay* лексемасининг *шод-хандон* жуфт сифати билан берилиши ҳам маълум даражада эмоционал экспрессивликни кучайтириб, персонаж кайфияти ва руҳий ҳолатининг кўтаринкилигини акс эттирмоқда.

Шунингдек, тадқиқотимизда *happiness/бахт* лингво-культуремалари бадий асарлар таржимасида стилистик воситалардан муболаға ёрдамида талқин этилганлигини ҳам қузатдик:

В.Шекспир “Romeo and Juliet”

*Romeo: Ah me! How sweet is love it self possess'd,*

*When but love's shadows are so rich in joy!* [Shakespeare, 1972:172]

*Ромео: Қандай ширин экан севги; ҳатто сояси, –*

*Шарпаси ҳам шундай буюк бахт олиб келар!* [Шекспир, 1981:159].

Бу ерда севги дардига мубтало бўлган Ромеонинг муҳаббат оғушида кўрган туши тасвирланган бўлиб, унинг рўёга айланишини истаган Ромео нутқида севгининг олий туйғулиги таъкидланиб, ҳатто унинг шарпасида ҳам бахтни ҳис қилиш мумкинлиги *When but love's shadows are so rich in joy!* тарзда троплардан муболаға орқали талқин этилган. Муболаға – гипербола грекча “hyperbola” сўзидан олинган бўлиб, бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъносини билдиради [Шомақсудов, 1983:244]. Мазкур парчадаги ҳолатнинг сўзма-сўз таржимаси – *Севгининг соялари бахтга бой* шаклига тўғри

келади. Яъни, муболаға орқали персонаж нутқидаги ички ҳолат ифода этилиб, кўчма маънодаги севгининг сояси, шарпаси улкан бахтга тенглаштирилмоқда. Таржимада ҳам ушбу образли стилистик восита сақланиб, *Шарпаси ҳам шундай буюк бахт олиб келар!* тарзида алмаштириш (замена) орқали ўгирилган. Бинобарин, инглиз тилидаги *joy* лексемаси *happiness* лингвокультуремасининг периферияларидан саналар экан, унинг луғатларда ҳам *great happiness and pleasure* (буюк бахт ва мамнунлик) [Longman Dictionary of Contemporary English, 2009:946] каби маънолари мавжудлиги қайд этилган. Натижада, аслият тилидаги образлилик ва ҳиссий-таъсирчанлик қайта яратилган.

Концептлар кишилар онгида муайян ҳолатлар билан узвий боғлиқ бўлади. Шунга кўра *happiness/бахт* лингвокультуремалари ҳам маълум бир вазиятларда мамнунлик, севинч, беармонлик каби ҳолатларни ифодаловчи перифериялари орқали намоён бўлади. Ушбу кўриниш таржимада стилистик воситалардан оксиморонлар билан ифодаланadi. Оксиморонларга И.В.Арнольднинг «Стилистика современного английского языка» номли китобида қуйидагича таъриф берилган: «Оксиморон – бу тасвирланаётган ҳолатни икки қарама-қарши маъноли сўзлар бирикмаси орқали кучайтириб ифодаловчи тропидир» [Арнольд, 1990:95]. Масалан, Э.Хамингуэйнинг “Алвидо қурол” асаридан:

*They'll be awfully glad to see you* [Hemingway, 1971:86].

— *Борсангиз ҳамма жуда хурсанд бўлади* [Хэмингуэй, 1973:126].

Мазкур парчада асар персонажи миссис Мейерснинг госпиталга зиёрати у ердагиларни беҳад хурсанд қилиши – *awfully glad* оксиморон тропи орқали ифодаланган. Яъни, ғоят шод маъносини ифодалаш учун *awful* (дахшатли) лексемасидан фойдаланилган. Изохли луғатлардаги тавсифда *awful* сўзининг қуйидаги маънолари келтирилган: 1. Very bad or unpleasant; terrible (жуда ёмон ёки ёқимсиз; дахшатли): *The pain was awful* (огриқ дахшатли эди). 2. (used to add force) very great (кучли

маъно ифодалашда – жуда катта, кўп): *I've got an awful lot of work to do* (Менинг бажарадиган ишларим жуда кўн) [Longman Dictionary of English Language and Culture, 2005:77]. Демак, таҳлил этилаётган мисолимизда *awfully* лексемаси ўзининг иккинчи маъноси билан *glad* (хурсанд) сўзига бирикиб, бир-бири билан қарама қарши маънода ҳаддан зиёд севинчни акс эттириб келган. Таржимада эса стилистик восита ишлатилмай, *жуда хурсанд* шаклида талқин этилган.

Эркин Самандар “Хоразм фарзандиман”:

*Гоҳ булут остида қолди, гоҳо қулди юлдузи.*

*Қирди бу юртни неча ёв, босди Жўжси, Чингизи,*

*Сув бўлиб қон оққанини сўйласин Жайхун ўзи,*

*Сўйласам мен шу жабрдийда Ватан фарзандиман.*

*Sometimes it's under the clouds and sometimes was happy,*

*Juli, the son of Chingiz ruined this land and did it unhappy,*

*Let Jayhun speak about ran like water so sappy,*

*I'm the son of this suffered land, I'm the son Khorezm* [Эркин

Самандар].

Шоир ушбу шеърда Хоразмни мадҳ этиб, кўп асрлик тарихга эга бу кўҳна шаҳар шаънига илиқ сўзлар бағишлаган. Хоразм бошидан оғир кунлар ўтгани, унга душман кўз олайтиргани ва буларнинг барчасига бардош бериб, саодатли кунларга етишгани зўр маҳорат билан метафора орқали *Гоҳ булут остида қолди, гоҳо қулди юлдузи* деб талқин этилган. Бу ерда *юлдуз* сўзи бахт ўрнида қўлланилиб, у билан ассоциативлик касб этмоқда. Таржимада эса, мазкур ҳолат тасвирий усул билан *was happy* деб ўгирилганлиги аслият мазмунини ёритиб берган.

Шундай қилиб, тадқиқотимизнинг мазкур қисмида *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг бадиий таржимада стилистик воситалар орқали ифодаланишига бағишланган экан, унда биз икки тилда ҳам метафора, эпитет, ўхшатиш, муболаға, оксиморон каби стилистик троплар *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг миллий-маданий хусусиятларини намоён этувчи воситалар эканлигини тадқиқ этдик. Стилистик

воситалар лингвокультуремаларнинг ифодаланиши учун муҳим омиллардан бўлиб, уларда умуминсоний ва маданий элементлар акс этади.

Стилистик воситаларни таржима қилиш таржимон учун муайян қийинчилик туғдиради. Таржимада аслиятдаги образли стилистик воситалар маъносини китобхонга етказишда чинакам ифодавий мосликка эришиш учун таржимада стилистик воситалар сақлаб қолинган, алмаштирилган ва сақлаб қолинмаган ҳолатларни учратдик.

Шунингдек, ҳар доим ҳам мазкур усуллар стилистик воситаларнинг ҳиссий-таъсирчанлик ва мажозий маъноларини тўлиқ ёрита олмаслигини кузатдик. Таҳлиллар натижасида стилистик воситалар инглиз ва ўзбек халқи тафаккуридаги *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг миллий колоритини акс эттириб келиши аниқланди.

### **3.3. Таржимада олам лисоний тасвирининг акс эттирилиши**

Тилшунослик бўйича тадқиқотларда янгича усулларнинг татбиқ этилиши натижасида тамоман янги йўналишлар, ўзга кўринишдаги назариялар пайдо бўла бошлади. Ана шундай назариялардан бири лисоний фаолият ва тафаккур ўртасидаги боғлиқлик туфайли юзага келадиган оламнинг лисоний тасвири (языковая картина мира)дир.

Оламнинг лисоний тасвирини (ОЛТ) ўрганишга бўлган қизиқиш бир қатор олимларнинг ишларида намоён бўлади (Л.Вайсгербер, В.Гумбольдт, Г.А.Брутян, С.А.Васильев, Г.В.Колшанский, М.Хайдеггер, Н.И.Сукаланко, М.Блэк, Д.Хаймс ва б.). Ҳар бир тил алоҳида олам тасвирига эга бўлиб, тил эгаларининг унга бўлган муносабатини тафаккур этган ҳолда уни тилда намоён этилишини оламнинг лисоний тасвири деб таърифлаш мумкин.

“Оламнинг лисоний тасвири” (ОЛТ) термини тилшуносликка XX асрда кириб келган. Шу кунгача олам тасвири ҳақидаги олимларнинг (М.Планк, Г.Герц, В.Гумбольдт,



А.Энштейн, Ф.Боас, Б.Уорф, Э.Сепир, ва б.) изланишлари мифология ва фалсафа йўналишлари бўйича бўлиб, айнан уларнинг фанга олиб кирган назария ва ғоялари “оламнинг лисоний тасвири” тушунчасининг пайдо бўлишига асос бўла олади. Ташқи дунёнинг онгдаги инъикоси пайдо бўлишида тил асосий роль ўйнашига алоҳида урғу берган олимлар таъкидлашича, лисоний структура (қурилма) инсоннинг воқеликни идрок этиш қобилиятини ва тажрибасининг шаклланишини таъминлаб, ижтимоий онга таъсир ўтказди ҳамда шу йўсинда инсоннинг дунёқараши, воқеликни англаш қобилиятини шакллантиради [Сафаров, 2006:13].

Шунингдек, лисоний олам тасвири билан олам тасвирини ўзаро уйғунликда кўриш мумкин. Бу хусусда олимларнинг бир қанча қарашлари мавжуд. «Олам тасвири (шу жумладан, лисоний ҳам) инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш натижасида намоён бўлади. Агар дунё – бу инсон ва атроф муҳитнинг ўзаро таъсири бўлса, у ҳолда олам тасвири – атроф муҳит ва инсон ҳақидаги ахборотларнинг онгда қайта ишланганлик натижасидир» [Цивьян,1990]. Шу хусусида В.А.Маслованинг таърифи қуйидагича: «ОЛТ – бу инсоннинг дунёга бўлган муносабатини шакллантириб, у атрофимизни қуршаб турган оламдаги ахлоқий меъёрларни белгилаш билан бирга, воқеликка бўлган қарашларини аниқлайди. Ҳар бир табиий тил дунёни англашнинг муайян усулларини ифодалайди» [Маслова, 2001:65].

ОЛТнинг ўзига хослиги унда якка ҳолдаги (индивидуал), оммавий ва миллий фаолият ҳамда тажрибаларнинг ифода топиши билан белгиланади. Чунки у объектив оламдаги субъектив образликдан иборатдир. Д.У.Ашурова оламнинг лисоний тасвири билан миллий лисоний олам тасвирини ўзаро қуйидагича фарқлайди: «...оламнинг лисоний тасвирида умуминсоний тарихий тажриба мужассамлашган бўлса, миллий лисоний олам тасвирида эса, муайян жамият тажрибаси акс этиши билан бир қаторда, мазкур халқнинг миллий-маданий

Ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлади» [Ашурова 2011:9].

Тилшунос олимларнинг таъкидлашларича, тилнинг ўзига хос хусусиятлари халқнинг қарашлари ва урф-одатларида ифодасини топар экан. Шу ўринда бу фикрни Сепир-Уорф фаразларида янада кенгроқ тавсифланишини кўрамиз: «Турли хил тилда сўзлашувчи ва турли маданиятга мансуб кишилар дунёни турлича тасаввур этадилар» [Сепир-Уорф, 1993].

Биобарин, Р.М.Фрумкина мазкур ғояга қуйидагича ёндашади: «Айнан бир хил сўзга нисбатан ҳар хил инсонлар онгида турлича ментал тушунчалар пайдо бўлади. Шунингдек, нафақат турли тиллар воқеликни турлича концептуализация қилади, балки мазкур тилдаги айнан бир хил сўз ҳам, ушбу тил эгаларининг тафаккурида турлича концептларни акс эттириши мумкин» [Фрумкина,1995:104]. Оламнинг лисоний тасвири концептуал дунё манзарасини тил воситалари орқали ифодалаб келар экан, бу борада М.В.Пименовнинг фикри қуйидагича: «Оламнинг лисоний тасвири – бу олам ҳақидаги билимлар йиғиндисининг тилда акс этиши билан бирга, янгидан – янги билимларнинг пайдо бўлишига туртки бўлувчи омилдир» [Пименова, 2004:68]. Муайян бир тилнинг олам тасвири ўша халқ психологиясининг бевосита инъикоси бўлиши билан бирга, айрим ҳолатларда миллатнинг мифология, фольклор, маданиятида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирга қадар оламнинг лисоний тасвирини ўрганишнинг бир неча йўналишлари мавжуд. Улар Е.С.Яковлеванинг нуқтаи назарича қуйидагилардан иборат: 1) тилларни типологик жиҳатдан ўрганиш; (типологичесие исследования славянская картина мира, балканская картина мира) 2) оламнинг лисоний тасвирини халқнинг маънавий-маданияти жиҳатидан келиб чиқиб ўрганиш (изучение ЯКМ в аспекте реконструкции духовной культуры народа) 3) тилнинг ўзига хос хусусиятларига таяниб (лексика, сўз ясалиши, метафора ва б.) ўрганиш [Яковлева, 1994:126].

Ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда Д.У.Ашурова ҳам қуйидаги фикрни илгари суради: «Оламнинг лисоний тасвири дунё ҳақидаги билимлар жами сифатида лексика, фразеология, сўз ясалиши, грамматика каби тил бирликларида акс этади» [Ашурова, 2011:9]. Дунёни концептуал томондан ўрганиш – бу тилга хос бўлиб, қисман умумбашарий ва қисман миллийликни ўзида мужассамлаштиради.

Ю.С.Степанов эътироф этганидек, концептлар – маданият мажмуини ташкил этади. Халқ тилида ифодаланувчи концептларни ўрганиш халқнинг лисоний олам тасвирини тасаввур этишни таъминлайди. Кўпчилик тадқиқотчи олимлар (Г.А.Брутян, Ю.Н.Караулов, Г.В.Колшанский ва б.) ўз қарашларида концептуал ва оламнинг лисоний тасвирининг фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтган. Б.А.Серебренниковнинг эътироф этишича, «Оламнинг лисоний тасвирининг асосий элементларидан бири – семантик майдон бўлса, концептуал олам модели эса онгдаги билимлар инъикосидан ташкил топар экан. Бинобарин, оламнинг концептуал модели — тушунчалардан иборат ахборотларнинг онгда акс этиши бўлса, оламнинг лисоний тасвири асосида эса, муайян тил семантик категориялари, сўз ва сўз бирикмаларидан ҳосил бўлган семантик майдон ва мазкур майдон чегараларида турли структуравий билимлар ётади» [Серебренников, 1988:139]. Концептлар тилнинг барча воситаларида, жумладан, фразеологик бирликлар (мақол, матал, афоризм ва б.), стилистик воситалар (метафора, метонимия, муболага кабилар)да акс этади. Уларнинг бадиий таржимада учраши, айнан шу воситалар орқали асардаги оламнинг лисоний тасвирни ўрганиш таржима жараёнида ҳам муайян қийинчилик туғдиради. Таржима тилида аслиятда қўлланган барча миллий хусусиятга эга лисоний воситаларнинг мазмуний-вазифавий хусусиятларини адекват қайта яратиш китобхонга асарнинг миллий ўзига хослигини, персонажлар хулқ-атвори, ҳаёти асарда тасвирланган халқ миллий руҳияти ва, ниҳоят, тилининг

Ўзига хослигини ҳис этиш имкониятини беради. Таржиманинг асосий вазифаси ўзга тил воситалари ёрдамида аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини қайта яратишдан иборат экан, бундай масъулият таржимондан бадий асарнинг миллий хусусиятини тўла талқин этишни талаб қилади [Мусаев, 2005:238].

Ҳар қандай бадий асар умумхалқ маданияти мулки бўлиши билан бир қаторда, миллатлараро маданий, этнографик, диний белгиларнинг бир миллатдан иккинчи миллатга ўзлаштирилишида энг муҳим восита ҳамдир. Демак, ҳар бир халқ ва миллатнинг маданий савияси унинг тилида намоён бўлади. Тилда ифодаланувчи маданият, асосан, концептларда намоён бўлишига оид Д.У.Ашурованинг фикри қуйидагича: “Художественный текст эксплицирует концептуальную картину мира человека, которая посредством языковых средств входит в язык, привнося в него черты человека и его культуры”. Яъни, бадий матн инсоннинг концептуал олам тасвирини изоҳлаб, унинг ўзига хос жиҳатлари ва маданиятини акс эттирган ҳолда тил бирликлари ёрдамида тилга кириб келади.

Тадқиқотимизда матнда олам лисоний тасвирининг тил воситалари орқали намоён бўлиши ва уларнинг таржимада қандай талқин қилинишини кузатиш мақсадида мисол тариқасида машҳур америкалик ёзувчи Теодор Драйзернинг “Sister Carrie” (Бахти қаро Керри) асарига мурожаат этамиз.

Асар мазмуни, асосан, “*бахт*” тушунчасига қаратилган бўлиб, унда давр руҳи ва ижтимоий ҳолатлар тасвирланган. Ушбу асар ўзбек тилига таржимон Э.Носиров томонидан маҳорат билан таржима қилинган. Таржима жараёни воситачи тил (рус тили) орқали амалга оширилган бўлса-да, асарнинг бадий образлилиги ва ҳиссий таъсирчанлигини таъминловчи тасвирий воситалардан моҳирона фойдаланилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, асарда *happiness/baxt* лингвокультуремалари муҳим роль ўйнайди. Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатдики, романнинг аслиятида *happiness* (бахт) сўзи 10 марта, *happy* сўзи ҳам 10 марта учрайди. Рус

тилида *счастье* сўзи 27 марта, *счастлива* сўзи эса 33 марта ишлатилган. Шунингдек, ўзбек тилидаги таржимасида *бахт* сўзидан 59 марта, *бахтиёр* сўзидан эса 20 марта фойдаланилганини кўришимиз мумкин. Бахт сўзи рус ва ўзбек тилларида аслиятдагидан 4 барабар кўп ишлатилганлиги, *бахт* лингвокультуремасининг ўрни кучайтирилганлигидан далолат беради. Бунинг сабабини аниқлаш учун мисолларга мурожаат қиламиз. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, аслиятда *happiness* лингвокультуремасини бир қанча перифериялари: *blissful, pleasure, felicity, luck, fortunate* каби лексемалар ифодалаб келади. Ўзбек тилидаги вариантыда эса, *бахт* лингвокультуремасининг периферияларидан – *омад, саодат, фароғат, қувонч, роҳат, шод-хуррам* сингари лексемаларни ҳам учратишимиз мумкин, аммо кўп ҳолларда булар *бахт* лексемаси билан таржима қилинган.

Масалан,

*A half-equipped little knight she was venturing to reconnoiter the mysterious city and dreaming wild dreams of some vague far-off supremacy, which should make it prey and subject the proper penitent, groveling at a woman's slipper [Dreiser, 1968:23].*

Русча матн:

*Сестра Керри была плохо вооруженным маленьким рыцарем, который отважно ринулся на огромный, загадочный город, чтобы попытать счастья, лелея безумную мечту о неясной, далекой победе, когда этот город-добыча и раб завоевателя – будет лежать распростертый под женской туфелькой [Драйзер, 1982:7].*

Ўзбекча матн:

*Жаъжжи Керри бамисоли сирли шаҳарга бахт излаб чиққан, яхшилаб қуролланмаган ва фотиҳга ўлжа бўлган бу шаҳар оёғим остида ётибди ҳисоб, деб эришилмаган галабаларнинг мубҳам орзусида юрган кичкинагина рицарь эди [Драйзер, 1973:4].*

Мазкур парчанинг аслиятида *happy, happiness* лексемалари ишлатилмаган, аммо таржимада *попытать счастья, бахт*

**излаб чиққан** фразеологик иборалари билан таржима қилинган. Бу ерда таржимонлар қўшиш, аниқлаштириш усулидан фойдаланганлар. Таржимонларнинг муаллиф Керрини рицарга ўхшатишидан келиб чиқиб, бундай фразеологик иборани қўллаганликлари эҳтимолдан холи эмас. Аммо ушбу ҳолатда, назаримизда, *бахт* сўзини қўшиш ортиқча. Аслиятда Керрининг шаҳарни забт этишига ишончи комиллиги ифодаланган бўлса (*which should make it prey*), рус ва ўзбек тилларида қайсидир маънода ишончсизлик, таваккалчилик руҳияти акс эттирилган (*попытать счастья, бахт излаб чиққан*). Шунинг назарда тутиб, мазкур ҳолатда *бахт* лексемасидан таржимада кераксиз фойдаланилган, деб ҳисоблаймиз.

Навбатдаги парча аслиятида ҳам *бахт* лексемаси ишлатилмаган (*I would try*) бўлса-да, инглиз тилида мазкур ибора “бахт” тушунчасига нисбатан қўлланилади. Шунга кўра рус ва ўзбек тилларида контекст маъносидан келиб чиққан ҳолда таржимонлар *попытал бы счастья, бахтимни синаб кўрардим* деган фразеологик бирликларни жуда ўринли қўллаганлар. Бу ерда ҳатто аслиятга нисбатан мазмун чуқурроқ баён этилган:

*“Well, if I were you,” he said, looking at her rather genially, “I would try the department stores. They often need young women as clerks” [Dreiser, 1968:43].*

Русча матн:

*На вашем месте я раньше всего попытал бы счастья в универсальных магазинах. Там часто требуются такие барышни, как вы, - добавил он, дружески глядя на нее [Драйзер, 1982:25].*

Ўзбекча матн:

*Сизнинг ўринингизда бўлганимда мен аввало бахтимни универсал магазинда синаб кўрардим. У ерда сизга ўхшаган оиймқизлар тез-тез керак бўлиб туради, – деб қўшиб қўйди у қизга дўстона нигоҳ ташларкан [Драйзер, 1973:4].*



Кейинги мисолда эса, аслиятда *fortunate* лексемаси ишлатилган, таржимада у *бахт* лексемаси билан таржима қилинган:

*Ah. What was it not to have money! What a thing it was to be able to come in here and dine! Drouet must be fortunate. He rode on trains, dressed in such nice clothes, was so strong, and ate in these fine places [Dreiser, 1968:84].*

Русча матн:

*Ну что за жизнь, когда нет денег! Как хорошо приходится сюда обедать, когда вздумается! Какой счастливеец Друэ! Он много разъезжает, хорошо одевается, он такой сильный, он может всегда обедать в таких чудесных ресторанах! [Драйзер, 1982:62]*

Ўзбекча матн:

*“Давлатмандлик шунақа бўлар экан-да!” – ўйларди қиз ичиди. – Бу ерга тамадди қилгани келиш қандай роҳат! Друэнинг бахти жуда келган-да! У кўп сафар қилади, яхши кийинади, қўли узунлигидан мана шундай зўр ресторанларда овқатланади! [Драйзер, 1973:57].*

Юқоридаги парчада Керри учун бахт – пул, бойлик, бадавлат ҳаётдан, иборат эканлиги тасвирланган. Аслиятда *be fortunate* – омадли, толеи баланд маъноларига эга сўз қўлланган. Рус ва ўзбек вариантларида эса, *счастливеец* ва *бахти жуда келган* сўзлари билан ифодаланган. Бизнингча, мазкур ҳолатда матн *омади чопган* ибораси орқали ўғирилса, тўғри бўларди деб ўйлаймиз.

Кейинги мисолда персонажнинг ўзи хоҳлаган чўққиларни забт этиб, шон-шуҳрат соҳибасига айланганлиги тасвирланган:

*The little actress was in fine feather. She was realizing now what it was to be petted. For once she was the admired, the sought-for. The independence of success now made it's first faint showing [Dreiser, 1968:222].*

Русча матн:

Маленькая актриса была бесконечно счастлива. Теперь она понимала, что значит быть обласканной. Ею восхищались, с ней искали знакомства [Драйзер, 1982:186].

Ўзбекча матн:

Кичгинагина актриса бениҳоя бахтиёр эди. У энди севикли бўлиш, меҳр товланиш нима эканлигини тушунарди. Одамлар унга қойил қолишар, дўст тутинишига уринишарди [Драйзер, 1973:175].

Автор бу ерда *fine feather* сўзини қўллаб, дабдабали, ҳашаматли маъноларини чуқур талкин этмоқчи бўлган бўлса, таржимон эса уни оддийгина *счастлива* ёки *бахтиёр* деб таржима қилиб қўяқолган. *Fine feather* сўз бирикмасининг луғатлардаги тавсифига кўра: в отличном состоянии; в полном параде (*прекрасно одетый, -ая*) (аъло даражада бўлмоқ, дабдабали кийинмоқ) маъноларига эга бўлиб [New English-Russian Dictionary, 2003. 283], унда образлиликни англаш мумкин. Масалан, *fine feather* – бойлик, шон-шухрат, юксалиш кабилар. Бу ерда муаллиф томонидан давр руҳидан келиб чиқиб, ўша пайтдаги бой хонимларнинг либосига хос бўлган пар шарф – боа назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инглиз тилида *fine feathers do not make fine birds* – a person who wears fine clothes may not be as good as he looks деган мақол мавжуд бўлиб, у инсон гўзал либос кийгани билан гўзал бўлиб қолмайди деган маъно англашилади. Демак, мазкур лавҳада авторнинг имплицит ғояси илгари сурилмоқда.

Мисоллардан кўриниб турибдики, таржимонлар *счастье, бахт* лексемаларидан керагидан ортиқча фойдаланганлар, бу асарнинг ОЛТининг ҳам бир мунча ўзгаришига олиб келган, деб ўйлаймиз. Буни асарнинг номланиши таржимаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Асар сарлавҳаси “Sister Carrie” деб номланишига қарамай, воқеалар жараёнида асосий қаҳрамон Каролина Мибер (қисқача Керри)га ҳеч ким бир марта ҳам “Sister Carrie” деб мурожаат қилмайди. Асарнинг шундай номланиши ҳақида турли хил

фикрлар мавжуд. Айрим маълумотларга қараганда, мазкур романни Т.Драйзер Эмма исмли опасининг ҳаётидан олинган фактлар асосида ёзган дейилади. Шу ўринда Т.Драйзернинг куйидаги жумлалари мавжуд: “Критики совершенно не поняли, что я пытался выразить. Эта книга взята из жизни”. Муаллиф, асар қахрамони америкалик ёш хоним Каролина Миберни “омаднинг кичик аскари” (“маленький солдат удачи”) деб атайди.

Керрининг ҳаётидаги биринчи омад пилла-пояси – бу Друэнинг ҳимматларини қабул қилиш бўлса, буни Т.Драйзер Керрига ачиниш маъносида шундай изоҳлайди: “За нее отвечал голос нужды”, яъни Керрининг бундай йўл тутишига фақат муҳтожлик сабаб дейди. Муаллифнинг ушбу фикрини таъкидловчи мисолларни ҳам кўришимиз мумкин:

*The poor girl thrilled as she walked away from Drouet. She felt ashamed in part because she had been weak enough to take it, but her need was so dire, she was still glad [Dreiser, 1968:88].*

Русча матн:

*Расставившись с Друэ, бедная девушка в полном смятении чувств продолжала свой путь. Ей было немного стыдно, что она проявила слабость и взяла деньги. Но она так нуждалась, что не радоваться помощи было невозможно [Драйзер, 1982:65].*

Ўзбекча матн:

*Керри Друэ билан хайрлашгандан кейин боши қотганича йўлида кетаверди. У бўшанглик қилиб пулни олганидан жиндай хижил эди. Бироқ муҳтожлик чангалидан бу кўмакдан қувонмай бўлмасди [Драйзер, 1973:60].*

Керри моддий жиҳатдан эришилган омадни бахт деб биларди. Унинг учун ишбилармонлик ва шахсиятпарастлик каби ҳислатлар бегона бўлмай, шу билан бирга, у куйинчак ва мушфиқ қиз эди. Бинобарин, асар номи қандай рамзий маъно англатиши маълум эмас. “Sister Carrie” номида бир қанча ассоциативликни кўришимиз мумкин. Масалан, “Sister” – монах аёл, ҳамшира аёл, шафқат ҳамшираси қабилар. Демак,

Т.Драйзернинг ҳам ушбу асарни айнан “Sister Carrie” деб номлашида ҳам автор модаллигини касб этади, яъни унга қайғуришини кўрсатади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, сарлавҳа асарнинг бир умумлашган кўринишидир. Бу хусусида А.А.Дусабаеванинг фикри эътиборга лойиқ: «...матн сарлавҳаси йиғиқ ҳолда, бутун бир асар мазмунини жамлаш хусусиятига эга» [Дусабаева, 2009:15]. Зеро, романнинг рус тилидаги вариантыда асар номи ўзгаришсиз шундай қолган бўлса-да, Э.Носиров ўзбек тилига “Бахти қаро Керри” деб ўгирган. Фикримизча, буни таржимон асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширган ва асар қаҳрамонини ҳаддан зиёд бадбахт қилиб тасвирлаган. Асарни илк бор қўлга олган китобхон тасавурида ҳам асарга нисбатан салбий фикр уйғониши мумкин. Ҳаётда Керри ёлғиз бўлса-да, қайсидир маънода у бахтиёр, яъни ўзи истаган мавқе, шон-шарафга муваффақ бўлади. Шу ўринда уни бахти қаро деб бўлмайди. Фикримизча, Э.Носиров ҳам асар номини оригинал ҳолатда қолдирганда мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди, масалан, “Сингилгинам Керри”.

Таҳлилларимиз хулосаси шундан иборатки, таржимада *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг аслиятга қараганда ҳаддан зиёд ишлатилиши, унинг синонимик ва антонимик қаторларидан, образлигидан етарли даражада фойдаланмай, матн номланиши таржимасида имплицит маълумотларнинг инобатга олинмаганлиги муаллиф модаллиги ва асардаги оламнинг лисоний тасвирининг таржимада ўзгаришига олиб келган.

## ХУЛОСА

Ушбу монография ишимиз таржима назариясига тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири лингвокультурологик ёндашув нуқтаи назаридан олиб борилди. Бундай ёндашув *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий таржима муаммоларини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлган лингвокультуремаларни таржимада акс эттириш таржима назариясининг долзарб, аммо ҳали ҳам ечимини топмаган муаммолар сирасига киради.

Тилшунос олимларнинг концепт ва лингвокультуремага нисбатан когнитив тилшунослик ҳамда лингвокультурология нуқтаи назардан қарашларида, улардан бири (концепт)нинг ментал тузилма бўлиши билан бирга, ҳар иккиси ҳам маданият билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилади.

Лингвокультурема ҳам концепт каби мураккаб структурани ташкил этиб, у бир томондан, тушунчавий – дефиницион, бошқа томондан эса, коннотатив, образли, қадриятли (ценность), ҳиссий-ассоциатив белгиларни қамраб олади.

Лингвокультуремаларни таржимада акс эттириш муаммолари уларнинг айнан мураккаб структурага эга эканлиги билан ҳамда тилда ифодаланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида ўзига хос миллий-маданий хусусиятларни намоён этиши билан изоҳланади.

Таржимада лингвокультуремаларни адекват ифодалашнинг босқичма босқич методикаси ишлаб чиқилиб, у *happiness/бахт* лингвокультуремалари асосида ёритилди. Унга кўра, дастлаб лингвокультуремаларни аслият ва таржима тили ҳамда маданиятидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятларни аниқлаш бўлса, кейинги босқичларда уларнинг бадий асарларда синоним ва антонимлар ёрдамида ифодаланиши, фразеологик бирликлар, стилистик воситалар ва энг муҳими лисоний олам тасвирини таржимада адекват талқин қилиш муаммолари ўрганилди.

*Happiness/бахт* лингвокультуремалари структурасининг қиёсий таҳлили натижасида мазкур лингвокультуремаларнинг

тушунча, образлилик ва қадрият (ценность)га оидлиги нуктаи назаридан ҳар иккала тил ва маданиятда ўхшаш ва фарқли томонларга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотимиз натижалари кўрсатишича, ўзбек тилидаги фразеологик бирликларда бахтнинг асосан, қиз болага, аёлга қаратилганлиги алоҳида ўрин эгаллайди. *Қиз боланинг бахти очилсин, аёл бахти, оналик бахти* деган тушунчалар аёл стереотипини ифодалаб, *бахт* лингвокультуремасининг гендер хусусиятларини намоён этади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи учун бахт, асосан, *аёл – фарзанд – оила* тимсолларининг умумлашмасида акс этади. Инглиз тилида эса, *happiness* лингвокультуремаси юқоридаги учликда алоҳида тарзда намоён бўлса-да, уларда бахтга индивидуал нуктаи назардан қаралишини кузатдик.

Мазкур лингвокультуремалар лексик-семантик майдонида синонимик ҳамда антонимик қаторларига эга эканлиги, таржимада *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ўзига хос маъно жиҳатларини ёритишда, аслиятдаги мазмун-моҳиятини таржима тилига адекват талқин этишда асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли, лингвокультуремаларнинг бадий асарлар ва улар таржимасида ифодаланишининг синоним ва антонимлари таржималарини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотимизда *happiness/baxt* лингвокультуремаларини ифодаловчи лисоний бирликларнинг ҳар икки тил бадий асарларида учраган мисоллар асосида синоним ва антонимларининг хариталари тузилди. Ушбу хариталар ёрдамида *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг инглиз ва ўзбек тилида ўзига хос маъно қирралари ҳамда бошқа лингво-культуремалар билан ўзаро алоқадорлиги аниқланди.

Таҳлилларимиз инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий асарлар ва улар таржимасида тадқиқ этилаётган лингвокультуремалар ифодаланишида идеографик, стилистик, контекстуал синонимларни аниқлаш имконини берди. Шуни таъкидлаш лозимки, абсолют синонимлар икки тилда ҳам учрамади.

Эътиборлиси шундаки, ўзбек тилидаги бадий асар ва таржималарда *happiness/baxt* лингвокультуремаларини ифодалашда синонимлар жуфт сўзларидан кенг фойдаланилган бўлиб, бу ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади. Аммо бу



таржима йўлидан фойдаланиш баъзида таржиманинг керагидан ортиқ кучайтирилишига олиб келиши мумкин.

*Happiness/baxt* лингвокультуремаларини бадий таржимада ифода этувчи тил бирликларининг антонимик ҳолатларини кузатганимизда, тузилишига кўра луғавий ва грамматик, маъносига кўра эса тўлиқ, ярим ва контекстуал антонимларни учратдик. Бадий асарлар таржимаси таҳлилининг кўрсатишича, икки тилда ҳам *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ифодаланишидаги синоним ва антонимларнинг турфа хиллигига қарамай, таржимонлар улардан камроқ фойдаланганлар. Бу эса, лингвокультуремаларнинг ўзига хос хусусиятларини таржимада тўлақонли очиб беришга тўсқинлик қилади.

Олиб борилган таҳлиллар натижасидан бадий асарлар таржимасида *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг тилнинг барқарор воситаларидан бўлмиш фразеологик бирликлар орқали инглиз ва ўзбек тилларида ифодаланишининг миллий-маданий хусусиятга эга жиҳатлари тадқиқ этилди. Ҳар икки тил бадий таржималаридан келтирилган мисолларни қиёсий ўрганиш улар орасидаги семантик-стилистик мувофиқлик ва фарқли ҳолатларни аниқлашга асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Лингвокультуремаларни таржимада адекват ифодаланишида концептуал ва оламнинг лисоний тасвирини тўғри талқин қилиш таржиманинг глобал вазифаларидандир. Оламнинг лисоний тасвири инсоннинг дунё (атроф-муҳит) ҳақидаги билим ва тасавурларининг тилдаги инъикосидир. Маълумки, муайян бир жамиятнинг маданияти, маънавияти ва тарихи унинг адабиётида намоён бўлади. Тадқиқотимизда ОЛТни ўрганиш мақсадида мисол тариқасида Т.Драйзернинг “Sister Carrie” (“Бахти қаро Керри”) асари таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасидан маълум бўлишича, мазкур асарда лисоний олам тасвирини талқин этишда *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг тутган ўрни алоҳида. Яъни асарда “бахт” тушунчаси марказий, концептуал аҳамият касб этади.

Мазкур асар таржимасининг эътиборга молик томони шундаки, аслиятда муаллиф “happiness” ва “happy” сўзларидан 10 марта фойдаланган. Ҳолбуки, рус тилида “счастье” ва ўзбек тилида “бахт” сўзи аслиятдагидан тўрт баравар кўп фойдаланганлигининг гувоҳи бўлди. Бу эса рус ва ўзбек тилларидаги вариантларда *baxt*

лингвокультуремасининг ўрни янада бўрттирилганлигини изоҳлайди.

Асар номининг ўзбек тилидаги талқини ҳам мунозарали ҳолатни юзага келтиради. Т.Драйзер сарлавҳада асар персонажи Каролина Миберни бахтсиз номга чиқармаса-да, ўзбек таржимони уни “Бахти қаро Керри” деб таржима қилган. Бинобарин, рус таржимони ҳам роман номини аслиятдагидек “Сестра Керри”, деб қолдиришга қарор қилган. Зеро, романнинг рус тилидаги вариантыда асар номи ўзгаришсиз шундай қолган бўлса-да, Э.Носиров ўзбек тилига “Бахти қаро Керри” деб ўгирган. Фикримизча, буни таржимон асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширган ва асар қаҳрамонини ҳаддан зиёд бадбахт қилиб тасвирлаган. Асарни илк бор қўлга олган китобхон тасавурида ҳам асарга нисбатан салбий фикр уйғониши мумкин. Ҳаётда Керри ёлғиз бўлса-да, қайсидир маънода у бахтиёр, яъни ўзи истаган мавқе, шон-шарафга муваффақ бўлади. Бу ўринда уни нақадар бахти қаро деб бўлмайди. Фикримизча, Э.Носиров ҳам асар номини аслий ҳолатида қолдирганда мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз, масалан, “Сингилгинам Керри”.

Демак, лингвокультуремаларни таржимада адекват ифодалашда уларни акс эттирувчи барча лисоний воситаларни ўзаро боғлиқ ҳолда таржима қилиш ва бу жараёнда муаллиф модаллигини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 182б.
2. Абдуазизов А.А. составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – №3. – Б. 5- 6.
3. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 175б.
4. Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси. Филол. фанлари ном... дис. Автореф: – Тошкент, 2007. – 26б.
5. Агзамова Д.Б. «Хотира» концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги умумий ва ўзига хос хусусиятлари. Филол. фанлари ном... дис. Автореф: – Тошкент, 2011. – 25б.
6. Акбарова С.А. Лингвостилистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета (на материале английских художественных текстов): Автореф. дис.... канд.филол.наук. – Ташкент, 2005. – 27с.
7. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1961. – 208 с.
8. Апресян Ю.Д. Избранные труды. – Т. II. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Школа Языки русской культуры, 1995. – С. 348-385.
9. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Просвещение, 1990. – 300с.
10. Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека, 2-е изд. испр. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896с.
11. Аскольдов-Алексеев С.А. Концепт и слово // Русская словесность. – М., 1999. – 468 с.
12. Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка // 2-я межд. науч. конф. Язык и культура. – М., 2003. – С. 76 - 81.
13. Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста // Хорижий филология. – Самарқанд, 2011. -№3. – С. 26-32.
14. Ашурова Д.У. Стилистика и лингвокультурология // Тил ва миллий маданият. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллиги юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, 2004. – С. 204-206.
15. Ашурова Д.У. Художественный текст в контексте национальной культуры // Linguistics-II. – Тошкент, 2011. – С.8-18.

16. Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж, 1996. – 358с.
17. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностранная литература, 1961. – 394с.
18. Балмагамбетова Ж.Т. Проблема передачи культурологических концептов в переводе // Вестник.– КРСУ, 2008. – №3(8). – С.169-174.
19. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, – 1975. – 240с.
20. Боженкова Н.А. Стилистические фигуры и типологические аспекты исследования: Автореф. дис...канд.филол.наук – М., 1998. – 22с.
21. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. – Тамбов: ТГУ, 2002. – 123с.
22. Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. – М.: Наука, 1986. – С.4-12.
23. Брутян Г.А. Языковая картина мира и её роль в познании // Методологические проблемы анализа языка. – Ереван: ЕГУ, 1976. – С.25-32.
24. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
25. Васильев С.А. Философский анализ гипотезы лингвистической относительности. – Киев: Наукова думка, 1974. – 135с.
26. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание Пер. с англ. – М.: Рус. Словари, 1996. – 411 с.
27. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. В поисках новых путей развития лингвострановедения: концепция речеповеденческих тактик. – М.: Прогресс, 1999. – 356 с.
28. Вернигорова В.А. Перевод реалий как объекта межкультурной коммуникации. // Молодой ученый. – М., 2010. – №3(14). – С. 184-186.
29. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии // Труды юбилейной научной сессии Ленингр. Гос. Университета. Секция филологических наук. – Л., 1946. – С. 62-63.
30. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Высшая школа, 1986. – 416 с.
31. Воркачев С.Г. Концепт счастья в русском языковом сознании: опыт лингвокультурологического анализа. – Краснодар: КТУ, 2002. – 142с.
32. Воркачев С.Г. Культурные концепты и перевод: макаризмы в тексте Евангелия // Вестник МГОУ. – 2003 – № 4. – С. 88–93.

33. Воркачев С.Г. Счастье как лингвокультурный концепт. – М.: Гнозис, 2004. – 236с.
34. Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. – М.: Рос. Ун-т дружбы народов, 1996. – 170с.
35. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 275с.
36. Воробьев В.В. Лингвокультурология: монография — М.: РУДН. – 2008. – 336с.
37. Гаврилова И.С. Аксиологический смысл концепта "счастье" в лингвокультуре: Автореф. дис... канд. филос. наук. – Волгоград, 2003. – 23с.
38. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Л.: Просвещение, 1997. – 264с.
39. Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/cўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 28с.
40. Гачечиладзе Г.Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Советский писатель, 1980. – 255 с.
41. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. – 288с.
42. Гумбольдт В фон. Избранные труды по языкознанию: пер. с нем. – М.: Прогресс, 1984. – 398с.
43. Дзида Н.Н. Асимметрия концепта в свете когнитивно-деятельностного подхода в переводоведении: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тюмень, 2010. – 25с.
44. Джусупов Н.М. Проблема концепта в современной лингвистике // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2004 – №4. – С. 12-18.
45. Дусабаева А.А. Лингвокогнитивная и интертекстуальная сущность аллюзии в английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2009. – 24с.
46. Елисеева Е.Б. Лингвокультурема как единица декодирования культурных смыслов при переводе художественного текста. – Тамбов: Грамота, 2013. № 3 (21): в 2-х ч. Ч. II. С. 67-70.
47. Ёкубов Ж.А. Француз тилида "муҳаббат" концептининг когнитив хусусиятлари // Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2011. – Б. 107-111.
48. Жабуриев М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колорити: Филол. фанлари ном... дис. – Тошкент, 1991. – 145с.
49. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256б.

50. Исамухамедова Н.Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста: Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2007. – 146с.
51. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 1993. – 297б.
52. Казакова Т.А. Практические основы перевода. English  $\Leftrightarrow$  Russian. СПб.: «Издательство Союз», 2002. — 320 с. <http://schyuri.narod.ru/transltn/kazakova.htm#ch13>
53. Карасик В.И. Лингвокультурные концепты: подходы к изучению // Социолингвистика вчера и сегодня. Сб. научных трудов. – М., 2004. – С. 136-146.
54. Карасик В.И., Слышкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Воронежского университета, 2001. – С. 75-80.
55. Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.: Наука, 1990. – 103с.
56. Комилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительной истории перевода в XIX в.: Автореф. дис... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1987. – 37 с.
57. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. – М.: ЧеРо, 1999 – 138 с.
58. Кубрякова Е.С. Концепт / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Моск. Ун-та, 1996. – С. 90-93.
59. Кубрякова Е.С. Языковая картина мира как особый способ репрезентации образа мира в сознании человека // Вестник чувашского государственного педагогического университета им. И.Я. Яковлева, 2003. – №4 (38). – С. 2-12.
60. Лагаева Д.Д. Лингвокультурный концепт «счастье» в калмыцком и английском языках: Автореф. дис.... канд.филол.наук. – Элиста, 2009. – 22с.
61. Лаккоф Дж., Джонсон М. Метафоры , которыми мы живём // Язык и моделирование социального взаимодействия. – М.: Прогресс, 1987. – С. 126-169.
62. Леви-Стросс К. Раса и история. <http://boofi.org/g/Леви-СтроссК>.
63. Лехачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность: Антология / под. Ред. В.П. Нерознака. – М.: Академия, 1997. – 317с.
64. Львов М. Р. К вопросу о типах лексических антонимов // Русский язык в школе. – М., 1970. – №3. – С.76-81.



65. Ляпин С. Х. Концептология: к становлению подхода // Концепты. Научные труды Центроконцепта. – Архангельск: Помор ун-та, 1997. – Вып. 1. – С. 11-35
66. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 418б.
67. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фанлари д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 56б.
68. Маматов А.Э. Национально-культурная семантика фразеологических единиц // Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Ташкент, 2011. – Б. 188-190.
69. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – 208с.
70. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Учеб. Пособие – 3-е изд., – Минск: Тетра Системс, 2008. – 272с.
71. Махкамова Г.Т. Формирование межкультурной компетенции студентов филологического вуза: Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Ташкент, 2011. – 47с.
72. Мўминов О.М.. Таржимада эквивалентликнинг миллий-маданий аспекти // Оғзаки ва ёзма таржимага ўргатишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни. – Тошкент, 2011. – Б. 3-4.
73. Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадиий таржима стилистик масалалари: Филол. фанлари ном... дис. Самарқанд, 1967. – 156б.
74. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352б.
75. Найда Ю.Я. К науке переводить // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике: Сб. ст. – М.: Международные отношения, 1978. – С.23-46.
76. Нелобин Л.Л., Хухуни Г.Г. Наука о переводе. – М.: Флинта, 2008. – 413с.
77. Ольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце XX века: итоги, тенденции, перспективы // Лингвистические исследования в конце XX века. – М.: ИНИОН, 2000. – С. 25 – 55.
78. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида: қиёсий типологик таҳлили: Филол. фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 1994. – 290б.
79. Пелипенко А.А., Яковенко И.Г. Культура как система. – ЯРК, 1998. – С.12.
80. Пименова М.В. Душа и дух: особенности концептуализации. – Кемерово: Графика, 2004. – 38бс.

81. Плотникова С.Н. Концептуальный анализ как метод лингвистических исследований / С.Н.Плотникова // Лингвистическая реальность и межкультурная коммуникация: Материалы международной научной конференции (Иркутск, 19-21 апреля 2000 г.) – Иркутск: ИГЛУ, 2000. – С. 20-122.

82. Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. – Воронеж: Воронежского Ун-та, 1999. – 126с.

83. Попова З.Д., Стернин И.А. Язык и национальная картина мира. – Воронеж: Истоки, 2002. – 60с.

84. Потебня А.А. Мысль и язык. – М.: Директ-Медиа, 2011. – 380с.

85. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.

86. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – 262б.

87. Рецкер Я.И. Пособие по переводу с английского языка на русский язык. – М.: Просвещение, 1982. – 184 с.

88. Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М.: Высшая школа, 1968. – 416с.

89. Русакова И.Б. «Концепты счастье – несчастье в лингвокультурном содержании русских пословиц» Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 2007. – 24с.

90. Рябцева Н.К. "Вопрос": прототипическое значение концепта / Н.К.Рябцева // Логический анализ языка: Культурные концепты. – М.: Наука, 1991. – С.25-33.

91. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 26с.

92. Самигова Х. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдони: Филол. фанлари ном... дис. автореф. – Тошкент, 2010. – 24б.

93. Саломов Ф. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларнинг таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент: Фан, 1961. – 161б.

94. Саломов Ф. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 384 б.

95. Саломов Ф.Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232б.

96. Семенов А.Л. Основы общей теории перевода и переводческой деятельности. – М.: Академия, 2008. – 160с.

97. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92б.

98. Сафаров Ш.С. Матн прагматикаси ва таржима // Таржима прагматикаси Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2008. – Б. 3-5.

99. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – 340с.

100. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – 216 с.

101. Сиротина Т.А. Современный англо-русский русско-английский словарь. – М.: ЗАО “БАО-ПРЕСС”, 2002. – 440с.

102. Складчикова Н.В. Культурологический аспект метафоры в переводах / Кемер. Гос. Ун-т. каф. англ. Филологии. №2. - Кемерево. 1993. – 4 с. – деп. В ИНИОН РАН №48508 от 20.09.93

103. Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қийсий таҳлили асосида): Филол. фанлари ном... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 256.

104. Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 226б.

105. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Языки русской культуры, 1997. – 824 с.

106. Стернин И.А. Методика исследования структуры концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Воронеж. ун-та, 2001. – С. 58-65.

107. Сусов А.А., Сусов И.П. Размышления о концептах // Вісник Харківського національного університету ім. В.Н. Каразіна. № 726. Серія: Романо-германська філологія. Методика викладання іноземних мов. Вип. 49. Харків, 2006. – С. 14–20.

108. Сэпир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии / под ред. А.Е. Кибрик, – М.: Прогресс, Универс, 1993. – 654с.

109. Гаджибаева А.А. Социокультурные и когнитивные аспекты лингвистического исследования эфемизмов в английском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2006. – 22 с.

110. Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира. – М.: Наука, 1999. – 378с.

111. Телия В.Н. Что такое фразеология. – М.: Наука, 1966. – 86с.

112. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2008. – 264с.

113. Турсунов У., Мухторов Ж., Ш.Рахматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 258б.

114. Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 2011. – 29с.

115. Уорф Б. Отношение норм поведения и мышления к языку. Наука и языкознание. Лингвистика и логика // Новое в лингвистике. – М., 1960. – С. 135-198.

116. Усмонов С. Антонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси, 1958. – Б. 33-34.

117. Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 225с.

118. Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – М.: Литературы на иностранных языках, 1953. – 336с.

119. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1968. – 396с.

120. Фрумкина Р.М. Лингвистика в поисках эпистемологии // Лингвистика на исходе XX века: Итоги и перспективы: Тезисы Международной конференции. – М., 1995. – Т. II. – С. 104.

121. Хусаинова Л.Ю. Национальное своеобразие и перевод: Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, – 1987. – 155с.

122. Цивьян Т. В. Лингвистические основы балканской модели мира. – М.: Наука, 1990. – 203с.

123. Чернов Г.В. Эквивалентность и адекватность перевода сквозь призму имплицативности // Язык как комплексная деятельность человека. – Сб. тр. МГПИИЯ им. М. Тереза. Вып. 284. – М., 1987. – С.128 – 136.

124. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1985. – 160с.

125. Швейцер А.Д. Междисциплинарный статус теории перевода // Тетради переводчика. Вып. 24. – М.: МГЛУ, 1999. – С. 31-42.

126. Широкова И.А. Эмоциональный концепт "Любовь" в идиостиле А. С. Пушкина: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тюмень, 2006. – 25с.

127. Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248б.

128. Шукруллаева С.И. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 17 с.

129. Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг лексик-семантик табиати. Филол. фанлари ном... дис. – Тошкент, 1973. – 148б.

130. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонималар. – Тошкент: Фан, 1977. – 249б.
131. Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари ном... дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 25б.
132. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007. – 128с.
133. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуреа атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Тошкент, 2011. – Б. 49-55.
134. Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликда янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар // Филология масалалари. – Тошкент, 2011. – №2. – Б.9-15.
135. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира (модели пространства, времени и восприятия). – М.: Гнозис, 1994. – 344с.
136. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 512б.
137. Қамбаров Н. Таржима трансформациялари, усуллари, даражалари ва таржима бирликлари // Филология ва унинг таракқиёт масалалари. – Тошкент, 2011. – Б. 15-19.
138. Қамбаров Н. Таржиманинг лексик муаммолари // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. – №1. – Б. 164-166.
139. Қулматов Б.Ф. Концепт – лингвокультурологиянинг базавий тушунчаларидан бири сифатида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Тошкент, 2011. – Б.157-160.
140. Ғафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. – Тошкент: Мехридарё, 2008. – 118б.
141. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 307б.
142. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1963. – 145б.
143. Ҳожиев А., Аҳмедов А. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 313б.
144. Arnold I.V. The English Word. – М.: Высшая школа, 1973. – 303р.
145. Baker M. In Other Words: A Coursebook on Translation. – London: Routledge, 1992. – 320 p.
146. Bassnett-McGuire S., Lefevere A. Translation, History and Culture. – London, 1990. – 414 p.
147. Bell Roger T. Translation and Translating: Theory and Practice. – London: Longman, 1991. – 320p.

148. Bergvall V. An Agenda for Language and Gender Research for the Start of the New Millennium [http://www.linguistik-online.de/heft1\\_99/bergvall.htm](http://www.linguistik-online.de/heft1_99/bergvall.htm)

149. Carrol J. Introduction. Language, Thought and Reality: Selected Writings of Benjamin Lee Whorf. – Cambridge: Cambridge University Press, 1956. – 221p.

150. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation: An Essay in Applied Linguistics. – London: Oxford University Press, 1965. – 230 p.

151. Croft W., Alan Cruse D. Cognitive Linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – 347p.

152. Fawcett P. Translation and language: Linguistic Theories Explained. – Manchester: St.Jerome, 1997. – 247 p.

153. Fillmore Ch. Frames and the Semantics of Understanding // Quaderni di semantica., 1985. – Vol. VI, №2. – P. 222- 254.

154. Galperin I.R. Stylistics. – М.: Высшая школа, 1971. – 343 p.

155. Grice H. P. Logic and Conversation. // Basic Topics in the Philosophy of Language. – Padstow: Harvester Wheatsheaf, 1975. – P. 2-28.

156. Gutt E. Translation and Relevance: Cognition and Context. – Oxford: Blackwell, 1991. – 278 p.

157. Haberland H. Linguistics and Pragmatics // Journal of pragmatics. – Amsterdam, 1997. – vol. 24 – №2. P. 54 - 60.

158. Hatim B., Munday J. Translation: an advanced resource book. – London: Routledge, 2004. – 380p.

159. Hatim B. Teaching and researching translation. – Harlow: Pearson Education, 2001. – 254p.

160. Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge: Cambridge University Press, 1983. – 283p.

161. Jackendoff R. What is a concept? Frames, fields and contrasts. New Essays in semantics and lexical organization. – Hillsdale, 1992. – 289p.

162. Jakobson R.O. Language in Literature.– London: Harvard University Press, 1987. – 548 p.

163. Johnson-Laird P.N. Mental Models (Towards a Cognitive Science of Language, Inference, and Consciousness). – Cambridge: Cambridge University Press, 1983. – 318 p.

164. Lakoff G., Johnson M. Metaphors “We Live By.” – Chicago: University of Chicago Press, 1980. – 242p.

165. Langer G. A. Language, Literacy and culture: issues of society and schooling. – Norwood, 1987. – Vol. VII. – 240 p.

166. Lee D. Cognitive Linguistics. An introduction. – N.Y.: Oxford University Press, 2002. – 223 p.



167. Leskosky R. J. Intensive Reflexives. // Studies in the Linguistic Sciences.— 1972. — Vol.2, No. 1. — P. 74 - 85.
168. Levin S.R. The Semantics of metaphors. — Baltimore, 1972. 164 p.
169. Lyons J. Structural Semantics: Analysis of part of the vocabulary of plot. — Oxford: Oxford University Press, 1963. — 176 p.
170. Mathews M. Meaning and Etymologies. Essays on language and usage. — N.Y., 1963. — 172 p.
171. Muminov O. Lexicology of the English language. — Ташкент: Мехридарё, 2008. — 161 p.
172. Munday J. Introducing Translation Studies. — London: Routledge, 2008. — 256p.
173. Newmark, P. About Translation. — Clevedon: Multilingual Matters, 1991.— 270 p.
174. Priss U. Linguistic Applications of Formal Concept Analysis <http://www.upriss.org.uk/papers/fcaic03.pdf>
175. Robinson D. Becoming a translator: an introduction to the theory and practice of translation. — London: Routledge, 2003. — 301p.
176. Seidle J., Mc Morde W., English Idioms. — Oxford: Oxford University Press, 1978. — 254p.
177. Ullmann S. Language and Style. — Oxford: Oxford University Press, 1964. — 145 p.
178. Ullmann S. Universal Semantics, An Introduction to the Science of meaning. — Oxford: Oxford University Press, 1962. — 168 p.
179. Wardhaugh R. Investigating Language . Central Problems in Linguistics. — Oxford: Blackwell, 1994. — 292p.
180. Wiezbicka A. Semantics, Culture and Cognition of Human Concepts in Culture- Specific Configurations. — N. Y., 1992. — 138 p.

## Фойдаланилган бадий асарлар рўйхати

1. Abdulla K. Pomegranate. Stories. (Translation from Uzbek by Sh. Sattorov, editor A.Oldfield.) – қўлёзмада.
2. Collins W. The Woman in White. <http://www.gutenberg.net/>
3. Dreiser Th. Sister Carrie. – М.: Higher School Publishing House, 1968. – 594р.
4. Epstein J. My brother Eli. The Best American. – N. Y.: Short Stories Hough Muffin company, 2007. – 308р.
5. Greenwood J. The True History of a Little Ragamuffin. – М.: Литературы на иностранных языках, 1958. – 303р.
6. Hemingway E. The Old Man and Sea. – М.: Прогресс, 1971. – 285р.
7. Hemingway E. A Farewell to arms. –Л.: Просвещение, 1971. – 263 р.
8. Kholmiraev. Sh. Uzbek's character. (Translation from Uzbek by Sh. Sattorov, editor A.Oldfield.) – қўлёзмада.
9. Navoi A. (translation from Uzbek by Gary D., Kambarov N., Makhmudkhodjaev T.) The Language of the Birds. – Tashkent: CAFE, 2003. – 160р.
10. Navoiy A. Lison ut-tayr (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: Matbaa ijodiy uyi, 2005. – 353б.
11. Obidov A. A miracle is on the way. She'rlar. – Toshkent: Zarqalam, 2005. – Б. 32-39.
12. Qahhor A. Anor. Qissa va hikoyalar. – Toshkent: Matbaa ijodiy uyi, 2012. – 200б.
13. Shakespeare W. Romeo and Juliet. – М.: Higher school, 1972. – 126р.
14. Sheldon S. If Tomorrow comes. <http://www.gutenberg.net/>
15. Stevenson R. The Bottle Imp. <http://www.gutenberg.net/>
16. Twain M. The adventures of Tom Sawyer /The adventures of Huckleberry Finn. – М.: Foreign Languages Publishing house, 1960. – 592р.
17. Wilde O. The Canterville Ghost. <http://www.gutenberg.net/>
18. Wilde O. The Picture of Dorian Grey <http://www.gutenberg.net/>
19. Гринвуд Ж. Жулдур кийимли бола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1961. – 202б.
20. Драйзер Т. Бахти қаро Керри. Э.Носиров тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 455б.
21. Драйзер Т. Сестра Керри. пер.М.Волосова. – Душанбе: Ирфон, 1982. – 49бс.
22. Коллинз В. Оқ кийинган аёл. А.Иминов тарж. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. – 652б.

23. Самандаров Э. Хоразм фарзандиман. (инглиз тилига тарж.) босмада.
24. Стивинсон Р. Шайтоний шиша. Рустам Обид тарж. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – №1. – Б. 3-28.
25. Твен М. Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1960. – 315б.
26. Твен М. Приключения Гекльберри Финна. – М.: Просвещение, 1988 – 224с.
27. Твен М. Том Соьернинг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат, 1948. – 262б.
28. Уайльд О. Дориан Грейнинг портрети. О.Шарофуддинов тарж. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. – №2. – Б. 81-126.
29. Уайльд О. Дориан Грейнинг портрети. тарж. О.Шарофуддинов. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. – №1. – Б. 3-48.
30. Уайльд О. Кентервиллик арвоҳ. Р.Обидов. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – №11. – Б. 28-49.
31. Фарида Афрўз. Тасбех, Четки, Rosary. – Тошкент: Шарқ, 2007 – 319б.
32. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 384б.
33. Холбекова Б. Муҳаббат муҳри: шеърлар ва таржималар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2011. – 108б.
34. Холмирзаев Ш. Ўзбек характери. Ҳикоялар. II жилд. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 464б.
35. Хемингуэй Э. Алвидо Курол. И.Ғафуров тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 344б.
36. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. И.Ғафуров тарж. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 384б.
37. Шекспир В. Ромео ва Жульетта. тарж. Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 586б.
38. Шелдон С. Орзикиб кутаман эртани. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 336б.
39. Эпштейн Ж. Укагинам Илай. Америка ҳикоялари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 256б.

#### **Фойдаланилган луғатлар рўйхати**

1. Collins Cobuild English language Dictionary. – London: Hurper Collins Publishers, 1994. – 1076 p.
2. Gandelsman A. English Synonyms. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1963. – 617 p.

3. Longman Dictionary of Contemporary English. – Harlow: Pearson Edu., 2009. – 2082p.
4. Longman: Dictionary of English Language and Culture. – Harlow: Pearson Edu., 2005. – 1620p.
5. Macmillan Essential Dictionary. – Oxford: Macmillan Publishers, 2003. – 862p.
6. Merriam-Webster's Collegiate Dictionary. – Massachusetts: Springfield, 2004. – 1072p.
7. New English-Russian Dictionary. – Moscow: Publishing House «Dialogue», 2003. – 283p.
8. Rosenman A.I., Apresyan Yu.D. English-Russian dictionary of synonyms. – Moscow: Russky Yazyk Publishers, 1988. – 2095p.
9. Skeat W.W. Concise Dictionary of English Etymology. – N.Y.: Wordsworth Editions, 2007, – 648p.
10. The Concise Dictionary of Proverbs . – Oxford: Oxford University Press, 2003. – 354p.
11. Webster's New Dictionary of Synonyms. – Massachusetts: Merriam – Webster Publishers, 1984. – 909p.
12. Webster's New World Dictionary. – London: Macmillan & CO, 1962. – 1702 p.
13. Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 207б.
14. Ақобиров С.Ф., Т.А.Алиқулов, С.И.Иброҳимов ва б. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик / З.М. Маъруфов таҳрири остида. – М.: Русский язык, 1981. – Т. 1. – 632б., Т. 2. – 715б.
15. Англо-русский синонимический словарь / Апресян Ю.Д., Ботякова В.В., Латышева Т.Э., и др. – М.: Рус. яз., 1988 – 544с.
16. Бегматов Э., А.Мадвалиев ва б. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 679б.
17. Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З. Панкрац Ю.Г. и др. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – 245с.
18. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 944с.
19. Нелюбин Л.Л. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Флинта, 2003. – 320с.
20. Новый англо-русский словарь. Мюллер В.К / Под ред. Маковского. – М.: «Диалог», 2003. – 895с.
21. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош Таҳририяти, 1992. – 480б.

22. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – 420б.

23. Сиротина Т.А. Современный англо-русский русско-английский словарь. – М.: ЗАО “БАО-ПРЕСС”, 2002. – 440с.

24. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2000. – 735б.

25. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 385б.

**Интернет сайтлар**

[http://ru.wikipedia.org/wiki/Лингвокультурология.](http://ru.wikipedia.org/wiki/Лингвокультурология)

[http://www.tcastle.com/sweetiepie.html.](http://www.tcastle.com/sweetiepie.html)

<http://brideofraan.deviantart.com/journal/>

<http://www.e-reading.org.ua>

<http://www.gutenberg.net/>

## МУНДАРИЖА

Кириш.....3

### I БОБ. ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСЛАРИ

- 1.1. Тил, маданият, таржима муаммолари .....5  
1.2. *Лингвокультура* ва *концепт* тушунчалари когнитив тилшунослик ва лингвокультурология талқинида.....14  
1.3. Таржимада лингвокультуремани ифодалаш қийинчиликлари ва ҳал қилиш методикаси.....21

### II БОБ. *HAPPINESS/BAXT*

#### ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ

- 2.1. *Happiness/baxt* лингвокультуремаларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлили.....29  
2.2. Бадиий таржимада *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг синонимик воситалар ёрдамида ифодаланиши.....39  
2.3. Бадиий таржимада *happiness/baxt* лингвокультуремаларининг антонимик воситалар ёрдамида ифодаланиши.....56

#### III БОБ. БАДИИЙ ТАРЖИМАДА КОНЦЕПТУАЛ ОЛАМ ТАСВИРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

- 3.1. *Happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ифодаланишида фразеологик бирликлар таржимаси муаммолари.....74  
3.2. *Happiness/baxt* лингвокультуремаларининг ифодаланишида стилистик воситалар таржимаси муаммолари.....87  
3.3. Таржимада олам лисоний тасвирининг акс эттирилиши.....101  
Хулоса.....112  
Фойдаланилган адабиётлар .....116



**Н.А.ТУХТАХОДЖАЕВА**

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ  
ИФОДАЛАНИШИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013**

Муҳаррир: Ф.Исмоилова  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Э.Мажидов  
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 15.07. 2013 йил.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 8,75. Нашр босма табоғи 8,25.  
Тиражи 150. Буюртма №92.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**



**F**AN VA  
**TEKNOLOGIVALAR**

ISBN 978-9943-10-940-7



9 789943 109407